

74-3
7-87

Б. ТУРДИАЛИЕВ

Ҳақиқат ва ўзбек
адабий тими

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ

Х. Х. НИЕЗИЙ НОМИДАГИ НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Б. ТУРДИАЛИЕВ

ҲАМЗА ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

194849

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
1981

Мазкур монография ўзбек • совет адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ўзбек адабий тили тараққиётига қўшган ҳиссаси ва бу борадаги хизматларига бағишланган. Монография икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Ҳамза ижодиётининг ўзбек адабий тили ривожигаги роли ва асарлари тилидаги диалектизмлар, варваризмлар, русча-интернационал сўзлар, жуфт ва такрорий сўзлар таҳлили берилган. Иккинчи қисм адиб асарлари тилининг морфологик хусусиятларига бағишланган.

Монография илмий ходимлар, аспирантлар, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчи ҳамда студентларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори Ф. АБДУЛЛАЕВ

Тақризчилар:

филология фанлари доктори А. ҲОЖИЕВ,
филология фанлари кандидати Қ. МУҲАММАДЖОНОВ

Т 70103—000
М355(04)—81—247—81 4602000000

© ~~Ўзбекистон ССР~~ «Фан» нашриёти, 1981 й.

СУЗ БОШИ

Ҳозирги замон ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиш ва ривожланиш йўллари, қонуниятларини илмий асосда ўрганиш ўзбек тилшунослигининг олдида турган муҳим проблемалардан биридир. Буни ҳал этишда XX аср бошларида яратилган ёзма ёдгорликлар тилини лингвистик таҳлил қилиш, бу ёдгорликларнинг традицион эски ўзбек адабий тилига ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган омонларини аниқлаш, давр тилининг диалектларга бўлган муносабатларини белгилаш сингари масалаларни ҳал қилиш тақозо этилади. Шу жиҳатдан, асримизнинг бошларида ўзининг ўлмас сарлари билан ўзбек совет адабиётига асос солган Ҳ. Ҳ. Ниёзий сарлари тилининг фонетик, лексик, грамматик ва стилистик хусусиятларини ўрганиш жиддий аҳамиятга эгадир. Ҳамзанинг ижодий эволюцияси ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиш жараёнига тўғри келади. Ҳамза асарларининг тил хусусиятларини, шунингдек, ўша даврлардаги матбуот тилини атрофлича ўрганиш ўзбек миллий адабий тилининг ташкил топиши тўғрисида баъзи бир умумий қонуниятларни аниқлашга ёрдам бериши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам биз бу монографияда Ҳамзанинг турли аврларда яратган драма, роман, ҳикоя ва шеърлари тилининг орфологик хусусиятларини текширишни асосий объект қилиб олдик.

Бу ишдан асосий мақсад, биринчидан, XX асрнинг биринчи рагидаги адабий тилнинг асосий ёдгорликларидан ҳисобланган ҳамза асарлари тилининг морфологик структурасини лингвистик таҳлил қилиш бўлса, иккинчидан, адиб асарлари тилининг баъзи бир ўзига хос лексик, фонетик ва стилистик хусусиятларини ҳам ўрсатиб ўтишдир. Бундан ташқари, миллий адабий тилимизнинг шаклланиши бориш жараёни билан боғлиқ бўлган жонли сўзлашув тилига хос диалектал сўз ва формаларнинг адабий тил қобиғи билан ўрин олиши, шунингдек, ижтимоий ҳаётда содир бўлган процессив ўзгаришлар натижасида сўз ясовчи аффикслар функциясининг кенгая боришини қисқача таҳлил қилишни ҳам ўз олдиданга вазифа қилиб қўйдик.

Биз Ҳамза асарлари тилини янги борица, адиб асарлари тилида мавжуд бўлган тил фактларини кўрсатишга, шу билан бирга, мавжуд тил фактларининг традицион адабий тилга ҳамда ҳозирги адабий тилимизга муносабатини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Бу монографияни яратишда асосий манба сифатида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида, шунингдек, Ҳамзанинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат музейида сақланаётган драма, роман, ҳикоя, шеърлари ҳамда 2 томлик «Танланган асарлари»дан фойдаландик.

Шуни таъкидлаш керакки, Ҳамза асарлари тилининг морфологик хусусиятларини ёритишда, имконияти борица, қўлёзмаларга, ўша даврларда нашрдан чиққан манбаларга асосланилди. Кенг китобхонлар оммасига қулайлик туғдириш мақсадида олинган мисоллар ҳозирги алфавитга транслитерация қилинди.

Ушбу китобнинг ёзилиш ва нашрга тайёрланиши жараёнида ўзларининг самимий маслаҳатлари билан кўмаклашган филология фанлари докторлари Ф. А. Абдуллаев, А. Ҳожиёв, Ш. Шукуров ҳамда филология фанлари кандидатлари А. Аҳмедов, Қ. Муҳаммаджоновларга муаллиф чин қалбдан миннатдорчилик билдиради.

ҲАМЗА ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

Ҳамзанинг ижодий фаолияти ва қолдирган мероси, ўзининг социал қийматига кўра, кўп қиррали бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганиш, илмий таҳлил қилиш ўзбек реалистик миллий адабиёти, санъати, педагогикаси ва маданияти тарихининг шаклланишини ёритишда муҳим манба ҳисобланибгина қолмай, балки ўзбек миллий адабий тилининг етакчи услубларидан бири бўлган реалистик бадий адабиёт тилининг шаклланишини кўрсатувчи асосий манба ҳисобланади.

Ҳамзашунослик тарихи асосан унинг вафотидан сўнг бошланди, десак хато қилмаган бўламиз. Адибнинг вафотидан сўнг унинг серқирра ва сермазмун ижодини ўрганишга қизиқиш йилдан-йилга ўсиб борди. Ҳамзанинг адабий мероси, театр ва музика соҳасидаги фаолияти, педагогик ҳамда фалсафий қарашларини ифодаловчи юзлаб мақолалар, ўнлаб кандидатлик ва докторлик диссертациялари, монографиялар юзага келди.

Ҳамза асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш соҳасида ҳам маълум даражада илмий тадқиқот ишлари юзага келди. Бу ишлардан энг аҳамиятлиси Ҳ. Назарова томонидан 1944 йили ёқланган «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларининг тили ҳақида» номли кандидатлик диссертацияси бўлиб, диссертант ўз ишида асосан Ҳамза асарлари тилининг халқчиллиги, персонажлар тилида учрайдиган халқ мақоллари ва баъзи бир тил фактлари хусусида фикр юритади. Бу диссертациянинг ёқланганлигига бир қанча вақтлар ўтганлигига қарамай, бу иш ўз даври нуқтаи назаридан Ҳамза асарлари тилига бағишланган энг йирик текшириш иши ҳисобланади. Бу диссертациядан ташқари, Ҳамза асарлари тилига оид тадқиқотлар илмий ва илмий-методик журналларда, газета ва тўпламларда эълон қилинган мақолалардан ҳам иборат.

Ҳамза асарлари тилининг таҳлиliga бағишланган мақолаларда авторлар адиб асарлари тилининг турли томонларини анализ қилишга ҳаракат қилганлар. Бу мақолаларда Ҳамзанинг ўзбек адабий тилига қўшган ҳиссаси, асарлари тилининг халқчил-

лиги, аҳамияти, шеърларининг лексик хусусиятлари, персонажларнинг нутқи сингари масалалар ҳақида мулоҳазалар юритилган. Бу мақолалар ичида Ф. Абдуллаев, Ф. Камолов ва А. Шомақсудовларнинг ишлари илмийлиги ва аҳамиятлилиги билан ажралиб туради¹. Проф. Ф. Абдуллаев ўз мақоласида Ҳамза асарлари тилининг традицион адабий тилга муносабати, янги давр адабий тилига қўшган ҳиссаси, адиб асарлари тилида сингармонизм қонунига амал қилинмаслиги ва бунинг сабаби ҳақида илмий мулоҳазалар баён қилган. Филология фанлари кандидати, доцент А. Шомақсудов эса Ҳамзанинг демократ шоирларимиз Муқимий, Фурқат ва Завқийлар изидан бориб, оммага тушунарли услубда ижод намуналари яратиши, ўз асарлари тилида лексик, грамматик жиҳатдан соддаликка интилиш, социал аҳамиятга эга бўлган ғояларни ифодалаш учун халқ оғзаки ижодида мурожаат этиши, янги тушунчаларни ифодалаш учун тилимизда мавжуд бўлган воситалардан фойдаланиши ва уларни адабий тилга киритиши, шунингдек, адибнинг рус тилига бўлган ижобий муносабати ва ундан ўз ижодида баҳраманд бўлиши ҳамда асарларидаги персонажлар нутқи хусусида илмий мулоҳазалар баён қилган. Фаҳри Камолов ўз мақоласида Ҳамзанинг ижодий эволюцияси ўзбек миллий адабий тилининг шакллана бориши жараёнига тўғри келиши, Ҳамзанинг янги халқчил ғояларни ифодалаш учун халқ тилига мурожаат қилиши, қардош халқ тилларига хос формаларнинг адиб асарлари тилида содир бўлиш сабаблари ва унинг асарлари тилида учрайдиган диалектизмлар ҳақида илмий мулоҳазалар юритган.

Ҳамза асарлари тили хусусиятларини ифодаловчи бундай ишларнинг кўпая бориши ҳамзашунослик тарихига қўшилган катта ҳиссадир. Шу ҳол ачинарлики, ҳозирга қадар ўзбек тилшунослигида Ҳамза асарлари тилининг бирор аспектини тўлақонли акс эттирувчи монографик характерга эга бўлган йирик асар ёки диссертацияга эга эмасмиз. Юқоридаги заруриятдан келиб чиқиб, биз ушбу монографияда Ҳамза асарлари тилининг морфологияси ҳақида фикр юритишга ва шу билан бирга, янги давр тилининг шаклланишида Ҳамзанинг ролини кўрсатишга интилдик.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲАМЗА АСАРЛАРИНИНГ РОЛИ

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ўзбек миллий адабий тили тараққиётидаги роли ва хизматлари ҳақида фикр юритишдан олдин XX аср бошларидаги ёзма манбалар

¹ Абдуллаев Ф. Ҳамза ва ўзбек адабий тили. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1967 йил, 6-сон, 8—12-бетлар; Камолов Ф. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг ташкил топиши ва ривожиди Ҳамзанинг роли. «Ҳамза ҳақида мақолалар». Тошкент, 1960 йил, 13—24-бетлар; Шомақсудов А. Ўзбек адабий тилининг ривожланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти. «Шарқ юлдузи», 1954 йил, 3-сон, 78—89-бетлар.

тилининг ўзбек адабий тили тарихида тутган ўрни ва ҳолати ҳақида қисқача фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

XX аср бошларидаги ўзбек адабий тили ўзбек тили тарихида янги миллий адабий тилнинг ташкил топишидаги бошланғич давр сифатида ажралиб туради. XX аср бошларидаги ўзбек адабий тили ўзининг лексик, фонетик, грамматик хусусиятлари ва стил тармоқлари жиҳатидан традицион эски ўзбек адабий тилидан фарқланиб туради. Шунинг учун ҳам олимлар бу давр тилига алоҳида аҳамият бериб, XX аср бошларидаги давр ўзбек миллий адабий тили шаклланишининг муҳим босқичи деб қарайдилар². Асрлар оша ишлатилиб келинган традицион адабий тил (эски ўзбек адабий тили) XIX асрнинг охири ва айниқса XX асрнинг бошларига келиб ижтимоий муҳитнинг ўзгариши, жамиятда содир бўла бошлаган янгиликлар туфайли жонли сўзлашув тилидан анча узоқлашиб, жамият эҳтиёжига тўлалигича жавоб беролмай қолади. Натижада жамият тарихи билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар адабий тилга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлайди.

XX аср бошларида адабий тилда юз берган ўзгаришларни давр тилининг барча ярусларида айнан кўриш мумкин. Жонли сўзлашув тилидан фарқли хусусиятларга эга бўла бошлаган традицион фонетик, лексик хусусиятлар, грамматик формалар билан паралел ҳолда адабий тил қобиғида жонли сўзлашув тилига хос хусусиятлар қўллана бошлайди. Айни вақтда адабий тилда грамматик, лексик дублетлар юзага келади. Социал муҳитнинг интенсив ўзгариши, капиталистик муносабатларнинг туғилиши, объектив ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ижтимоий меҳнат дифференциясининг тармоқлашуви адабий тилнинг янги услубларини вужудга келтирди. Ўзбек адабий тилида янгидан юзага келган адабий тилнинг услубларига публицистик, илмий, реалистик бадий тил услубларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек адабий тили ўз бошидан ана шундай мураккаб миллий адабий тилга ўтиш процессини кечираётган бир вақтда адабий тил билан иш кўрувчи зиёлилар орасида пуристтик, пантуркистик оқимлар юзага келди. Адабий тил атрофидаги пуристтик ва пантуркистик қарашлар ўзининг социал моҳияти жиҳатидан реакцион характерга эга бўлиб, бундай оқимлар бошқа туркий халқлар миллий адабий тилларининг шаклланиш жараёнида ҳам содир бўлган.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ижодий эволюцияси ўзбек адабий тилининг ана шундай мураккаб тараққиёт жараёнига тўғри келади. Биз бу ўринда адабий тилнинг етакчи услуби бўлган реалистик бадий адабиёт тилининг шакл-

² Абдуллаев Ф. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1977 йил, 4-сон, 29-бте; Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, 25-бет; Турсунов У, Урибоев Б. Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш масаласи. Ўзбек тили тарихи очерклари. Самарқанд, 1969, 50-бет.

ланиши, тараққиётидаги Ҳамзанинг хизматлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Ҳ. Ҳ. Ниёзий ўзининг сермазмун ва серқирра ижоди билан ўзбек совет адабиёти билан бирга, ўзбек миллий адабий тилининг асосий услуби ҳисобланган реалистик бадий асарлар тилига ҳам асос солди. Ҳамза ўзининг илк ижодини эски ўзбек тилида бошлаган бўлса-да, у ижодий эволюцияси давомида социал муҳит, замон талабига революционерчасига жавоб бериб, ўз ижодини ғоявий, тематик ва тил нуқтаи назаридан жамият бой-ликларининг яратувчиси бўлмиш меҳнаткаш халққа хизмат қилдиришга бағишлади. Ҳамза асрлар оша традицион хусусият касб этган эски ўзбек адабий тилининг меҳнаткаш халқ орзу-умидларини тўлалигича акс эттира олмаслигини, традицион адабий тил жонли халқ тилидан анча ажралиб қолганлигини, бу тилда тўлақонли реалистик образлар яратиб бўлмаслигини онгли мушоҳада қилди. Шунинг учун ҳам Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарлари тилида традицион адабий тилда учрамайдиган, меҳнаткаш халқнинг жולי сўзлашув тилига хос фонетик, грамматик ва стилистик хусусиятлар ниҳоятда кўп учрайди. Табиийки, асрлар оша қўлланиб келган эски адабий тил традициясини бузган Ҳамзанинг бу ҳаракати, яъни содда халқ тилида ва халқ вазнида ижод қилиши эски адабий тил тарафдорларининг қаҳру ғазабини келтирмай иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам эскилик тарафдорлари Ҳамзани жоҳилликда, адабиётдан беҳабарликда айблайдилар. Уларга қарама-қарши шоир Ҳ. Ҳ. Ниёзий «Қизил гул» тўпламининг сўз бошисида қуйидагича ёзади: «Бу учинчи бўлимидаги шеърларида узун-қисқаликларни ҳамда адабиётдан (эски адабиётдан) йироқлигини кўриб, адабиёт илмидан бутун хабарсиз киши эканми дейовчи зотларга қарши: бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизнинг тушунувига ўнғай бўлса керак... деб шояд бизнинг тарафимиздан жавоб берувчилар-да бўлур... ҳақиқатда, тилимиз ўзбек тили экан, қастдан биз ўзбек тилига яқинлаштирмоқға киришдик...»³. Ҳамзанинг аччиқ истеҳзо билан айтган бу жумлалари фақат шеърӣй формани, халқ тилини ҳимоя қилиш учунгина айтилган сўзлар бўлиб қолмай, балки эскилик ҳомийларига, уларнинг анъаналарига қарши қаратилган дил сўзлари ҳам эди.

Ҳамзанинг ўзбек адабий тили тараққиётига қўшган ҳиссаси ва адабий тил тараққиётидаги роли беқиёс каттадир. Адибнинг миллий адабий тилнинг энг муҳим услуби бўлган бадий адабиёт тили тараққиётидаги ва умуман адабий тилга қўшган ҳиссасини икки аспектда ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳамза асарлари тилини адабий тил тарихи, яъни реалистик бадий адабий тилнинг шаклланиши ва тараққиёти нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳамза асарларида шундай тил фактлари, стилистик воситалар учрайдики, уларнинг таҳлили ўзбек реалистик бадий адабиёт тилининг шаклланишини ўзида акс эттиради. Ҳамза ижодиёти туфайли адабий тилимизнинг сти-

³ Ҳ а м з а. Қизил гул, 1916, 3-бет.

листик системаси бойиди, янада тараққий этди. Буни биз традицион адабий тилда учрамайдиган, Ҳамза асарлари туфайли адабий тилимизнинг стилистик сферасидан мандат олган сўз маънолари, сўз бирикмалари, халқ тилига хос мақол ва фразеологизмларда айнан кўришимиз мумкин. Бу соҳа алоҳида текшириш объекти бўлганлиги туфайли юқоридаги фикрларнинг исботи учун Ҳамзанинг революцион шеърларидан олинган бир-икки мисол билан чегараланамиз. Ҳамза традицион адабий тилда учрамайдиган «ишчиларни уйқудан уйғатмоқ», «маданият тарқатмоқ», «қора элларни оқартирмоқ», «қизил қонга ботмоқ» сингари оддий сўз бирикмаларини бадий адабиёт тилига олиб кириб, бу тил фактларига образли социал қиймат бағишлаб, революцион ғояларни ифодаловчи бадий воситалар даражасига кўтарди. Юқоридаги фикрнинг далили сифатида Ҳамзанинг «Биз ишчимиз» шеърдан қуйидаги тўртликни таҳлил қилиб кўрайлик:

Ҳар балога биз тўғримиз,

Қон чулғаган бошимиз.

Замон келди кўтарайлик

Оёқ остидан бошимиз (БИ, 1, 159—160).

Бу мисраларда «қон чулғаган бошимиз», «кўтарайлик оёқ остидан бошимиз» каби оддий сўзлашув тилига хос жумлалар ҳам социал моҳиятга эга бўлган образли восита сифатида шеърнинг ғоясини очишга хизмат қилган. Аслида «қон чулғаган бошимиз» мисрасининг нейтрал-номинатив маъноси касалликни (қон босимини), «кўтарайлик оёқ остидан бошимиз» мисрасининг маъноси таъзим қилмасликни англатади. Ҳамзанинг маҳорати шундаки, у оддий сўзлашув тил фактларидан образли воситалар ҳосил қилиб, уларни адабий тилга киритган. Бундай хусусиятлар адибнинг барча жанрдаги асарлари тилига хосдир. Адабий тилга (бадий адабиёт тилига) хос ана шундай воситаларни ўрганиш Ҳамзанинг адабий тил тарихига қўшган ҳиссасини ва уни ривожлантиришдаги ролини кўрсатишга ёрдам беради.

2. Ҳамза асарлари тилини ўрганиш миллий адабий тилимизнинг грамматик жиҳатдан шаклланиши, нормаллашуви, яъни тарихий грамматика нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳамза асарларининг тил хусусиятларини ўрганишда адиб асарлари тилида мавжуд тил фактларини эски ўзбек тили, XX аср бошларида яратилган адабий тил ёдгорликлари ва ҳозирги адабий тил билан қиёслаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундай қиёсий ўрганиш Ҳамзанинг миллий адабий тил тараққиётига қўшган ҳиссаси ва унинг тараққиётидаги ролини аниқлашга ёрдам беради.

Агар биз Ҳамза асарлари тилини фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан кўздан кечирар эканмиз, традицион адабий тилда учрамайдиган ёки кам қўлланадиган тил фактларини адабий тил нормаси сифатида қўллана борганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу

хусусиятлар адибнинг миллий адабий тилимизнинг шаклланиши, тараққиётидаги роли ва хизматлари билан боғлиқдир.

Ҳамза асарлари тилининг барча ярусларида традицион адабий тилдан ҳозирги замон адабий тилимизга томон силжиш, яқинлашиш ўз ифодасини топган. Булардан баъзилари қуйидагилар:

1. Ҳамза асарлари тилининг фонетикасида сингармонизм ҳодисасига амал қилинмаслик кўзга ташланади. Туркий тиллар учун характерли қонуният ҳисобланган сингармонизм ҳодисаси гарчи традицион эски ўзбек адабий тилида қисман бузила борган бўлса-да, бу қонуниятга амал қилиш ҳоллари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яратилган ёдгорликлар тилида учраб турар эди.

Октябрь революцияси арафаларидан бошлаб ва сўнгги ижодий эволюцияси давомида давр талабини онгли мушоҳада қилган Ҳамза яшовчан, ҳаётий традицион тил фактларидан фойдаланган ҳолда жонли сўзлашув тилида, яъни сингармонизмсиз марказий шаҳар шевалари негизида ижод қила бошлади. Бу жиҳатдан қараганда Ҳамза асарларининг тили ўша вақтлардаги матбуот тилига нисбатан ҳам ҳозирги замон адабий тилига яқинлиги билан характерланади. XX аср бошларида чиққан вақтли матбуот тилида сингармонизм ҳодисаси гарчи нисбатан бузила борган бўлса-да, Ҳамза асарларида бу қонуниятга амал қилиш ҳоллари деярли учрамайди. Буни биз 1921 йили чиққан матбуот саҳифаларидан олинган мисоллар билан шу даврда яратилган Ҳамза асарларидан олинган мисолларни қиёслаш орқали кўришимиз мумкин: *Уруш вақтларида биз уруш ҳолатига берулуб кетуб хўжалиқ ишларимизни ҳам ҳарбий йўлга солишга тиришган эдик* («Қасабачилар иши», 1921, № 7).

Юқоридаги формада сингармонизм ҳодисаси гарчи бузилган бўлса-да, *солишга, йўлга, хўжалиқ* сингари мисолларда сингармонизмнинг танглай гармонияси сақланганлиги айнан сезилиб турибди. Шу даврда яратилган Ҳамзанинг асарлари тилида сингармонизм ҳодисасига ривож қилинмасликни кўрамиз: *Хайрулла кирар: Бой ота, етиб келдим. Бой. Нима дейишди? Хайрулла. Ман айтдим — сизларни хўжайин меҳмонхонада чақир-воттилар, борармушсизлар...* (БХ, 4); *Қодирқул: Гапни чўзма, мунофиқ! Берасанми, йўқми? Шунга айт! Мани биласанми!* (Бур. с. 36).

Бу мисолларда сингармонизм ҳодисасига амал қилган бирор сўз кўринмайди.

2. Ҳамза ўзининг реалистик характерга эга бўлган асарларини, юқорида айтганимиздек, жонли сўзлашув тилида, аниқроғи, марказий шаҳар шеваларига яқин услубда ижод қила бошлаган Реалистик санъат тасвирланаётган воқеаларнинг ҳаётийлиги образлар нутқининг реаллиги билан характерланади. Буни эътиборга олган Ҳамза ўз асарларидаги персонажларни традицион адабий тилда эмас, балки жонли сўзлашув тилида сўзлатган

Чунки традицион адабий тил реалистик образлар тўлақонли оча олмас, образларнинг ҳаётийлиги сақланмаган бўлар эди. характерини

Шу нарса муҳимки, XX аср бошларида традицион бадий адабий тилининг услубидан фарқли хусусиятга эга бўлган, жонли тилга яқинроқ бўлган реалистик услуб шакллана бошлади. Бу хусусиятни Ҳамзанинг «Янги саодат» романига ёзган бошлади. Бу даги қуйидаги сўзлардан ҳам кўришимиз мумкин: *Аларни (халқ-эски имло ва эски усулда тартиб берилди ҳамда соддароқ ёзилди (Ян. с. 1.). Ҳамзанинг сўнгги даврларда яратган драма ва ган асарларидир. Бу реалистик янги усулнинг ўзбек адабиётида шаклланиши ва равнақи Ҳамза номи билан боғлиқдир. Ҳамза-диннинг шаклланишида ўзбек демократик адабиёти реализм мето-қаторда рус адабиётининг таъсири беқиёс каттадир. билан бир*

3. Ҳамза асарлари тилининг морфологик хусусиятларини ўрганиш ўзбек миллий адабий тилининг шаклланишини кўрсатишда муҳим илмий аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ҳамза ижодининг шаклланиши ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва нормаллашув даврига тўғри келади. Гарчи адабнинг илк ижодига доир асарларида традицион эски ўзбек адабий тилига хос грамматик (морфологик) формалар асосий ўрин эгалласа-да, ижодий камолоти давомида традицион морфологик формантлар билан параллел ҳолда жонли сўзлашув тилига хос морфологик кўрсаткичлар ҳам қўллана борган. Адибнинг илк ижодида кам қўлланган, жонли сўзлашув тилига хос грамматик форма ва тил фактлари ҳаётининг сўнггида яратган асарларида адабий тил нормаси даражасига айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Адабий тилда содир бўладиган бундай хусусиятлар қонуний ҳолат бўлиб, бу жараёни бошқа халқларнинг миллий адабий тилларининг шаклланиши процессида ҳам учратиш мумкин⁴.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарлари тилида традицион эски ўзбек тилида учрамайдиган, диалектал, янги давр — ҳозирги замон ўзбек тилига хос хусусиятлар кўплаб пайдо бўлган. Бу хил хусусиятларни ҳар бир сўз туркумига хос грамматик кўрсаткичларда учратиш мумкин. Бу хусусиятларни атрофлича илмий таҳлил қилиш, аниқроғи, Ҳамза асарлари тилининг грамматикасини (морфологиясини) яратиш адибнинг ўзбек миллий адабий тили тараққиётидаги ролини кўрсатишга ёрдамлашади. Биз қуйида Ҳамза асарлари тилига хос баъзи феъл нормаларини кўрсатиш билан чегараланамиз. Эски ўзбек тили ҳозирги замон феъл формаси *-дур* воситасида шаклланган. Ҳамза асарлари тилида ҳозирги замон феъл

⁴ Конрад Н. И. О литературном языке в Китае и Японии. Вопросы формирования и развития национальных языков. Труды института языкознания АН СССР. М., т. 10, с. 29.

формаси, асосан, *-ял* ҳамда *-моқда* формасида учрайди. Баъзи асарларида *-ял* нинг Тошкент шевасига хос диалектал формаси *-вот* ҳам қўлланган: *Марямхон: Қўп йиғламанг! Юрагим ўт олиб кетяпти* (Заҳ. ҳ. 22). *Ҳасан. Содда 5 таликдан кўк қарғанинг боласидек учурма қилляпти-я!* (Бур. с. 5). *Меҳмонхонада чақирвотдилар, борармушсизлар...* (Б. Х. 4). *Олимжон Аҳмаджонни керакли хизматларга юбормоқда!* (Ян. с. 42).

Эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феъл формаси *-ур* аффикси орқали ҳосил қилинган. Ҳамза асарлари тилида бу форма учраса-да, *-а*, *-й* равишдошларига шахс-сон аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган ҳозирги-келаси замон формалари норма сифатида кўпая борган.

— *Ҳокимтўра билан ўзим гаплашиб қўяман* (Б. Х. 2). *Ўзингиз отанг керакмас, мен сизларни яхши кўраман, демадингизми?* (Ян. с. 7).

Мендан бошқа одам бўлса, ҳозир чуккасини пукка қилади (Бур. с. 6).

Шунингдек, Ҳамза асарлари тилида феълларнинг буйруқ майли традицион *-гил* аффикси билан эмас, балки *-гин* аффикси билан ифодаланган, сифатдошнинг ўтган замон формаси асосан *-ган* аффикси билан, тўлиқсиз феъл формалари *эрди, эркан, эрмиш* билан эмас, балки *эди, экан, эмиш* формаларида қўлланган. Фикримизнинг исботи учун Ҳамзанинг «Истибдод қурбонлари» асарининг 10-бетида ўтган замон сифатдош формасининг қўлланишидаги статистик миқдориға мурожаат қилайлик. Асардан олинган 10 бетли парчада 18 та ўтган замон сифатдошидан 17 таси *-ган* тарзида, фақат бир ўринда *-ған* тарзида қўлланган. Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Ҳамза асарлари тилига хос кўрсаткичлар традицион адабий тилдаги кўрсаткичлардан маълум даражада фарқли хусусиятларга эга, яъни ҳозирги адабий тилимиздаги грамматик формаларга яқинлиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳамза асарлари тилини ўрганиш ўзбек реалистик бадиий адабиёти тилини ўрганиш учунгина аҳамиятли бўлиб қолмай, балки ҳозирги замон миллий адабий тилимизнинг шаклланиши процессини ўрганиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон адабий тилимиздаги кўплаб тил фактларининг адабий тил нормасидан ўрин олиши Ҳамза асарлари туфайлидир, аниқроғи, жонли тилга хос тил фактларининг адабий тилдан ўрин олишида Ҳамза асарлари, образли қилиб айтганда, кўприк вазифасини бажарган.

XX АСР БОШЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТ, АДАБИЙ ТИЛ ПРОБЛЕМАСИ ВА БУНДА ҲАМЗА АСАРЛАРИНИНГ ТУТГАН УРНИ

Ҳозирги замон ўзбек тили ўз тараққиёти процессида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Ўзбек адабий тилининг қайси бир ривожланиш этапи ҳақида фикр юритмайлик, уни тилнинг эгаси бўлган ўзбек халқи тарихи билан боғлиқ ҳолдагина ўрганишимиз мумкин. Бу ҳақда академик В. В. Виноградов: «Адабий тилнинг ўзига хос специфик хусусиятларини ўша халқнинг конкрет тарихий ҳаётидан, унинг нутқ маданиятидан ажратган ҳолда ўрганиш мумкин эмас»¹,— деб таъкидлаган эди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари Ўрта Осиё халқлари тарихида, жумладан, ўзбек халқи тарихида унутилмас уйғониш даври бўлди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиб олиниши Туркистон меҳнаткашларининг икки томонлама эксплуатация занжирига солишига қарамай, социал ҳаётда муҳим прогрессив ўзгаришларнинг юзага келишига сабабчи бўлди². Бу ўринда доҳиймиз Ф. Энгельснинг 1851 йил 23 майда К. Марксга ёзган хатида «... ҳақиқатан ҳам Россия Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнайди»— деб айтган доҳиёна фикри қимматлидир³. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингач, Ўрта Осиё меҳнаткашлари ҳаётида чор Россияси эмас, революцион Россия катта прогрессив роль ўйнади. XX аср бошларида саноат, савдо капитализми ривожлана бошлади, жамиятнинг илғор кучлари ҳисобланган ишчилар синфи юзага келди. Шу билан бирга капиталистик жамиятнинг мухлислари бўлган маҳаллий буржуазия ва капиталистлар томонидан аёвсиз эксплуатация қилина бошлади. Маҳаллий ишчилар синфи илғор рус ишчилари билан ҳамкорликда эксплуататорларга қарши курашга киришдилар. Айниқса, 1905 йил рус революцияси Ўрта Осиё меҳнаткашлари онгининг ошишига катта таъсир кўрсатди. Бу ҳақда доҳиймиз В. И. Лениннинг қуйидаги

¹ Виноградов В. В. Проблемы литературных языков и закономерностей их образования и развития. М., 1967, с. 44.

² Брагинский И. С., Раджабов С., Ромодина В. А. К вопросу о значении присоединения Средней Азии к России. «Вопросы истории», 1953, № 8, с. 30—40.

³ Маркс К ва Энгельс Ф. Асарлар. XVII том, 241-бес.

фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир: «Жаҳон капитализми ва 1905 йилги рус ҳаракати Осиёни тамоман уйғотди. Ўрта аср турғунлиги остида эзилиб ёввойиlashган юзларча миллион аҳоли янги турмушга ва энг оддий инсоний ҳуқуқлар учун, демократия учун курашга уйғонди»⁴.

Асримизнинг аввалги ўн йиллигида Туркистоннинг йирик шаҳарларида марксистик тўғараклар ва уларнинг органлари бўлган газета ва журналлар ташкил топа бошлади⁵. Натижада меҳнаткаш омманинг революцион онги кун сайин ўткирлаша борди. Ўлканинг турли районларида ҳукмдорларга қарши революцион жанглар кўтарилди⁶, 1905—1917 йиллардаги революция ўзбек маҳаллий буржуазияси, шунингдек, буржуа интеллигенциясини ҳам ҳаракатга келтирди. Маҳаллий аҳоли ўртасида синфий ва сиёсий табақаланиш кучайди. Миллий буржуазия меҳнаткашлардан ажрала бориб, ғоявий таъсир кўрсатиш воситаларини ўз қўлига олишга интилди ва ҳар қандай янгилик киритишда ўзини ўрнатқилиб кўрсатишга уринди, ҳамма янгиликларни ўзининг синфий манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилди. Шу тариқа жадиализм деб аталган ғоявий оқим вужудга келиб⁷, 1905 йиллардан бошлаб бу оқим ижтимоий ҳаётда кенгроқ тарқала бошлади. Бу ҳаракат авваллари тор рамкада бўлиб, янги усул мактаблари ва бошқа реформалар ташкил қилиш, эски усул мактабларини ислоҳ қилиш ғояси билан боғланган ҳолда давом этиб келди. Кейинроқ бу ҳаракат ривожланиб, фақат буржуазия интеллигенциясинигина эмас, ҳатто айрим демократик тенденциядаги зиёиларни ҳам ўз доирасига торта бошлади⁸. Жадиализмнинг баъзи бир элементлари шарият ва динни қурол қилган ҳолда турк буржуазиясига хайрихоҳлик билдириб, Туркистонни Россиядан ажратиш ва Туркия ҳомийлигида буржуа-помешчик давлати ташкил қилиш ғоясини тарғиб қила бошладилар⁹. Бу жиҳатдан жадидаларнинг баъзи бир қатламлари пантуркизм ғоялари билан заҳарланганликлари шубҳасиздир. Буни биз уларнинг тил тўғрисидаги қарашларида очиқ кўришимиз мумкин¹⁰. Пантуркистик ғояларнинг тарқалиши синфий қарама-қаршиликка, самодержавие ва маҳаллий эксплуататорларга қарши курашиш учун илғор рус ишчилари билан иттифоқ бўлишни маълум даражада қийинлаштирар эди¹¹. Жадиализмга қарама-қарши ўлароқ, илғор ғоя — ил-

⁴ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 164-бет.

⁵ Убайдуллаев С. Революционное движение народов Средней Азии 1907—1910 г. Ташкент, 1967, с. 28—79; Епифанов В. М. Трибуна большевиков Туркестана. Ташкент, 1968, с. 5—27.

⁶ Пясковский А. В. Революция 1905—1907 годов в Узбекистане. Ташкент, 1967; Убайдуллаев С. На заре революции. Ташкент, 1967, с. 32—57.

⁷ «Узбекистон ССР тарихи». Бир томлик. Тошкент, 1967, 379-бет.

⁸ «История Узбекской ССР». II том, Ташкент, 1968, с. 366.

⁹ Уша асар, 366-бет.

¹⁰ Бу тўғрида ишимизнинг «Давр тилида ўғуз ва қипчоқ элементлари» бўлимида маълумот берилган.

¹¹ Убайдуллаев С. На заре революции. Ташкент, 1967, с. 79.

мий коммунизм назарияси кенг тарқала бошлади. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, С. Айний, А. Авлоний каби теран фикрли зиёлилар ўз ижодларида дунёвий мактабларни, русларнинг прогрессив томонларини пропаганда қила бошладилар. Жадидчилик ҳаракати кенг омманга ўз орқасидан эргаштириб боролмади, чунки бу оқим меҳнаткаш оммадан ажралган бўлиб, ўзининг мустақил ташкилоти ва программасига эга эмас эди. Уларнинг тутган йўли жамият тақазо қилган объектив йўл бўлмай, айримлари чоризмни ёқлар, баъзилари эса пантуркистик¹² ва реформистик қарашларни пропаганда қилиш билан овора эдилар. Жадидларнинг социал илди-зи, ички моҳияти ва эволюцияси кўзга кўринган тарихчиларимиз томонидан таҳлил этилган¹³. Ҳозирда ҳам бу оқим ҳақида фикр юритилмоқда. Асримизнинг бошларидаги маданий жонланиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасига тааллуқлидир. Ярим асрлик муштамлака зулмида ҳаёт кечирган Туркистон меҳнаткашлари социал ижтимоий зарурият ва Россиядаги прогрессив фикрлар таъсирида маданий, миллий тараққиёт заруриятини тушуна бошладилар. Мазкур миллий уйғониш процессини миллатнинг ташкил топишидаги муҳим белгилардан бири бўлган умуммиллий адабий тил учун кураш соҳасида кўриш мумкин. Марксизм-ленинизм классикларининг таълимотига кўра, ҳар қандай миллатнинг ташкил топиши ўша миллат миллий тилининг ташкил топиш процесси билан узвий боғлиқдир¹⁴.

Бироқ ўзбек миллий тилининг эгаси бўлган ўзбек миллатининг қачон ташкил топганлиги ҳақида турли хил мунозарали фикрлар мавжуд. Айрим олимлар ўзбек миллати Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ташкил топган дейдилар¹⁵. Баъзилари ўзбек халқи Октябрь революциясидан илгари миллат бўлиб шаклланган, дейишади¹⁶. Ўзбек миллатининг муҳим белгиларидан бири бўлган ўзбек миллий адабий тилининг ташкил топиши ҳақида гапирганда, энг аввало, революциягача бўлган ёзма ёдгорликлар тилини чуқур ва атрофлича текшириш, иккинчидан, бу ёдгорликлар тилининг ҳозирги замон адабий тилига бўлган муносабатини аниқлаш керак бўлади. Биз ҳам бу масалага қисман ёндашишда XX асрнинг бошларидаги вақтли матбуот ҳамда ўша вақтларда нашрдан чиққан баъзи бир бадний адабиёт

¹² Ўша асар, 79-бет.

¹³ Брагинский И. С. О природе среднеазиатского джадидизма и литературной деятельности джадидов. Жур., «История СССР», 1965, № 6, с. 26—38; Вахабов М. Г. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период Великой Октябрьской революции. Жур., «История СССР», 1963, № 2, с. 35—55.

¹⁴ Маркс К. и Энгельс Ф. Немецкая идеология. Соч., IV том, 1933, с. 414. Ханазаров К. Сближение нации и национальные языки в СССР. Ташкент, 1963, с. 43.

¹⁵ Вахабов М. Г. Ўзбек социалистик миллати. Тошкент, 138—139-бетлар.

¹⁶ Абдушукуров Р. Х. Октябрьская революция, расцвет узбекской социалистической нации и сближение её нациям СССР. Ташкент, 1962, с. 31—32.

намуналари, ўқув қўлланмалари тили асосида фикр юритишнинг лозим топдик.

Туркистонда нашриёт юзага келиши билан у традицион тил (эски ўзбек тили) негизида иш кўра бошлади. Традицион адабий тил гарчи қачонлардир жонли халқ тили асосида таркиб топган бўлса-да, даврларнинг ўтиши билан у жонли сўзлашув тилидан анча узоқлашиб қолган эди. Адабий тил билан жонли тил орасидаги фарқлар феодализм жамиятининг синфий характерида келиб чиққан объектив сабаблар натижаси эди. Агар классик адабий тилимиз Алишер Навоий даврида шаклланди, дейдиган тезисни асос қилиб олсак, ўз-ўзидан маълум бўладики, орадан беш юз йиллик узоқ вақт ўтиб кетди. Шунга қарамай, адабий тил, ҳатто XX аср бошларида ҳам ҳамон эски традицияни давом эттирар эди. Мактабларнинг камлиги, мактаб ва мадрасаларда она тилининг фан сифатида ўтилмаслиги, ўтиладиган предметларнинг ҳаётдан узоқлиги, ўқиш-ўқитиш методининг яроқсизлиги, араб алифбесининг туркий тиллар характериға мос келмаслиги — буларнинг барчаси ёзма адабий тил билан оғзаки (жонли сўзлашув) тил ўртасидаги фарқларни келтириб чиқарувчи омиллар эди. Шундай қилиб, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ёзма адабий тил Алишер Навоий асос солган адабий тил традициясининг асосан давоми бўлиб, жамиятнинг жуда оз қисмига — саводли кишилар учунгина хизмат қилар эди.

XX асрнинг бошларида дунёвий мактабларнинг вужудга кела бошлаши, саводлиликнинг нисбатан кучайиши, она тилимизда матбуот ва дарсликларнинг рўёбга чиқиши, демократик ғояларни акс эттирувчи ёзувчиларнинг оммага тушунарли тилда асарлар ижод қилишга интилиши каби факторлар умуммиллий адабий тил заруриятини туғдирди. Ўз-ўзидан маълумки, бу даврга келиб эски адабий тилнинг айнан ўзи тараққиёт поғонасига қадам ташлаган жамият эҳтиёжига жавоб беролмай қолди. Натижада объектив зарурият туфайли адабий тил сферасида жонли сўзлашув тилига хос элементлар кўпая борди, иккинчидан, кўплаб русча-интернационал сўзлар пайдо бўла бошлади. Бундай ҳолатни XX аср бошларида нашрдан чиққан бадиний асарлар ва матбуот саҳифаларида учратиш мумкин. Адабий тил қобигида юз бераётган бундай ўзгаришлар муносабати билан айрим зиёлилар (эски адабий тил тарафдорлари) орасида мунозаралар келиб чиқади. Фикримизнинг далили учун «Ойна» журналида босилган бир мақоладан қуйидаги жумлаларни айнан келтирамиз: «Ойна»ға сизнинг тилингиз Туркистонда адабий эрди, ёзган тарих, жуғрофия, иншо ва ўзга нашр таҳриротингиз адабий тилға ўхшаш эрди, аммо «Ойна» тилини авомча ва кўчаги қилиб юборилибдур. Муни авом ўқисайдур, аҳли илм ва адабиёт ошуқлари ўқийдур. Фикри ожизимча, бир оз адабийроқ ёзилиб ҳамда фаний ва илмий нимарсалар кўпроқ ёзилса эрди»¹⁷.

¹⁷ «Ойна», Самарқанд, 15-сон, 1914 йил, 247-бет.

XX асрнинг бошларидаги адабий тилга қарашларни шартли равишда уч группага бўлиб кўрсатиш мумкин. Биринчи группа реакцион пантуркистик характерга эга бўлиб, бу гуруҳ вакиллари-нинг мақсадлари туркий тилда сўзлашувчи аҳоли учун умумий ва ягона бир адабий тил яратишга қаратилган эди. Бу ягона тил негизини, уларнинг фикрича, усмонли турк тили ташкил қилиши керак эди¹⁸. Бу оқим XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда вужудга келиб бу оқим тарафдорлари бошқа туркий тилларни, жумладан, ўзбек тилини ҳам инкор қилиш даражасига бориб етдилар¹⁹. XX асрнинг бошларига келиб пантуркизмнинг ғоялари буржуазия ва унинг маслакдошлари томонидан пропаганда қилина бошлади²⁰. Бу реакцион оқимнинг ғоялари Кавказ ва Ўрта Осиёга ҳам етиб келди. Натижада ўша вақтларда чиққан газета ҳамда журналлар тилида айрим туркча, татарча сўз ва грамматик формалар аралаш ҳолларда қўллана бошлаган эди²¹.

Адабий тил атрофидаги гуруҳларнинг бир тури пуристлар деб номланган оқим бўлиб, улар эски ўзбек тилини четдан кирган ва кираётган ажнабий сўзлардан тозаламоқчи бўлдилар. Пуристлар шу даражага етиб бердиларки, омма учун тушунарли бўлган чет тилларга доир сўзларни тилимиздан чиқаришга ҳаракат қилиб, бу сўзларнинг янги эквивалентини эски арханклашган тил системасидан қидирдилар ёки сунъий равишда сўз ясадилар. Уларнинг фаолиятидаги яна бир ёмон томон шундаки, социал ҳаёт тақозоси билан тилимизга кириб келаётган русча-интернационал сўзларни ишлатмасликка уриниб кўрдилар, бу ҳаракатни XX аср бошларида чиққан матбуот саҳифаларида айнан кўриш мумкин. Масалан: «Ойна» журналида бир пурист қуйидагича ёзади: «Замонамиздаги энг муҳим масалалардан бири тил масаласидур. Хушёр миллатлар мунн барча масалалардан ортуқ санайдурлар. Чунончи, тилларни, кундан-кун софландуруб, тиллари ичига кирган бегона сўзларни ташқари ислоҳ қилур»²². Бу мақоланинг автори сўзининг охирида агар тилимизга чет сўзларни қўшаверсак, тез кунда тил ва миллатимизни йўқотамиз,²³— дейишгача бориб етган.

Бу даврда турли-туман газеталар, дарслик ҳамда қўлланмалар нашр этилиб, шу билан боғлиқ ҳолда янгича миллий услуб ҳўри-нишлари вужудга кела бошлади. Лекин шунга қарамай, XX аср бошларидаги адабий тил ҳамон мураккаб, барча учун тушунарли бўлмаган арабча, форсча сўз, юқоридаги сабабларга кўра татарча, туркча грамматик формалар, архаизмлар мавжуд эди. Шунинг

¹⁸ Боровков А. К. Узбекский литературный язык, с. 5.

¹⁹ Рынков Л. Н. Разоблачение пантуркистической сущности современной уречкой лингвистики. АКД. 1951, с. 5.

²⁰ Закиев М. З. Некоторые вопросы развития татарского литературного языка. Вопросы татарского языкознания. Казань, 1965, книга-2, с. 13.

²¹ Ушбу китобнинг «Давр тилида ўғуз ва қипчоқ тилларига хос формалар» исмига қаралсин.

²² «Ойна», Самарқанд, 1914 йил, 834-бет.

²³ Уша журнал, ўша бет.

учун ҳам профессор А. К. Боровков бу давр тили хусусида тўхта-
либ, XX аср бошларидаги ўзбек адабий тили умуммиллий адабий
тилимининг ташкил топишидаги бошланғич этап эканлигини қайд
қилган эди²⁴.

ДАВР ТИЛИДА УЎУЗ ВА ҚИПЧОҚ ТИЛИГА ХОС ФОРМАЛАР

XX асрнинг бошларида чиққан газета, журнал, ўқув қўлланма-
лари ва айрим бадий асарлар тилини кўздан кечирсак, ўзбекча
грамматик формалардан ташқари баъзан ўғуз ва қипчоқ тиллари-
га хос грамматик формалар ҳам учрайди. Ўғуз ва қипчоқ тиллари-
га хос фактларни ўз хусусиятларига кўра икки гурпуага ажратиш
мақсадга мувофиқдир. Биринчи гурпуага традицион адабий тил
(эски ўзбек тили) таркибида қўлланиб келаётган ўғуз ва қипчоқ
тилларига хос грамматик кўрсаткичларни киритиш мумкин. Бу
грамматик формалар ўзбек халқининг тарихан этник состави би-
лан узвий боғлиқ тил фактлари бўлиб, бу соҳа маълум даражада
илмий адабиётларда ўз ифодасини топган²⁵. Биз кўраётган давр
тилидаги иккинчи қатламнинг бир қисми ўғуз ва қипчоқ тиллари-
га хос бўлиб, бундай грамматик формалар субъектив факторлар
натижасида юзага келгандир. XIX асрнинг охири XX асрнинг
бошларида Туркия, Қрим, Волгабўйи ва Туркистонда яшовчи
халқларнинг юқори табақалари орасида умумтуркий адабий тил
яратиш тўғрисида идея тарқалган эди²⁶. Бу оқимнинг моҳияти
тўғрисида профессор А. К. Боровков шундай дейди: «Турли хил
реакцион тенденция ва қизиқишлар Туркия, Татаристон, Қрим,
Озарбайжон ва Туркистонда умумтуркий адабий тил ташкил қи-
лиш ғоясини келтириб чиқарган эди»²⁷.

Пантуркизмнинг пайдо бўлиши, унинг туб мақсад ва моҳияти
шарқшуносларимиз томонидан маълум даражада ёритилган²⁸.
Россияда биринчи бўлиб умумтуркий адабий тил тўғрисидаги пан-

²⁴ Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 г. Ташкент, 1940, с. 2.

²⁵ Поливанов Е. Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Вы-
пуск, I, Введение, Ташкент, 1935, с. 20; Абдуллаев Ф. А. Узбек адабий
тилида ўғуз традицияси. «Ўзбек тили ва адабиёти» 1968, 3-сон, 27—34-бетлар.
Шу автор. XV аср адабий тилининг диалектал асослари масаласи. Навоий ва
адабий таъсир масалалари. Тошкент, 1968, 242—252-бетлар; Дониёров Х.
А. Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир. Навоий
ва адабий таъсир масалалари. Тошкент, 1968, 292-бет.

²⁶ «Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар». Тошкент, 1965,
69-бет.

²⁷ Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 г.,
Ташкент, 1940, с. 5.

²⁸ Алимов А. Туркия. Сб.: «Очерки по истории Востока в эпоху импери-
ализма». М., 1934, с. 50—51. Еремеев Е. Камализм и пантуркизм. Журн.
Народы Азии и Африки, 1963, № 3; Гасанова Ю. Об идеологических осно-
вах камализма и их современном толковании в Турции. Народы Азии и Африки,
1968, № 3, с. 27—37; Ибрагимов А. Х. Печать Турции. 1965, с. 13; Нови-
чев А. Д. Турция. Краткая история, М., 1965, с. 110—112;

туркистик ғояни Исмоил Гаспринский кўтариб чиқди²⁹. У ўзининг «Таржимон» (1883—1914) номли газетасида бу ғояни тарғиб қила бошлайди. Фақат бугина эмас, ўша вақтларда Туркияда чиққан «Ганч қаламлар», «Ени мажмуа» сингари ўнлаб журналлар ҳам пантуркистик ғояни туркий тилларда сўзлашувчи ўлкаларга ёйишга хизмат қилган³⁰. 1905 йиллардан сўнг умумтурк адабий тили тўғрисидаги реакцион қарашлар аста-секин тарқала бошлайди. Натижада 1906 йили III Бутунроссия мусулмонлар съездида Исмоил Гаспринский таъсирида умумтурк тилида Туркистон, Озарбайжон, Татаристон болаларини ўқитиш тўғрисида қарор қабул қилинади³¹. Шундан сўнг туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг вақтли матбуоти, айрим қўлланма ва бадий асарлари тилида умумтуркий элементлар қўллана бошлайди. У даврда қўлланган «умумтуркий» тил фактлари аслида усмонли турк, айримлари татар тилига хос элементлар бўлиб, матбуот тилининг асосини традицион адабий тил хусусиятлари ташкил қилар эди. Гарчи матбуот тили асосини ўзбекча тил фактлари ташкил этсада, туркча ва татарча элементларнинг адабий тилда қўлланиши ўқувчилар учун мушкулликлар туғдирган, эндигина шакллана бошлаган ўзбек миллий адабий тилининг ривожланишига қисман бўлса ҳам ғов бўлган.

«Усули савтия» (овоз методи) мактаблари таркиб топа бошлаган даврларда таржимонларнинг йўқлигиданми, туркча ва татарча дарсликлар мактабларда ўқитила бошлаган. Натижада ўқувчиларнинг савод чиқариши кун сайин оғирлашиб борган. Уша даврда тил соҳасидаги бундай мушкулликларга қарши норозиликлар ҳам туғилган эди. Масалан: «Осиё» газетасининг биринчи сонидagi бир мақолада шундай жумлани учратамиз: «Истамбулча, татарча ёзилган китоблардан эса, ўз тилларини дуруст билгон ёш болаларга бир нарсани билдирмак мумкин эмас даражада машаққатдир»³². Бундай қарашлар фақат Туркистондагина эмас, балки Озарбайжонда ҳам бўлган. Озарбайжоннинг демократ маърифатпарвар зиёлиларидан бири Жалил Маматқулизода «Мулла Насриддин» журналининг биринчи сонида «Фюзат» журналининг редактори Алибой Хусайнзодага қарши шундай ёзади: «Агар биз она тилимиздаги «чох яхши» сўзини усмонлиларнинг ғайри мақбул «пек эйи» сўзи билан талаффуз этсак, бас, «чох яхши» сўзини қаерга қўямиз»³³. Улуғ Октябрь Социалистик революциясига қадар, қисман революциядан сўнг матбуот тилида туркча, татарча тил фактлари учраб туришининг иккинчи сабаби маҳаллий матбуот органларида татар, турк вакилларининг ишлаши ҳамда баъзан татарча, туркча мақолаларини таржимасиз босиб юборишидандир.

²⁹ Боровков А. К. Узбекский литературный язык... Ташкент, 1940, с. 5.

³⁰ Ибрагимов А. Х. Печать Турции. М., 1965, с. 13.

³¹ Боровков А. К. Узбекский литературный язык, с. 6.

³² «Осиё», 1908 йил, 1-сон.

³³ Тоғиев С. Э. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Озарбайжонда халқ маорифи. Баку, 1958, 68-бет.

Шуни таъкидлаш керакки, айрим матбуот саҳифаларида туркча, татарча формалар нисбатан кўпроқ қўлланган бўлса, баъзиларида кам учрайди, ҳатто баъзиларида учрамайди. Бу ҳол ўша даврдаги адиб, муҳаррир ва редакция ходимларининг маслаклар билан изоҳланиши шубҳасиздир. Бундай формалар айниқса, газета тилида учрайди: *Ортда қолдиқимиз* (Оз. 1908, 1); *Келан хабарлар* (Хур. 1906, 2); *исбот қилиюр* (Тар. 1906, 15); *ниндай китоблар* (С. ф. 1914, 37); *олға кета олмий* (С. Т. 1914, 23). Татарча, туркча сўз ва сўз формалари баъзан Ҳамза асарларидаги персонажлар нутқида ҳам учрайди.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий бу формаларни персонажлар нутқида сунъий равишда эмас, балки асар персонажлари нутқини индивидуаллаштириш мақсадида киритган. Маълумки, реализм воқеаларни реал акс эттиришни талаб қилади. Ҳамза ўша давр зиёлиларининг образларини яратар экан, объектив равишда уларнинг тилида акс этган тил фарқларини айнан кўрсатишга ҳаракат қилган. Масалан, унинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» трагедиясидаги Марямхоним ва Маҳмуджон нутқида кишилиқ олмошининг ўғузча «бан» варианты ва ўтган замон сифатдошининг *-миш* формаси учраб туради: *бан мазлума* (Заҳ. ҳ. 8.); *қолмиш нарсаларимиз* (Заҳ. ҳ. 29); *манга ёзмиш мактублари* (Заҳ. ҳ. 7.);

Бундан ташқари Ҳамзанинг лирик шеърларида баъзан Озарбайжонча грамматик формалар ҳам учраб туради. Бу хусусият унинг Фузулий поэзиясига, Озарбайжон адабиётига бўлган муҳаббати билан изоҳланади³⁴.

Юқорида зикр этилган пантуркистик, пуристик қарашларга қарама-қарши ўлароқ, яна бир группа прогрессив зиёлилар ҳам бўлганки, уларни ўзбек миллий адабий тилининг равнақи, кслажаги учун курашувчи прогрессив оқим деса бўлади. Бу оқим тарафдорларига Муқимий, Фурқат сингари демократик адабиётимиз традицияларининг давомчилари бўлмиш Ҳ. Ҳ. Ниёзий, С. Айний ва А. Авлоний каби зиёлиларни кўрсатиш мумкин.

ДИАЛЕКТИЗМЛАР

Ҳамза асарлари тилида қўлланган диалектизмлар хусусида фикр юритишдан аввал XX аср бошларидаги адабий тил функциясининг реалистик санъат талабига тўла жавоб бериши ёки бермаслиги тўғрисида қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, традицион адабий тилнинг лексикаси демократик адабиёт вакиллари бўлмиш Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқатлар томонидан гарчи жонли сўзлашув тили ҳисобига бойитилиб борилган бўлса-да, айрим жузъий ўзгаришлар эътиборга олинмаса, грамматик жиҳатдан XX аср бошларига қадар бўлган традицион ҳолатни асосан сақлаб келар эди³⁵. Юқорида

³⁴ Қаямов Л. Инқилоб ва ижод. Тошкент, 1964, 66—68-бетлар.

³⁵ Шербак А. М. К истории образования узбекского национального языка. «Вопросы языкознания», 1954, № 4, с. 113.

айтилганидек («Кириш»га қаранг), традицион эски ўзбек адабий тили қачонлардир жонли тил негизида таркиб топган бўлишига қарамай, даврлар ўтиши билан ўз функциясининг торлиги туфайли жонли сўзлашув тилидан анча узоқлашиб қолган эди. Бундан ташқари, революциядан олдин Ўзбекистонда социал тараққиётнинг паст даражада бўлганлиги, профессор Д. Е. Поливанов таъбири билан айтганда, ҳатто революцион ҳаракатлар даврига қадар ҳам «умумдиалект» (койне)нинг шаклланмаганлиги³⁶ бўлажак миллий адабий тилнинг шаклланишида қийинчиликлар туғдирар эди. XX асрнинг бошларида социал ҳаётда юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида жонли сўзлашув тилидан анча узоқлашиб қолган традицион адабий тилнинг функцияси замон талабига тўлалигича жавоб бермай қолади, натижада адабий тил системасида жонли сўзлашув тилига оид диалектал хусусиятлар пайдо бўла бошлайди. Бу процесс миллий адабий тилларнинг шаклланишидаги қонуний ҳолат бўлиб, юқоридаги жараёни япон ва хитой миллий адабий тилларининг бошланғич этапларида жонли тилга хос диалектал формаларнинг адабий тил сферасига кириб келишида ҳам кўриш мумкин³⁷. Фикримизнинг далили учун, 1910 йилларда учрайдиган диалектал формаларга мисоллар келтирамиз: *...аммо алар сўзлариға турмадилар* (Сам., 1913, № 1); *Е аҳад чекулмасун шул қаҳрамон аскарларивуз, душманимиз омонда қўймасун аскарларивуз* (ТВГ; 1916, № 20); *...лозимки, ўзбеки ҳам ниҳоятда осон, ўзбеки ила ёзсангиз, токи халқ англасун* («Ойна», 1914, № 15, 24-бетлар).

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган жонли сўзлашув тилига хос сўз ва сўз формаларининг қўлланиши давр адабий тили учун қонуний ҳол бўлиб, бунга сабаб, биринчидан, давр тилининг миллий тилга томон силжиши бўлса, иккинчидан, Ҳамза ижодий методининг реализмига боғлиқдир. Моҳир санъаткор асарда тасвирланаётган воқеликнинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида персонажларни ўз диалектларида сўзлатишга ҳаракат қилган.

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган диалектизмлар фонетика, морфология ва лексикага алоқадор бўлиб, буларнинг аксарияти марказий шаҳар (Фарғона, Қўқон) шеваларига хос хусусиятлардир. Биз қўйида ана шу диалектал хусусиятларнинг характерлиларини санаб ўтамиз:

1. Ҳамза асарлари тилига хос фонетик ҳодисалардан бири сингармонизм ҳодисасига амал қилинмаганлигидир. Гарчи эски ўзбек адабий тилида бу фонетик қонуният (лингвал гармония) изданчиқа бошлаган бўлса-да³⁸, XX асрнинг бошларида яратилган бадий асарлар ва вақтли матбуот саҳифаларидаги айрим сўз

³⁶ Поливанов Е. Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Ташкент, 1933, с. 7.

³⁷ Конрад Н. И. О литературном языке в Китае и Японии. «Вопросы языкознания», 1954, № 3, с. 25—27.

³⁸ Шербак А. М. Грамматика страузбекского языка. М.—Л., 1962, с. 73.

Формаларида сингармонизм ҳодисасига амал қилиш ҳоллари учраб туради. Масалан: *Баҳор шамоллари дарахтларни ҳар тарафга эгмоқда эди* (А. Қодирий. «Жувонбоз», 1915, 3-бет); *Сўз тегида юрадурғон кема* (ТВГ, 1916, № 10).— *Арабага ўтуру-зуб ...* (СТ, 1914, № 47).

Ҳамза асарлари тилида сингармонизм қонунига амал қилинмаганлиги сабаб адиб асарлари тилининг марказий шаҳар шеваларига яқинлигидир. Марказий шаҳар шеваларида сингармонизм ҳодисасининг йўқолиши эса адабий тилда тарихан содир бўлган бўлиб, бу масала айрим лингвистик тадқиқотларда ўз ифодасини топган³⁹.

2. Маълумки, оғзаки нутқ сўз ва сўз бирикмаларининг товуш «составини қисқартиришга, нутқ органларининг ишини максимал даражада енгиллаштиришга интилади»⁴⁰. Шу хусусият Ҳамза асарларида қўлланган диалектал сўз ва сўз бирикмаларига ҳам алоқадордир. Биз қуйида адиб асарлари тилида учрайдиган диалектал хусусиятларни адабий тилдаги эквивалентлари билан қиёслаш билан чегараланамиз⁴¹.

1. Ўтган замон ҳикоя феъли *турувди* (ад. тилда *туриб эди*) тарзида учрайди: *Маҳмуджон: Ҳозир жанобингизни кутиб турувдим* (Заҳ. ҳ. II, 5-бет). *Тиллаҳон: Поқ бўлмаса, шарманда бўлувдики* (Пар. с. II, 346-бет).

3. «Эмоқ» тўлиқсиз феълининг бўлишсиз формаси аффикслаган ҳолда -мас шаклида учрайди: *Абдуқодирбой: Энди бой афанди, жанобингизники маъқул, сизга ҳеч муносибмас...* (Заҳ. ҳ. II, 7-бет).

4. «экан» тўлиқсиз феъли фонетик ўзгаришга учраб ҳозирги адабий норма сингари -кан тарзида қўлланган: *Хайринисо: Вой, ростмикан, энаси эшитмасин, вой худо-ей!* (Ист. қ. II 172-бет). *Мастура: Нимагааякан?* (Пар. с. II, 346).

5. «Бермоқ» кўмакчи феъли фонетик ўзгаришга учраб, ҳозирги тилимиздагидек -вер, баъзан диалектал -вур формасида содир бўлган: *Акбарали: Ая, ая, поччам келдилар, кираверсинларми?* (Тух. ж. II, 195-бет). *Нор: Учидан манови кўрманани олингу, чимилдиқни боғлатавуринг* (Пар. с. II, 316-бет).

6. «Олиб чиқ» феъли формаси жонли сўзлашув тилига хос *опчиқ* шаклида учрайди: *Майсара: Вақт келди, қани опчиқинг бу жинойткорларни!* (МИ. II, 316-бет).

7. Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси -ми шаклида учрайди: *Марямхоним: Мен ҳам сен билан ҳаёт этгани келганим йўқ. Турмиймам* (Заҳ. ҳ. II, 16).

³⁹ Решетов В. В. О диалектной основе узбекского литературного языка «Вопросы языкознания», 1955, № I, с. 100—108.

⁴⁰ Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Узбек диалектологияси. Тошкент, 1962, 183-бет.

⁴¹ Ҳамза асарларидаги диалектал хусусиятларни аниқлашда Ш. Шоабдурахмоновнинг «Узбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» китобидан фойдаланилди.

8. Утган замон феълнинг биладилар формаси ҳурмат маъносини ифодалаб билалар тарзида қўлланган: Ш. домла ...яна бой афанди билалар (Авт. II, 43).

9. Бу ёққа равиши баққа формасида учрайди: Ёдгор: Бир ярим йилдан баққа ёғидан бир кап жиззасини олганим йўқ-ку (Пар. с. II, 371).

10. Ундан кейин бирикмаси иннайкейин формасида қўлланган: Аҳмаджон: Ҳайрият ҳам сенинг қўлингга тушган, хўш, иннайкейин? (Пар. с. II, 161).

11. Ҳ. Ҳ. Ниёзий драмаларининг персонажлари тилида учрайдиган диалектал хусусиятларининг бир қисми товуш ўзгаришларига оиддир.

1. ҳ ундоши й га алмашади: арвоҳига — арвайига, илоҳим — илойим. Ёдгор: Э арвайига лаънат холиниям-полиния (Пар. с. II, 317).

2. ф ундоши п билан алмашади, сўз охирида адабий тилдагидек т товуши орттирилмайди⁴⁹ кафт-кап: Ёдгор: Ёғидан бир кап жиззасини олганим йўқ. (Пар. с. II, 371-бет).

3. Сўз ўртасида р ундошининг тушиб қолиши мавжуд: беркбек: Холисхон: Эшикни беклаб қўйинг. Мен Роҳатойнинг олдида ўтираман (Пар. с. II., 370-бет).

4. ҳ ундоши ғ га ўтади: наҳал — нағал: Нор: Кавушингни нағалини олмасдан қилиб бермайманми? (Пар. с. II, 357-бет).

5. қ ундоши в га ўтади: чанқоқ — чанқов: Тожи: Шунинг сувидан озгина ичасизми? Чанқовингизни дарров босади (Пар. с. II, 354-бет).

6. Сўз ўртасида диссимилияция ҳодисаси юз беради: олло-обло: Банданинг боши — облонинг тоши (Пар. с. II, 334-бет).

7. Сўз ўртасида бир қ ундошининг тушиши мавжуд: Тутаноқ-тутқаноқ: Умрзоқ: Қизинг энди ўшанинг тутаноғини эшитиб кўнгилсиз бўлиб тургандир-да (Пар. с. II, 339-бет).

8. Сўз ўртасида д ундоши тушади: ўшанақа — ўшандақа: Қодиржон. Ўшанақаси бора берган бўлар эдим (Ким тўғри? II, 202-бет).

9. Ана бу кўрсатиш олмошининг иккинчи компонентидаги б ундоши в га ўтади, сўз охиридаги у унлиси баъзан и га алмашади. Анаву — ана бу: Розия: Иннайкейин, сен анави уйга чиқиб тургин (Ист. Қ. II, 167-бет). Анави бизнинг маҳалладан кетган бир рабочий бор эди (Ист. Қ. II. 167-бет).

10. н ундоши м га алмашади: Микалай — Николай: Жалилбой: Ҳукми подишоҳ вожиб деб Микалайни ёнини олади. (Ист. қ. II, 138-бет).

11. Қўш ундошли русча сўзлардан аввал бир и, р билан бошланган рус сўзидан олдин бир у орттирилган: ишкоф-шкаф. Бир тарафда ишкоф, ичида китоблар (Заҳ, ҳ. II, 5-бет); Н. Домла:

⁴² Рустамов А. «Каф» сўзи ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1961 йил, 2-сон, 43-бет.

Номи сабилаширо фаромуш кардам, алланима балосига учрайман деган эдилар. Забони ғ р и с и й бисёр... (Авт. II, 32-б.)

12. Бу кўрсатиш олмоши грамматик кўрсаткичлар қабул қилганда сўз бошидаги *б* ундоши *м* га ўтади: *Мундин қонхўрлик яхшидир* (Заҳ. ҳ. II, 18-бет). *Маҳмуджон: Мундоғ жаҳолат, мундоғ илмсизлик, ваҳшатлик орасида яшамоқдин ўлим лаззат...* (Заҳ. ҳ. II, 27-бет).

13. Сўз ўртасида бир ҳ ундоши орттирилади: *толеҳим — толемим: Нор: бўлса толеҳимдан кўрдим* (Пар. с. II, 316-бет).

14. Сўз ўртасида *у ва д* ундошларининг тушиши учрайди: *жа — жуда: Тўфа: Жа, савдогар бўлиб кетибсизми, ўтиринг афандим!* (Пар. с. II, 317-бет).

15. *Сен* олмошидаги *э* унлиси марказий шаҳар шеваларидагидек *а* билан алмашади: *Марямхоним: Улар санчалик билмайдими?* (Заҳ. ҳ. II, 16-бет).

16. Қаратқич келишигининг марказий шаҳар шеваларига хос *-ди* формаси ҳам учрайди: *Абдуқодирбой: Энди шундай обрў билан. ...бир бечора к о с и б д и қизини олиб бераман!* (Заҳ. ҳ. II, 6-бет).

17. Кўрсатиш олмоши *бу* ҳам ёрдамчиси билан келганда ёрдамчидаги ҳ ундоши *й* билан алмашади; *буям — бу ҳам. Буям бизга худонинг илтифоти* (Ист. қ. II, 139-бет).

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган лексик диалектизмлар ҳам Фарғона шаҳар типигаги шеваларга хос бўлиб, улар персонажлар нутқида тез-тез учраб туради: *дада — ота. Мирзобой: Оҳ, даданг қаддингдан ўргилсин, болам* (Ист. қ. II, 143-бет); *ая — она. Акбарали: Ая, зап бопладимми?* (Тух. ж. II, 195-бет); *буви — она. Зайнаб: Мана буни сизга олиб беринг деб турувди, бувингиз чақириб қолди* (Заҳ. ҳ. II, 22-бет); *ўзоғ — ўтган. Мастура: Поччангиз ўзоғ йили военний судга икки юз сўм бериб закон ўрганиб келди* (Пар. с. II, 321-бет); *момогулдирак — момақалдирак: (четга ўтар). Чақмоқ, момагулдирак* (Пар. с. II, 377-бет). *тек — тинч. Жалилбой: Биз гапирсак, тек туркофур бўласан деб* (Ист. қ. II, 138-бет); *соб — тамом. Марямхоним: Мана оёғимни ушлаб кўринг, соб бўлган* (Заҳ. ҳ. II, 21-бет); *тугул — эмас. Холисхон: Сизлар тугул юртимнинг қора бир қисм тупроғини ҳам насиб қилмас* (Пар. с. II, 360-бет); *пўк этиб — тўсатдан. Умрзоқ: Ўтда сувдами беш-олти кунда пўк этиб униси ҳам ўлса...* (Пар. с. II, 339-бет); *палид — ярамас, ёмон. Санавбар: «Мен ўлдим, энди Санавбар ўша палидга тегди», дегандирсан* (Ист. қ. II, 169-бет); *боғонат — боя. Мастура. Норбойвачча боғонатдан бери сиздан гина қилиб ўтирибдики, нимага мени кўриб кирмай ўтирибди, деб* (Пар. с. II, 317-бет).

Ҳамза асарларида учрайдиган диалектизмларнинг характери томони яна шундаки, драматург асар қаҳрамонлари тилини индивидуаллаштириш мақсадида, асардаги воқеанинг қаерда содир

бўлаётгани, персонажларнинг қайси диалект вакили эканлигига ҳам аҳамият берган. Биз Ҳамзанинг «Паранжи сирларидан бир лавҳа» драмасини ўқир эканмиз, Мамат ва Ёдгорларнинг Самарқанд шеvasи вакиллари эканлигини уларнинг тилида учрайдиган диалектал хусусиятлардан ҳам очиқ сезишимиз мумкин, чунки асардаги эпизодлар Самарқандда юз берган. Масалан, М а м а т: *А х ч а с и н и е г а н х и з м а т и н и ҳ а м б а ж а р а б и л а д и* (Пар. с. II, 379-бет); М а м а т: *Қўмгандан кейин шу т о ш: м а й д а л а р б и л а н шу я н т о қ л а р н и с о ч и б т а ш л а д и н г, бўлди* (Пар. с. II, 378-бет); Ё д г о р: *Мана, оға! Гўшт м о л и н г н и олиб келдим* (Пар. с. II, 379-бет).

Биз юқорида Ҳамза драмалари персонажларининг нутқида учрайдиган диалектизмлар ҳақида қисқача тўхталдик. Адиб асарлари тилида яна шундай тил фактлари учрайдики, улар ўша давр адабий тили учун диалектал характерга эга бўлиб, ҳозирги адабий тилимиз нуқтаи назаридан адабий норма ҳисобланади. Буларга ҳозирги замон феъл формаларининг *-яп, -ётир, -ётиб:* келаси замон феълининг *-моқчи, -жак;* буйруқ майли кўрсаткичи *-гин,* сифатдошларнинг *-диган, -ган* аффиксларини кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳамза асарлари тилида диалектизмларнинг қўлланиши ўша давр адабий тили учун қонуний ҳодиса бўлиб, бу хусусият миллий адабий тилимизнинг персонажлар нутқида мослиги билан боғлиқдир. Бу ўринда машҳур совет тилшуноси, академик В. В. Виноградовнинг қуйидаги сўзлари ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзий ижодиёти учун ҳам диққатга сазовордир: «...шахсий бадиий ижоднинг стилида баъзан келажак миллий адабий тил элементларининг айнан кўриниши ҳамда эски тилнинг функционал қолдиқлари ифодаланиши мумкин. Улуғ санъаткорнинг овозида дафъатан бутун халқнинг овози эшитилади»⁴³.

ҲАМЗА АСАРЛАРИ ТИЛИДАГИ РУСЧА-ИНТЕРНЕЦИОНАЛ ЛЕКСИК ҚАТЛАМ ҲАҚИДА

Ўзбек миллий адабий тили ва унинг услуб шажараси тараққиётида она тилининг ўз ички имкониятлари асосий роль ўйнади, шу билан бирга, экстроллингвистик факторлар ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳақда академик В. М. Жирмунский қуйидагиларни ёзган эди: «Миллий тиллар учун ажнабий ва интернационал сўзларни ўзлаштириш тафаккурнинг янги тушунчалар билан бойишини билдиради»⁴⁴.

В. М. Жирмунскийнинг бу фикри рус тилининг ўзбек миллий адабий тили тараққиётида кўрсатган таъсирига ҳам бевосита алоқаси бор.

⁴³ Виноградов В. В. О языке художественной литературы. М., 1959, с. 169.

⁴⁴ Жирмунский В. М. Национальный язык и социальные диалекты. Л., 1936, с. 200.

Ўзбек тилшунослигида русча-интернационал лексик қатламнинг ўзбек тили луғат составини бойитишдаги роли, қабул қилиниш имкониятлари ҳақида вақтли матбуот тилининг турли яруслари бўйича, шунингдек, Муқимий, Фурқат каби демократ шоирларимизнинг асарлари тилида русча-интернационал элементларнинг қўлланиши каби масалаларни ёритиб берувчи бир қатор илмий ишлар вужудга келди, кандидатлик диссертациялари ёзилди⁴⁵. Русча-интернационал сўзлар ўзбек адабий тили сферасидан ўринола бошлади. Бу нарса Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ижодий эволюцияси жараёнига ҳам тўғри келади. Биз бу ўринда ўзбек реалистик адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг рус тилига муносабати ҳамда унинг асарларида учрайдиган русча сўзлар, Ҳамзанинг уларни қўллашдаги маҳорати тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий ўз ижодиётининг илк даврларидан бошлаб рус маданияти, илм-фан, адабиёти ва уларнинг инъикоси бўлган рус тили билан ижобий муносабатда бўлди, ёшларни рус тилини ўрганишга чақирди, бу тилнинг истиқболи мавжудлигини аҳоли орасида пропаганда қилди⁴⁶. Бундан ташқари, шоир кўплаб русча-интернационал сўзлардан ўз асарларида турли стилистик мақсадларда ўринли фойдаланган.

Ижтимоий ҳаётда содир бўлган прогрессив ўзгаришлар натижасида XX аср бошларида ўзбек тилига рус тилидан, рус тили орқали Ғарбий Европа тилларидан турли соҳаларга оид русча-интернационал сўз ва терминлар кириб кела бошлади⁴⁷. Бу ҳол баъзи зиёлилар орасида пуристлар деб номланган оқимни келтириб чиқарди. Бу оқим тарафдорлари ўзбек тилини четдан кирган ва кириб келаётган сўзлардан тозаламоқчи бўлдилар. Адабий тил атрофида ана шундай тортишувлар кетаётган бир вақтда Ҳамза традицион адабий тилимизнинг яшовчан, ҳаётий анъаналаридан баҳраманд бўлган ҳолда, жонли сўзлашув тили негизида ижод ҳамда рус маданияти, адабиёти ва тилига ҳурмат билан қараб ундан ижодий озиқ олди. Ҳамза рус тилининг прогрессив моҳиятини чуқур тушунганлигидан фақат асарларида русча-интернационал сўзлардан фойдаланиб қолмай, балки ўзбек адабиётида биринчи бўлиб русча-ўзбекча сўзлардан ширу шакар формасида юмористик шеърлар ҳам ижод қилди.

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган русча-интернационал сўз-

⁴⁵ Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 г. Ташкент, 1940; Усмонов А. К. вопросу о развитии узбекской научной терминологии. Изв. АН УЗССР, 1948, с. 23—32. Хамдамов Ж. Из истории русских лексических заимствований в узбекском языке (вторая половина XIX века). АКД. Ташкент, 1963; Дониёров Р. Русча-интернационал шахс нормаларининг ўзбек тилига ўзлаштирилиши. КД. Тошкент, 1967; Пўлатов М. Рус тилининг ўзбек тили луғат составининг бойишидаги роли. Тошкент, 1958 ва бошқалар.

⁴⁶ Каюмов Л. Инқилоб ва ижод. 1964, 57—59-бетлар.

⁴⁷ Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 г. Ташкент, 1940.

ларнинг қўлланишидаги хусусиятларига кўра икки гурппага ажратиш мумкин:

1. Ҳозирги адабий тилимизнинг луғат составидан мустақил ўрин олган, ўша даврларда тилимизга ўтган ёки ўтаётган турли соҳага хос сўз ва терминлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига алоқадордир. Буни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1) мансаб, касб ҳамда социал табақаларни ифодаловчи сўзлар: *секретарь* (МА, 320), *полиция* (Ист. қ. II, 124), *губернатор* (Пар. с. II, 235), *пристав* (БХ, II, 78), *милиция* (Тух, ж. II, 155), *фельдшер* (Ист. қ. 104), *пияниста* (Тух, ж. II, 139), *шпион* (Ист. қ. II, 138), *охранка* (Ист. қ. II, 139), *революционер* (Ист. қ. 139), *чиновник* (Ист. қ. II, 139), *капиталист* (Ист. қ. II, 199), *империалист* (Ист. қ. II, 139), *фабрикант* (ФНХБ, I, 237);

2) маданий-маиший муассаса ва мактаб-маорифга оид сўзлар: *кино*, *театр* (Тух. ж. II, 160), *напка* (БХ, I, 220), *гостиница* (Пар. с. II, 125), *интернат* (ХМН, I, 1960, 242).

3) давлат муассасалари ва ишчиларига доир сўзлар: *копия*: («Шундай гапларим бор, жазо борми», I, 1960, 243), *избрком* (СО, I, 184), *Ўзбекторг* (СО, I, 183), *финотдел* (БШТ, I, 181), *комиссия* (ЕИ, I, 178), *кооператив* (СО, I, 172);

4) армия, транспорт, истеъмол буюмлари, ўлчов бирлиги, адабий жанр ва болалар ўйинига хос сўзлар: *винтовка* (ХХ, I, 220), *солдат* (Ист. қ. II, 139), *арест вагон* (Ист. қ. II, 160), *паперос* (Пар. с. II, 165); *пиво* (Пар. с. II, 252), *закуска* (Пар. с. II, 251), *вокзал* (Ист. қ. II, 198), *курс* (СО, I, 185), *процент* (ФНХБ, I, 234), *орол* — *орёл* («Қиморнинг боши», I, 98). Булардан ташқари турли соҳаларга хос абстракт тушунчаларни ифодаловчи: *идеал* (Ист. қ. II, 141), *Марсельеза* (Ист. қ. II, 141), *контрлик* (БЭҚ, I, 159) сингари сўзлар ҳам Ҳамза асарларида қўлланган.

Бу сўзлар, албатта, муаллиф томонидан сунъий равишда киритилган эмас, балки қисман миллий адабий тилнинг элементлари сифатида диалектал хусусиятлар билан бирга жонли сўзлашув тилидан олинган.

Ҳамзанинг русча сўзларга муносабатида шу хусусият характерлики, у ўз ижоди давомида ғояларини ифодалаш учун русча сўзлардан ўз она тилидаги имкониятлардан фойдалангандек фойдалана олган. Бу фикрни қуйидагича русча қофияли шеърлар ҳам исботлайди:

Ун икки ўн учга борганда ўшал

Одат этди ўйнамоққа орол (орёл) (Ен. ад. 23).

Ниҳоят бизда мактаб, илм йўқтур

Чиқарди бизданам кўп яхши дуқтур (УҚ, 19).

II. Ҳамза асарларида қўлланган русча сўзларнинг бир қисми ҳозирги адабий тилимизга ўтмаган, асар персонажлари нутқида хос сўзлар бўлиб, ёзувчи бу сўзлардан стилистик мақсадлар учун фойдаланган. *Жумладан, значит* (Ист. қ. II, 140), *господин начальник* (Ист. к. II, 140), *раз, два*, (Ист. қ. II, 140), *помощник*

(Ист. қ. II, 106), *рабочий, железная дорога* (Ист. қ. II, 140), *первый, вон* (СО, I, 172), *хорошо, чисто* (СО, I, 71), *червон* (СО, I 183), *что такое* (Ист. қ. II, 106).

Бу сўзларнинг асар қаҳрамонлари тилида қўлланиши Ҳамзанинг реализми билан боғлиқдир. Ёзувчи персонажлар характери ни индивидуаллаштириш, типиклаштириш мақсадида баъзи қаҳрамонларни ўз тилида сўзлатишга ҳаракат қилган. Масалан: *Начальник* (мастлик қилиб) *Что такое?* (ўликни келиб тепиб) *кўтаринг, четга олиб бориб ташланг* (Ист. қ. II, 139).

Юқоридаги «что такое» бирикмасида бошлиқнинг ўз қўли остидаги кишиларга нисбатан киборларча муносабати ўз ифодасини топган. Асарда қўлланган айрим русча сўзлар фонетик жиҳатдан бузиб (аналогиянинг бир тури) берилган. Бу ҳолат ҳам стилистик мақсад билан боғлиқ. Ҳамза ўзининг «Мухторият ёки автономия» комедиясида сиёсат билан шуғулланувчи домлаларнинг нутқида русча сўзларни нотўғри талаффуз эттириш орқали, уларнинг тубанлигини ўқувчи кўз ўнгида намоиш қилишга эришган. Масалан: *Ж. домла* (котибга): *Энди буни паракат улага* (протоколга) *ёзиш ҳожат эмас-а?* (АВТ. II, 326).

Г. домла: Қайга кетган эканлар?

Н. домла: Исматулло (исполнительный) *кабинетга кетганлар* (АВТ, II, 318). Бундай мисолларни Ҳамзанинг асарларида кўплаб учратиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, Ҳ. Ҳ. Ниёзий ўзининг асарларида рус тили бойликларидан ўринли фойдаланган.

РЕВОЛЮЦИОН ҒОЯЛАРГА МОС ИФОДАЛАР

Ҳ. Ҳ. Ниёзий ижодиётининг тематикаси, жанрлари хилма-хил бўлиб, унинг революцион шеърлари, уларда олға сурилган ғоялар ўзининг моҳиятига кўра адиб ижодий эволюциясининг кульминацион чўққиси ҳисобланади. Ижодкор революцион идеяларнинг эмоционал ифодаси бўлган шеърлари билан ўз замонасининг талабларига мос жавоб берди. Шоир ўз асарлари билан жамият базисининг тақдири учун курашда ҳалокатга юз тутган эксплуататорлар синфига қарши синфсиз жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлмиш меҳнаткашлар сафида туриб, ишчиларни, деҳқонларни ва қизил аскарларни янги турмуш қуришга, революция ғалабасини сақлаб қолишга, эски ҳаётнинг разил аъаналарини тор-мор қилишга чақирди. Ҳамза революцион шеърларининг ғоявий мазмуни, тузилиши ва қисман бадий хусусиятлари етук адабиётшуносларимиз томонидан ўрганилган бўлса-да⁴⁸, шеърларида учрайдиган айрим лексик, грамматик кўрсаткичлар ҳамда уларнинг қўлланишидаги ўзига хос нозик томонлари ҳозирча таҳлил этилмаган. Биз Ҳамзанинг революцион шеърлари тилига хос баъзи

⁴⁸ Қаямов Л. Инқилоб ва ижод. 223—241-бетлар; Султонов Ю. Ҳамза. Тошкент, 48—77-бетлар; Мўминов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди.— «Ҳамза ҳақида мақолалар тўплами». Тошкент, 94—103-бетлар.

бир тил фактларининг таъсирчанлигини (образлиликни) рўёбга чиқаришдаги роли ва буларни қўллашдаги шоирнинг маҳорати ҳақида тўхталмоқчимиз.

1. Ҳамзанинг революцион шеърларида феълнинг буйруқ-истак формалари муаллифнинг тасвирлаган воқеа, ҳодисаларга бўлган ғоявий тенденциясига боғлиқ равишда жуда кўп қўлланган унинг шеърларида учрайдиган *битсин*, *қўлдан берма*, *яша*, *ҳаққингни ол*, *бор бўлсин*, *қуроолан*, *майдонга чиқ*, *кўзингни оч*, *боқ*, *болқисин*, *ётма*, *борсин*, *уйғон*, *йўқолсин*, *илгари бос*, *билинг*, *қолсин*, *қизартсин*, *шодлансин*, *қолқинг* каби сўзлашув тилига хос кўплаб буйруқ формалари оташқалб шоирнинг социал муҳитда содир бўлаётган революцион ҳаракатга муносабатини, яъни янги турмуш эгалари бўлган меҳнаткаш халқнинг ўз тақдири учун бойларга қарши аёвсиз кураш олиб бориши, янги синфсиз жамиятнинг пойдеворини мустаҳкамлаш зарурлигини уқтирувчи жангавар чақириқларнинг ифодаси сифатида жаранглайди. Феълнинг бу формалари оташин революцион чақириқлар бўлиб қолмай, балки шеърда тасвирланган ғоявий мазмуннинг таъсирчанлигини орттирувчи образли воситалар ҳамдир. Масалан, *битсин* формасининг қўлланишидаги хусусиятига эътибор бериб кўрайлик. *Битсин* формаси жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, бу форма *йўқолсин*, *туғасин* сингари синонимларга қараганда экспрессивроқ, яъни таг-томири билан йўқолиш маъносини ифодалайди. Бу хусусиятни эътиборга олган Ҳамза революцион шеърларида жонли сўзлашув тилига оид *битсин* формасидан моҳирлик билан фойдаланган:

*Б и т с и н энди эски турмуш,
Ул кулоҳу жандалар! (ЯШ, I, 162),
Б и т с и н қонхўр қорин бойлар,
Аларга йўлбошчилар! (БИ, I, 160).*

Шеърлардаги феъл формалари асосан II шахс бирлик сонда келиб, якка шахсга нисбатан дўқ оттенкасидаги буйруқни эмас, балки монолог бирлашган меҳнаткашларга қаратилган ижобий маънодаги социал чақириқни ифодалайди:

*Бизнинг бахтга қуёш чиққан
Кундир бу кун, у н у т м а!
Битсин бойлик! Ғариб бўлган
Кунларингни у н у т м а! (БИ, I, 160-бет).*

Революцион шеърларида буйруқ майлидаги *битсин*, *яшасин*, *ишла*, *ётма*, *яшасин*, *йўқолсин* сингари феъллар иштирокида контекстуал антонимлар мавжудки, буларда революция куйчисининг қарама-қарши жамиятга оддий муносабати эмас, балки синфсиз турмушнинг тантанасини улуғловчи жамият аъзоларининг эстетик идеали эмоционал руҳда ўз ифодасини топган:

*Б и т с и н зolim бойлар!
Унга йўлбошчилар!
Я ш а с и н энди мангу
Қора меҳнатчилар! (ҲИ. I., 153-бет).*

Феълнинг шарт майли формаси II шахс турловчи аффиксларини қабул қилганда, контекстдаги хусусиятларига кўра, истак, маслаҳат, илтимос, мақсад сингари маъноларни англатади. Бу тушланган формат *-чи* сўроқ юкламасини қабул қилганда сўроқ маъносини эмас, балки илтимос, қисташ маъноларини ифодалайди. Қўлланишдаги стилистик моҳиятига кўра бу ҳолат сўзловчига шахсан жуда яқин бўлган, унинг ҳурмат-этиборига сазовор бўлган шахсга нисбатан самимий, бегараз қисташини ифода қилади. Жонли сўзлашув услубига хос ана шу хусусиятдан ҳам Ҳамза ўзининг «Ишчи бобо» шеърида ўринли фойдаланган. Бу шеърда революция куйчисининг янги оиланинг кекса аъзоси ишчи бобонинг, аниқроғи, ишчи боболаримизнинг шонли Октябрь нуридан баҳраманд бўлишга, янгича коллектив меҳнатга даъвати, қисташи ўз ифодасини топган.

*Ишчи бобо, қўш қўшсангизчи,
Экин экар чоғи келди (ИБ. I. 167-бет).*

2. Ҳамзанинг революцион шеърларида учрайдиган ундалмалар, жанговар чақириқлар қаратилган шахс (гурух) воқеа ва ҳодисалар бўлиб, улар жамиятдаги икки қарама-қарши тузумга нисбатан муаллифнинг позициясигина эмас, балки эмоционал туйғулар қаратилган омманинг диққат марказидаги антагонистик кучлардир. Шоирнинг революцион шеърларида учрайдиган ундалмалар ўзларига хос таъсирчан интонацияга эга бўлиб, буларни семантик ва стилистик хусусиятларига кўра симпатия ва антипатия ифодаловчи ундалмаларга ажратиш мумкин. Ўқувчининг симпатиясини уйғотувчи ундалмалар янги жамият ворислари бўлган *меҳнатчи, ўртоқ, ишчи бобо, хизматчи, Шўро, оғажон, папоқ кийган қаҳрамон, гавдали қоплон* сингарилардир. Бу ундалмалар революцион шеърларнинг муҳим композицион элементлари бўлиши билан бирга, ўқувчиларда меҳнаткашларга, қизил аскарларга ҳамда янги тузумга муҳаббат ҳисларини оширувчи таъсирчан бадний воситалар бўлиб ҳам хизмат қилади:

*Папоқ кийган қаҳрамон,
Гавдали қоплон.
Темир панжанг билан тўк
Душманингдан қон! (БЭҚ, I, 171).*

Китобхонда салбий ҳиссиёт қўзғотувчи, антипатия ифодаловчи ундалмалар асрлар давомида меҳнаткаш халқни зулм заңжиринида сақлаган, эндиликда ҳалокат ҳукмига учраган эксплуататор синф вакиллари *қонхўр, золимлар, нафс қурбонлари* ва *золим бойларки*, шоир буларни қўллаш орқали шеърларнинг социал қийматини ва таъсир кучини оширишга муваффақ бўлган.

*Қонхўр золимлар, ййлайсиз,
Мазлумлар сизга қолурму?! (ШҚ, I, 155-бет).*

Шуни ҳам айтиш керакки, Ҳамза бу шеърда буржуазия вакилларини қонхўрлар, ваҳший йиртқичлар дея сўроқ формасида

ги публицистик нутққа хос риторик сўроқ гаплардан фойдаланиб, озода бўлган Туркистон тақдири, қафасдан бўшаган қуш қафасга қайтиб келмаганидек, уларга қайтиб келмаслигини қатъий ишонч билан таъкидлайди.

3. Революцион шеърларда қўлланган кишилик-олмошларидан II шахс бирлиги ва шахс кўплиги шоир позициясини белгилашда ўзига хос аҳамият касб этади. Шоир «Хой ишчилар» шеърининг олдинги тўртликларида фикр субъект «сен» орқали революция натижасида эришилган ҳуқуқларни қўлдан бермасликка чақириб, золим бойларга қарши ғазаб ва нафратни қўзғотса, шеърнинг охирги тўртликларида шоирнинг диққат марказидаги фикр субъекти «сен» олмоши «биз» билан алмашади. Бу ҳол муаллифнинг шеърда фикр қаратилган лирик қаҳрамон — ишчиларнинг золим бойларга қарши курашга чақириғи, ишчиларнинг бу курашда раҳбарлик ролини ҳам таъкидлайди.

*Ҳақингни ол ишчилар,
Яшов давринг сенинг.
Басдур шунча хўрлик,
Зорликлар кўрганг!*

*Токайлар биз юрамиз
Қўлу оёқ боғли?!
Бир парча қотган нонга
Юрак, бағир доғли?! (ҲИ, I, 157—158).*

Шоир янги жамиятнинг посбонлари бўлган қизил аскарларга эски ҳаётни, бойларнинг меҳнаткашларга ўтказган жафоларини эслатишда «ҳар» белгилаш олмоши жонли сўзлашув тилига хос экспрессив хусусиятидан фойдаланиб, уни маънони кучайтиришга хизмат қилдирган:

*Золим бойлар ҳақингга
Қилди ҳар зўрлик (БЭҚ, I, 171-бет).*

4. Ҳамзанинг «Ишчи бобо» сарлавҳали шеърида жамиятдаги ўзгаришлар ва шоирнинг чақириқлари символик тарзда баён қилинган⁴⁹. Шоир шеърда жамият ҳодисаларини табиат ҳодисаларига қиёслайди. Одатда *гулдур-гулдур, ялт-юлт* тақлидий сўзлари табиат ҳодисаларининг образи бўлиб, шоир табиат ҳодисаларининг бирдан ўзгариши натижасида Қуёш чиқиб, ер юзида ўзгача манзара воқеа бўлгани каби, революция туфайли янги ёрқин ҳаёт пайдо бўлганлигини тараннум этиб ана шу эркин ҳаётда ижодий меҳнат қилишга жамият аъзоларини чақиради:

*Гулдур этиб, булут тарқаб,
Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.
Ишчи бобо, сескансанг-чи,
Шарққа қуёш чинлаб чиқди!*

⁴⁹ Қайюмов Л. Инқилоб ва ижод. Тошкент, 1964, 230-бет.

*Баҳор бўлиб, ш а т и р-ш у т и р
Маориф ёмғири ёғди.
Ишчи бобо, қўш қўшсанг-чи,
Экин экар чоғи келди! (ИБ, I, 167-бет).*

5. Революция куйчисининг шеърларида кўзга ташланадиган тил хусусиятларидан яна бири шундаки, у жонли сўзлашув тилига хос, кундалик муносабатда қўлланадиган *қўлу оёқ боғли, бир парча қотган нон, оғир юк, яғир бўлмоқ, оёқ билан тепмоқ, оппоқ нозик елка, қизил қонга ботмоқ, томда шамдек қотмоқ, уйқудан уйғотмоқ, белни маҳкам боғламоқ, кўз ёшламоқ, бошда хода синдирмоқ* сингари бирикмаларни бадний адабиёт тилига киритибгина қолмай, балки шеърларида олға сурилган революция ғояларини ифодаловчи таъсирчан, образли бадний воситалар даражага сига кўтарган:

*Оғир юкда яғир бўлди
Оппоқ нозик елкалар.
Меҳру шафқатнинг ўрнига
Оёқ бир л а т е п а л а р (БИ, I, 199-бет).*

6. Бир хил гап бўлакларининг ҳеч ўзгаришсиз айнан такрори ҳамда мисралар олдидан сўз-гапларнинг такрорланиб келиши сингари хусусиятлар Ҳамзанинг революцион шеърлари тилида тез-тез учраб туради. Бу хусусият ҳам сўзлашув нутқида хос бўлиб, маънони кучайтириш учун хизмат қилади. Буни онгли мушоҳада қилган шоир шеърларининг таъсир кучини ошириш мақсадида такрорлардан ўринли фойдаланган:

*Шундоқ қолурму, қолурму?!
Ҳамон ваҳшатда қолурму?! (ШҚ, I, 155).
Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ишлашга етишди замон (ИУ, I, 169-бет).*

7. Революцион мисраларнинг бир қисми буйруқ гаплардан иборат бўлиб, буларда шоирнинг қонхўр, мустабид тўраларга нисбатан ғазabi ифодаланади. Бу гапларда Ҳамза разил гуруҳларнинг кийим-кечақларига ишора қилиш орқали дин ҳомийларининг образини яратиб, эски ҳаётни қўмсовчи унсурларни йўқотишга даъват этади:

*Битсин қонхўрлар, мустабид тўралар,
Бир тўп дока с а л л а, узун с у р р а л а р! (У, I, 165).
Битсин энди эски турмуш,
Ул қ у л о ҳ у ж а н д а л а р! (ЯШ, I, 162-бет).*

8. Ҳамза революция идеяларини халққа етказишда халқ мақолларидан ҳам ўринли фойдаланган. Буни биз шоирнинг «Шундоқ қолурму» шеърида қўлланган «Жондан кечмагунча жонона қайда» халқ мақоли мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳамза бу мақол мазмунидан келиб чиқиб, ўзининг революцион ғояларини ифодалаш учун халқни ҳақиқий озодликка эришуви жангсиз бўл-

маганлигини эслатиб, уларни революция ишини давом эттиришга даъват этади:

*Кулликни сезмаган, ҳурлик
Қадрига ета олурму?!
Қизил қонга бўялмаган
Қизил туғ тута олурму?!
Филҳақиқат, жондан кечмай
Жононга ета олурму?! (ШҚ, I, 155-бет).*

9. Ҳамзанинг жанговар шеърларидаги барча тил фактлари асарда олға сурилаётган ғояни ифодалаш учун янгича маъно ва аҳамият касб этади. Реал нарсa, предмет, воқеа-ҳодиса ва белгиларни ифодаловчи сўзлар асарда иррационал (мажозий) хусусият касб этиб, ифодаланаётган мазмуннинг таъсирчанлигини оширади. Масалан, *янги* ва *эски* сифати *турмуш* сўзи билан муносабатга киришиб, бир-бирига қарама-қарши бўлган жамиятни, *оқартирмоқ* феъли эса жамият аъзоларини билимли, маърифатли қилишни, *болта* сўзи меҳнаткаш омманинг ўткир, енгилмас идеологиясини ифодалаган:

*Эски турмуш боғларин қўй,
Қарға, зоғлар қишласин!
Янги турмуш боғларинда
Еш қўнғиллар яшнасин! (ЯШ, I, 162-бет).*

*Қора элларни оқартирмоқ учун
Белни маҳкам боғлаб, ишлов кун бу кун (V. I, 162-бет).*

*Ҳой, ҳой отамиз!
Тошни кесар болтамиз (Ҳ. Ҳ. О, I, 163-бет).*

Биз юқорида Ҳамзанинг революцион шеърларига хос тил фактларининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида тўхталдик, революцион мисраларнинг «сир»ларини атрофлича ўрганиш ўзбек реалистик шеърияти тараққиётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Хулоса қилиб айтганда, Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг революцион шеърларидаги ҳар бир сўз, грамматик форма ва синтактик конструкция ўзига хос янгича маъно ва интонацион бутунлик касб этиб, меҳнаткашларнинг орзу-умидларини куйловчи жанговар қалб мелодиясига айланган.

ЖУФТ ВА ТАКРОРИЙ СЎЗЛАР СТИЛИСТИК ВОСИТА СИФАТИДА

Ўзбек тилида жуфт ва такрорий сўзларнинг мавжудлиги тилимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатувчи белгилардан бири ҳисобланади⁵⁰.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарлари, айниқса, унинг драмалари тилида, жуфт ва такрорий сўзлар жуда кўп қўлланган. Адиб ижодида *бу*

⁵⁰ Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Тошкент, 1963, 44-бет.

тип сўзларнинг миқдоран кўпайиши, бизнинг фикримизча, халқ тилига яқин бўлган реалистик бадий услуб нормаларига хос тасвирий воситаларнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳодисадир.

Маълумки, миллий адабий тилнинг шаклланиш процессида турли етакчи диалектлардан адабий тилга янги грамматик формалар, лексик қатламлар кириб кела бошлайди. Бу тил фактларининг айримлари аста-секин умумхалқ характериға эға бўла боғриб, адабий тил нормасидан ўз ўрнини эғаллайди, ўз навбатида жонли тилдан узоқлашиб қолган сўз ва грамматик формалар эға архаиклаша бошлайди⁵¹. Худди ана шундай жараёни миллий адабий тилнинг етакчи услубларидан бўлган бадий адабиёт тилининг образлиликнинг юзаға чиқарувчи ифода воситаларида ҳам кўриш мумкин.

Ҳамза асарларида учрайдиган жуфт ва такрорий сўзлар фақат жамлик, умумийлик, кўплик сингари лексик-грамматик маъноларни ўзида ифодалабгина қолмай, балки айнаи вақтда, нутқий ҳодиса сифатида тасвирийликни, образлиликни, аниқроғи, экспрессивликни юзаға чиқарувчи нозик маъно оттенкаларига эға бўлган муҳим стилистик восита сифатида хизмат қилган.

Жуфт ва такрорий сўзларда ифодаланган маънонинг образлигини англаш учун шу сўзлар билан нутқда синонимик маъно ташувчи содда — нейтрал сўзларни қиёслаш орқали аниқ сезиш мумкин: *кеча-кундуз* (доимо), *қўша-қўша* (кўп), *йўл-йўриқ* (қонда), *майда-чуйда* (арзимас)...

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, айрим бир содда сўз ифодалаган маъноға нисбатан жуфт ва такрорий сўзлар ифодалаган маъно тасвирийлик (образлилик) касб этган. Бундан ташқари, жуфт ва такрорий сўзлар модели орқали бошқа сўзларнинг маъноси акс эттирилган, бу хусусиятни фразеологик ибораларда ҳам учратиш мумкин. Шу туфайли бўлса керак, баъзи фразеологик иборалар таркибида жуфт ва такрорий сўзлар тез-тез учраб туради⁵².

Жуфт ва такрорий сўз моделлари Ҳамза ижодиётининг барча жанридаги асарлари тилиға хос бўлиб, биз қуйида уларнинг айримларининг стилистик моҳияти ва бунда адибнинг маҳорати ҳақида мулоҳазалар баён этамиз:

1. Ҳамза асарлари тили учун характерли бўлган жуфт ва такрорий сўзлардан бири жуфт ва такрорий тақлидий сўзлардир. Бундай сўзлар жумласига *жиз-биз* (АВТ, 32-бет), *бака-банг* (МИ, 245-бет), *така-пука* (БХ, 65-бет), *диринг-диринг* (Бур. с. 336-бет), *ивир-шивир* (Бур. с. 302-бет), *ғуринг-ғуринг* (Пар. с. 336-бет), *дув-дув* (БХ, 63-бет), *ялт-юлт* (ИБ, 167-бет), *гулдур-гулдур* («Мактублар» 132-бет), *ғирч-ғирч* («Бугун 8 март», 198-бет) синга-

⁵¹ Иванов В. В. Некоторые вопросы формирования русского национального языка. Сборник статей по языкознанию, профессору Московского университета академику В. В. Виноградову в день его 60 летия. М., 1958, с. 170.

⁵² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг айрим масалалари. Тошкент 1966, 16—24-бетлар.

рилари кўрсатиш мумкин. Бу сўзларнинг ҳар бири асарда ўзига хос стилистик аҳамият касб этиб, образлиликни юзага келтирувчи эстетик функцияни бажаришга хизмат қилган.

Бака-банг жуфт тақлидий сўзи чилдирма овозининг ифодаси бўлиб, бу сўзни драматург тўй манзарасини акс эттиришга хизмат қилдирган: *Мулла дўст: Чилдирма бака-банг, қиблага қараб қуёв тўрам ўтирадилар* (МИ, II, 245-бет).

2. Ҳамза драмаларида қўлланган жуфт ва такрорий сўзларнинг кўпчилиги бир компоненти ёки ҳар иккала компоненти мустақил маънога эга бўлган от туркумига хос сўзлардир: *қарз-қурз* (Пар. с. 372-бет), *дард-фалокат* (БХ, 66-бет), *хизмат-пизмат* (БХ, 64-бет), *опа-сингил, оға-ини, қариндош-уруғ* (МИ, 261-бет), *гўшт-ёғ* (БХ, 59-бет), *тил-жағ* (БХ, 66-бет), *арз-муҳаббат* (БХ, 66-бет), *илм-амал* (БХ, 66-бет), *қуёв-муёв* (Пар. с. 313-бет), *тўй-маърака* (Пар. с. 334-бет), *кўз-пўз* (Бур. с. 295-бет).

Бу сўзларнинг аксарияти умумлаштириш маъносини ифодалашга хизмат қилса-да, бир қисми фразеологик иборалар сингари образлилик касб этиб, асар қаҳрамонлари характерини очишга, уларнинг нутқини индивидуаллаштиришга хизмат қилган. Масалан, «қанот-қуйруқ» жуфт сўзи аслида қушларга мос учиб воситаларининг номларини ифодалайди. Ёзувчи жонли сўзлашув тилига хос бу жуфт сўзнинг асл функциясидан келиб чиқиб, яъни ҳаракатга келтирувчи восита билдиришини назарга олган ҳолда, Қодирқулнинг нутқида эшонларга нисбатан шу жуфт сўздан ўринли фойдаланган: *Жуда бўлмаса, бир марта Байтиллога бориш, муллажиринг бўлгандан кейин мулло-эшонлар қанот-қуйруқ бўлиб, аришга учиб мана бу ерда турган гап* (Бур. с. 280-бет). Яна «илм-амал», «тил-жағ» жуфт сўзлари ҳам қўлланишдаги хусусиятига кўра турли восита, бўйсундириш сингари маъноларни таъсирчан қилиб тасвирлашга хизмат қилади. *Хонзода: Илм-амал билан тил-жағини боғлаб олгансанки, яхши кўради-да, ҳазон бўлгур!* (БХ, 66-бет).

3. Ҳамза асарларида қўлланган жуфт сўзларнинг характерли томони яна шундаки, адиб рус тилидан ўзлаштирилган лексик қатламлардан аналогия йўли билан жуфт сўзлар ҳосил қилиб, турли стилистик мақсадлар йўлида фойдаланган: *вексил-мексил* (Ист. қ. 151-бет), *старший-пстарший* (Пар. с. 327-бет), *респумка-песпумка* (АВТ, 37-бет) ва бошқалар. Бу сўзларни ёзувчи худди ўзбек сўзлари каби умумлаштириш маъносини ифодалаш учун қўллашдан ташқари, персонажлар ички дунёсини очишга ҳам хизмат қилдирган. Буни биз «респумка-песпумка» жуфт сўз талаффузида Ф. домланинг саводсизлигини, маънавий тубанлигини кўрамиз. *Ф. домла (қўл силкаб): Эй бўлмайди! Бўлмайди! Биз шундай респумка-песпумкага кўнмаймиз* (АВТ, 37-бет).

4. Ҳамза драмалари тилида сифатларнинг интенсив формаси, жуфт ва такрорий сифатлар ўзига хос стилистик аҳамият касб этган. Одатда сифатларнинг интенсив формаси предметдаги бел-

гининг ўта ортиқлигини ифодаловчи восита ҳисобланади. Лекин бу форма шахс отларини ифодаловчи отлашган сифатларга қўшилганда (*ўғри, жинни, шайтон, чайқовчи* каби) белгини эмас, балки, салбий хусусиятни ифодалаб экспрессивликни юзага чиқаради. Жонли сўзлашув тилига хос ана шу хусусиятлардан ҳам ёзувчи асар тилининг ҳаётийлигини таъминлаш ва индивидуallashtiriш учун ўринли фойдаланган. Бунни *қип-қизил, қуппа-қуруқ* сифатларининг ишлатилишида яққол кўриш мумкин, *Ҳидоят: Нима дейман, фалокат? Астағфурулло! Ҳайрият, бир нарсачиқди деб каромат қилиб келганман — бўлмаса-чи, қип-қизил ўғри бўлиб туриб эдик* (МИ, 248-бет). Ойхола: *Ўзинг ҳам қип-қизил жинни, овсар экансан* (Пар. с. 370-бет). Мулладоўст: *Ундан кўра қуп-қуруқ бўйи бўлса ҳам олиб бераверинг* (МИ, 250-бет).

5. Ёзувчи асарда тасвирланаётган воқеанинг образлигини таъминлаш ва олға сурилаётган фикрнинг таъсирчанлигини ошириш учун персонажлар нутқида жонли сўзлашув тилида учрайдиган болалар ўйинига хос бўлган *пичир-пичир, куёв-куёв, ўпич-ўпич, туя-туя, минди-минди, ит-ит, жупми-тоқ* сингари жуфт ва такрорий отларни ҳам қўллаган: *Умрзоқ: Саккиз-тўққиз яшар тирранчалар пичир-пичир, куёв-куёв, ўпич-ўпич ўйнайди* (Пар. с. 333-бет). *Ул вақтда йигирма тўрт-йигирма бешдаги йигит-қизлар ярим кечагача минди-минди, туя-туя ўйнайди* (Пар. с. 332-бет). *Бирпасдан кейин ит-ит ўйнашга тушишди* (МИ, 270-бет).

6. Юқоридагилардан ташқари, Ҳамза асарларида турли сўз туркумларига алоқадор *кеча-кундуз* (Пар. с. 332-бет), *қўша-қўша* (Пар. с. 313-бет), *куя-куя* (БХ, 50-бет), *яримта-паримта* (Пар. с. 325-бет), *унча-мунча* (Пар. с. 313-бет), *тилка-тилка* (МИ 268-бет), *ўлиб-нетиб* (Бур. с. 290-бет) сингари сўзлашув нутқида хос жуфт ва такрорий сўзлар учрайди. Бу сўзларнинг ҳар бири персонажлар нутқида маълум стилистик функцияни бажариш учун хизмат қилади.

Ҳамза асарлари тилидаги бундай сўз моделларининг қўлланишидаги хусусиятларни кенг ва атрофлича ўрганиш ўзбек реалистик бадний адабиёти услуби компонентларининг шаклланишини ёритишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

«Мухторият ёки автономия» комедиясида варваризмлар

Адабий тилнинг ҳамма услубларида варваризмлардан фойдаланиш яхши натижа бермаслиги маълум. Шунинг учун ҳам доҳиймиз В. И. Ленин она тилида эквивалентлари бўлган ҳолда ажнабий сўзларни адабий тилда қўлланишига эътироз билдирган⁵³. Лекин шуни эътиборга олиш керакки, варваризмлардан

⁵³ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 40-том, 5-нашри, 57—58-бетлар.

ёзувчи ёки драматург ўз асарларидаги персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, уларнинг тор синфий социал дунёқарашини ўқувчига намоёйиш қилиш учун қўлласа, варваризмлар бадий асар тилининг муҳим стилистик компоненти сифатида катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Буюк сўз санъаткорлари асарда олга сурилаётган ғоянинг таъсир кучини таъминлаш учун тилда мавжуд бўлган имкониятлардан, ҳатто айрим социал гуруҳларнинг ўзларига хос сўз ва ибораларидан ҳам фойдаланади. Ана шундай воситалардан бири варваризмлардир. Варваризмлардан персонажлар нутқида стилистик восита сифатида фойдаланиш ҳоллари буюк рус санъаткорлари асарларида ҳам учраб туради⁵⁴.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий ўзининг «Мухторият ёки автономия» комедиясида тасвирлаётган муҳит ва ундаги реакцион гуруҳларнинг дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда асар персонажлари нутқида варваризмлардан ўринли фойдаланган. Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг комедиядаги персонажлар тилида варваризмлардан фойдаланишдан асосий мақсади ҳам томошабинларда мухториятчиларга нисбатан нафрат туйғуларини қўзғотишдан иборат эди.

Ҳамзанинг «Мухторият ёки автономия» комедияси 1917 йил февраль буржуа-революциясидан сўнг ёзилган бўлиб, асарда ўша даврдаги халқдан ажралиб қолган социал табақалардан бири — саросимага тушган мухториятчи уламоларнинг автономия тузиш ҳақидаги ташвишли хатти-ҳаракатлари фош этилган.

Асар Қўқонда халққа намоёйиш қилинган. Бу комедиянинг халқ орасида шуҳрат қозонганлигини билган Эргаш қўрбоши Ҳамзани тутиб қамашга буйруқ берган. Ҳамза ўртоқлари ёрдамида Бешариққа, сўнг Тошкентга ва, ниҳоят, Туркистон шаҳрига бориб, 1918 йилгача қочоқликда яшашга мажбур бўлган⁵⁵. Бу фикрлар комедиянинг таъсир кучи билан боғлиқдир. Комедияда иштирок этувчи персонажларнинг аниқ номлари бош ҳарфлар билан кўрсатилган. Бу ҳол мухториятчи уламоларнинг ҳаётда прототиплари мавжуд шахслар эканлигига шубҳа туғдирмайди. Шунинг учун ҳам комедия намоёйиш этилгач, Ҳамза таъқиб остига олинган бўлиши керак.

Ҳамзанинг бу комедияси персонажларининг нутқида учрайдиган варваризмларни қайси тилларга алоқадорлигига кўра тўрт гурппага ажратиш мумкин:

1. Араб тилига хос варваризмлар.
2. Тожик-форс тилига оид варваризмлар.
3. Арабча-форсча варваризмлар.
4. Рус тилига хос варваризмлар.

1. Комедия персонажлари ҳисобланган мухториятчи социал гу-

⁵⁴ Шегунова Л. М. Язык Пушкинских персонажей. Русская речь, № 3, 1974, с. 34—35; Василевская Е. А. Язык и стиль романа А. Толстого «Петр Первый». Русская речь, № 6, 1974, с. 50—51.

⁵⁵ Раҳмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. Тошкент, 1959, 124—125-бетлар; Қайюмов Л. Ҳамза. Тошкент, 1973, 32-бет.

руҳлар, уламолар нутқиға хос бўлган, кенг омма учун тушунарли бўлмаган арабча сўз ва ибораларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *ал-асбооб* — сабаблар⁵⁶, *асҳол* — осон, енгил (34), *азим* — катта (33) *асмо* — исмлар (34), *авҳом* — хаёл (42), *аҳбоб* — дўстлар (41), *алалхусус* — хусусан (41), *айнал мақсад* — кўзда тутилган нарсаларнинг ўзи (40), *алассавия* — тенг, баробар (37), *вожиб* — зарур (35) *варасатул-анбиё* — пайғамбарларнинг меросхўрлари (44), *важҳ* — юз (40), *жузъан* — қисман (44), *журға* — қултум (41), *жуҳало* — жоҳиллар (40), *замоир* — индалло (37), *изом* — катта (35), *ифтитоҳ* — бошланиш, очилиш (31), *ибтидо* — бошланиш (31), *калимот* — сўзлар (34), куллиш — умумий (42), *косира* — кичкина, қисқа, (34), *киром* — улуғ (34), *машома* — димоғ (32), *мусаллим* — таслим (32), *мажолис* — мажлислар (34), *мутафарриқа* — бўлинган, майда-майда (34), *маашшарҳ* — шарҳи билан (44), *марғуб* — энг ёқимли (41), *маҳфил* — тантана жойи (41), *маҳрам* — аёл (41), *мааттаассуф* — афсуски (34), *мушобиҳ* — ўхшаш (40), *нақисул-ақл* — ақли калта, (33), *наузан биллоҳ* — миназзолимин — золимлардан асрашни оллодан сўраймиз (33), *таваққуф* — тўхташ (31), *таркиб мааттаржамот* — таржима лугати (35), *ушишқ* — ошиқлар (41), *фузало* — фозиллар (31), *фи айнил мақсад* — кўзда тутилган мақсад ҳақида (34), *фатво* — диний ҳукм (44), *филъон* — ҳозир (34), *физамонино* — бизнинг замониизмда (34), *шомома* — ҳид билиш қобилияти, *шаръ шарор* — ёмонлик, (33) *қувва* — куч (32), *ғойибин* — йўқлар (34), *ҳаб* — дона, таблетка (40), *ҳозирон* — мавжуд (34), *ҳифз* — сақлаш (33).

2. Комедия персонажлари тилида тожик-форс тилига хос варваризмлар ҳам маълум миқдорда учрайди: *аз кўдом масала* — қайси масаладан (43), *акун* — энди (41), *азизҳо* — азизлар (35), *боз* — яна (40), *боданишин* — майхўрлик (41), *бўйи роҳат* — яхши ҳид (32), *бисёр доно* — билагон (32), *бисёр бад* — жуда ёмон (32), *бисёр хўб* — жуда яхши (32), *бифармоян* — буюрсинлар (42), *барпадари* — отасига (39), *даркаш нест* — ичимлик йўқ (33), *хотин гўфтоги* — хотин деган (33), *ҳамин қадар* — шу қадар (34), *бадрафтор* — турқи хунук (34), *камтар нўш* — камроқ ич (40), *нав* — янги (40), *хилваткада* — хилват жой (41), *чойрез* — чой қуювчи (41), *ҳамин* — шу (42), *сафои кайф* — кайф-сафо (42), *чигуна* — қандай, *индаз* — шундай (31), *кор* — иш (35), *чандон* — унчалик (35), *хонаи брой* — бойнинг уйи (31), *ягон дигар* — бошқа бир (32), *нигоҳ кардан чи ҳожат* — қарашнинг нима ҳожати бор (32), *марди саҳий* — саҳий одам (32), *шумо* — сиз (32), *номи сабалаширо* — сабилнинг номини, *фаромуш кардам* — унутибман (32), *забони ўрис* — рус тили, (32), *сабил мондаги* — сабил қолсин (32), *ин айни каромат шуд*, *филҳақиқат сари суҳан ҳамин* — бу айни каромат бўлди, ҳақиқатан ғанининг пўст калла-

⁵⁶ Ниёзий Ҳ. Ҳ. Мухторият ёки автономия. Асарлар. 2-том. Тошкент, 1971. Бундан кейин бериладиган мисоллар ана шу манбадан олинди. Варваризмларнинг таржимаси ҳам берилди.

си шу (31), *яки аз* — бири (45), *қора поёнаш* — ишнинг охири (44), *хатарнок* — хатарли (43), *зону* — тизза (42), *бисёр нўш кардам* — жуда кўп ичдим (42), *оре* — дуруст (42), *зебиш* — ярашиқ (41) *худо додо* — худо берди (41), *марҳамаад кункед* — марҳамат қилинг (40).

3. Бир группа варваризмларга, шартли равишда, арабча-форсча ёки арабча-арабча сўзлардан таркиб топган форс изофаларини киритиш мумкин: *азоҳои ҳамма* — барча аъзолар (31), *қуввате шамома* — ҳнд билиш қобиляти (32), *илми валоят* — валийлик илми (35), *уммати изом* — улуғ умматлар (35), *ихтиёри таваққуф* — тўхташ ихтиёри (31), *луғати муҳимма* — муҳим тил (35), шарҳи фатвои — диний ҳукм шарҳи (44), *уламои киром* — ҳурматли уламолар (42), *гапи машварат* — йиғилиш гапи, суҳбати (41), *ушиқоқи баданишин* — кичик майхўрлик (41), *маҳрами чойрез* — чой қуювчи хотин (41), *уламои изом* — буюк олимлар (37), *савоби азим* — катта савоб.

4. Драматург комедия персонажларининг нутқида унча кўп бўлмаса-да, стилистик талабга кўра, русча варваризмлардан моҳирлик билан фойдаланган: *исполнен кабинет* — ижроия комитети (35), *фридоволисной кабинет* — озик-овқат комитети, (35), *республика* — республика (37), *ҳафтаномия* — автономия (37), *ҳафтомобиль* — автомобиль (38), *устол* — стол (42), *газнет* — газета (55), *кирой* — край, ўлка (45), *фостоновлени* — қарор (42), *фиристуф* — пристов (34), *инспектур* — инспектор (34), *исматилний комитет* — ижроия комитети (34), *закун* — қонун (34), *исматулло комитет* — ижроия комитети (32).

Асар тилидаги варваризмларни ўрганишда адабий тил тараққиётига ёзувчи ёки драматургнинг қўшган ҳиссасини эмас, балки варваризмларни персонажлар тилида қўллашдан ёзувчининг кутган мақсади, маҳорати нуқтаи назаридан ёндашиш лозим.

Ҳамза «Мухторият ёки автономия» комедиясидаги персонажлар нутқида варваризмлардан сунъий равишда эмас, балки февраль буржуа революциясидан кейинги Туркистон ҳаётига хос типик воқеаларни, яъни ўзларининг тор синфий доираси манфаати йўлида жамият тараққиётидан юз ўгирган, эксплуататор синфлар манфаатларини кўзловчи уламолар, маҳаллий киборларнинг ғайрининсоний башараларини томошабинлар кўз ўнгидан намойиш қилиш учун фойдаланган.

Персонажлар тилида учрайдиган варваризмлар диний, сиёсий тушунчалар ҳамда оддий сўзлашув тилига хос арабча, форсча-тожикча, русча сўз ва иборалар бўлиб, улар бадий асар тилининг ажралмас компоненти сифатида ўзига хос стилистик аҳамият касб эта олган.

Асар персонажлари бўлган уламолар бир-бирларига нисбатан *уламои киром*, *азизҳо*, *фузало*, *аҳбоб* сингари ажнабий сўз ва ибораларни қўллайдилар, аммо уларнинг хатти-ҳаракатларидан тамагирлик, найрангбозлик сезилиб туради. Уларнинг сўзлари билан ҳаракатлари ўртасидаги номуносиблик комедиянинг бошидан

охиригача давом этиб, томошабинда уламоларга нисбатан кулгили хиссиётнигина эмас, балки нафрат туйғуларини ҳам уйғотади. Масалан, мажлис бошланиши олдида овқат дарагини эшитган С. домла мажлис масаласини унутиб: «*Ин айни каромат шуд, филҳақиқат сари суҳан ҳамин*»,— дейди (31). Қуйидаги диалоглар ҳам уларнинг нафс бандаси эканлигидан далолат беради. Ф. домла: *Жаноб секретарь афанди! Хонайи бойба ҳеч нима йўқми?*— деса, Х. домла: *Қамина кирган вақт бой афандининг ҳовлиларидан жиз-биз деган сабзи, пиёзнинг бўйи машомига андак бўйи роҳат берган эди*,— дейди (32).

Л. Бойнинг республика тўғрисидаги гапларини эшитгач, Т. домла бошқаларга қараб шундай дейди: *Жаноб зоти киромдан рижо қилур эдим, як нафас таваққув этилса, токи бойҳазратлари бу ишларни ҳаммасидан воқифдирлар, воқиоти фожиани муфассалан ва ижмолан баён қилсалар, баъдаҳу ўзлари қайси бирини садоқат билсалар, биз ҳам қабул қиламиз*» (36). Бундан кўринадики, бой нима деса, бошқа уламолар ҳам унинг фикрини маъқуллайдилар.

Ўзларини жамият тақдири учун курашувчи зотлар сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган уламоларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатиш учун Ҳамза уларнинг одат ва хатти-ҳаракатларини томошабинга ҳавола қилади. Бу зотлар ўзларини жамият аъзоларига қанчалик тақводор сифатида кўрсатишга уринмасинлар, улар ахлоқ ва одобда, хулқда энг тубан, гиёҳхўр, банги сифатида гавдаланади. Буни қорадори хусусидаги қуйидаги жумлаларда айнан кўриш мумкин. Ф. домла тўкилган қора дорини териб турганда, Н. домла (мўралаб): *Хўш ҳазрати домла! Нима қилиб турибдилар?! (Келиб бирини олиб қараб) Ин ҳаб-қувватул баъҳозимул-меъдами?* Ф. домла (яширолмай), *Нима-йи! Ин акун сизга вазихдур балки. Фақир шу сабилга гирифторбиз, баважҳ дафъи савдо, табиб буюрган. Н. домла: Оҳо, айналмақсадку! Бизда камтар нуш қиламиз гоҳо* (40)-бет).

Комедияда иштирок этган домла ва уламоларнинг ички дунёси маишат, айш-ишрат ва хотинбозликдан иборатлиги қора дорига кайф қилган бу шахсларнинг қуйидаги диалогларида намоён бўлади: Н. домла: *Энди бизга хилваткада бир махфил, алалхусс, бир маҳрами чойрез лозим бўлиб қолди* (41-бет).

Ҳамза комедиясида шўрон ислом вакиллариининг саводсизлигига ишора қилади. Буни биз персонажлар нутқида учрайдиган русча сўзларнинг нотўғри талаффузида, уларнинг автономия билан автомобилнинг фарқига бормаганликларида айнан кўрамиз: Г. домла: *Қайга кетган эканлар?* Т. домла: *Исматулло (исполнительный) комитетга кетганлар.* (32). Т. домла: *Агар мақбул бўлса фратаколга киргизарсиз* (34-бет). Х. домла: *У ҳафтаномияси ҳам бутун фалокат, ахир янги келган вақтда отлар ҳуркуб узуб, аробалар олиб қочиб, неча одамларни босиб*

ўлдирмадимми? Т. домла (кулиброқ): Йўқ, у ароба-ку тақсир!
Уни ҳафт омобил дейди, ҳафт автономия бошқа (38-бет).

Уламоларнинг сиёсатидан, ижтимоий ҳаёт масалаларидан нақадар узоқлигидан кулиш мақсадида драматург «автономия» сўзини улар қандай маънода тушунишга томошабин фикрини жалб қилган ва улар бу сўзни ўзларининг тор «компонияси» — шўрвасига ўхшатганлигини кулги остига олади: Ш. домла (бойга қараб): *Бой афандим, шул шўрвамизга ўхшаш алоҳида ҳафт омия эълон қилсак бўлмасмикан? Л. (З. домлага қараб): Сўйланг!* З. домла: Автономия бир шаҳарда ўн-ўн беш жойда бўлмайдир, балки бўлса шул Туркистон кироида бир бўлур (45-бет).

Хулоса қилиб айтганда, комедия тилида учрайдиган варваризмлар асар тилининг муҳим компоненти сифатида стилистик қиймат касб этган.

II БОБ

ҲАМЗА АСАРЛАРИ ТИЛИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

XX аср бошларидаги адабий тилимизнинг муҳим ёдгорлиги ҳисобланган Ҳамза асарлари тилининг морфологик хусусиятлари адабий тилнинг бошқа услубларга хос ёдгорликлар тилидаги морфологик хусусиятларга нисбатан ҳозирги адабий тилимизга яқинлиги билан ажралиб туради. Бу хусусият, бизнинг фикримизча, икки томонлама, биринчидан, Ҳамзанинг реалистик методи, яъни адиб асарлари тилининг образлар характериға мос жонли сўзлашув тилига яқинлиги билан, иккинчидан, давр адабий тилининг бошқа услубларида бўлганидек, объектив зарурият туфайли янги давр миллий адабий тилининг шаклланиши билан ҳам изоҳланади.

Ҳамза асарлари тилида эски ўзбек адабий тилига хос морфологик кўрсаткичларнинг сийракланиши ва янги морфологик формалар функциясининг кенгайиши характерли хусусиятдир. Шу нарса характерлики, айрим грамматик формаларнинг адабий тилга кириб келиб адабий нормаға айлана бориши улкан сўз санъаткорлари асарларининг омма орасида кенг ёйилиши ва таъсир кучи билан ҳам боғлиқдир. Бундай хусусиятлар ҳақида ҳар бир сўз туркумида алоҳида фикр баён қиламиз.

ОТ КАТЕГОРИЯСИ

От туркумига хос сўзлар, тушунча ифодаловчи восита сифатида, Ҳамза асарлари тилида бошқа сўз туркумларига нисбатан қўлланиш мувозанатиға кўра, жонли сўзлашув тили ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган тушунчалар эвазига бойиганлиги билан характерланади. Бу ҳақда ишимизнинг аввалги қисмида тўхтаб ўтдик.

ОТЛАРДА СОН КАТЕГОРИЯСИ

-лар кўрсаткичининг англатган маънолари шу аффикс қўшилиб келган ўзакнинг семантикасиға боғлиқ¹.

¹ Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М., 1960, с. 77.

Ҳамза асарларида учрайдиган **-лар** аффиксининг грамматик маънолари, қўлланишдаги стилистик ўзига хос хусусиятлари шундай:

1. Санаш мумкин бўлган ўзакларга қўшилиб, оддий грамматик кўпликни ифодалайди: *Ай бо л а л а р, ўқу-ёзуға жасорат қилгингиз!* (Ян. с. 25).

2. Бирор маслак, гуруҳ ёки тоифага алоқадор кўпликни ифодалайди: *Туркистон мусулмонлари...* (Ян. с. 36), *Битсун қонхўр бойлар, чиновниклар!* (Ист. қ. 60).

3. Мансаб, лавозим, амал билдирувчи халифа, бой, муаллим, домла сингари отларга изоҳловчи бўлиб келган ҳазрат сўзига III шахс эгалик аффикси билан биргаликда қўшилиб, ҳурматни ифодалайди: *Олимжон муаллим ёки халифа ҳазратлари ёдан дарсларини сўраб олур эди* (Ян. с. 24). *Муаллим ҳазратлари эрига боруб воқеани сўзлади* (Ян. с. 37).

4. Эгалик аффиксларидан сўнг қариндош-уруғ отларига қўшилганда кўпликни эмас, балки ҳурматни ифодалайди: *Ой. и м л а р сизни чақиршиб қолдилар* (Бур. с. 16). *Оға, соғ борсангиз аввал да да м л а р га салом айтинг* (СФГ. 8).

5. Сон ва кўрсатиш олмошлари билан ифодаланган аниқловчилик пайт билдирувчи отларга қўшилганда тахмин маъносини англатади: *У за м о н л а р да бир улуг подшоҳ бор эди* (Қир. к. 25). *Яна бирор минг й и л л а р бордур* (Бур. с. 25).

6. III шахс бирликдаги эгалик аффиксларини олган уюшмиқ бўлақлардан сўнг келган «бошқа» сўзига қўшилиб, уюшмиқ бўлақлар ифодалаган нарса, ҳодисаларнинг давомийлигини ва кўпликлигини ифодалайди: *Бир катта девор ойнаси, бир дона дёвор соати ва бо ш қ а л а р...* (Бур. с. 22).

7. Эгалик аффикслари билан бирга келиб, юрак, бош, пешона, бел, забон сўзларига қўшилганда маъно кучайтириш учун хизмат қилади: *Назокат хонумга етишмоқ хабарин эшитиб ю ра к л а р и бирдан секраб кетган Олимжон...* (Ян. с. 37). *Пешоналарини силаб...* (Ян. с. 31). *Опасининг тўйиға тўй тўкиб, хипча бел л а р и н и уч кунлик ойдек камалак-камалак қилиб юрсанг* (Бур. с. 31). *Гапира-гапира коми за б о н л а р и м ишдан чиқди* (Ист. қ. 17).

8. **-лар** уюшмиқ бўлақ ва жуфт отларнинг иккинчи компонентларига қўшилиб, биринчи компонентдаги отларнинг ҳам кўплигини (жамликини) ифодалайди: *Х о т и н-қ и з л а р и м и з учун м а к-табларимиз бўлмаса...* (Ян. с. 36). *Яшангиз ишчи, деҳқонлар. ж а-ҳон ичра!* (ЯИД. 174).

9. «Баъзи» белгилаш олмоши кўплик кўрсаткичи ва эгалик аффиксини олиб, отлашиб тўпдан (тўдадан) ажралган кўпликни ифодалайди: *Баъзилари дарбадар бўлуб, баъзилари ро-мча бўлуб...* (Ян. с. 36).

10. Жинс тушунчасини билдирувчи «хайвон», «либос» сингари отларга қўшилганда турнинг кўплигини (турли хил) ифодалайди: *Келтирулмиш либосларга ўралган Абдуқаҳҳор...* (Ян. с. 60).

*Фотиҳамга қараб қанча ҳайвонлар,
Илқим боқиб қишлоқларда чўпонлар...*

(БэУ, I, 187)

11. Ҳамзанинг драмалари тилида баъзан стилистик мақсадда қўлланган арабча, форсча-тожикча кўплик кўрсаткичлари ҳам учраб туради: *Шояд паристаҳои гузарон омин деган бўлсалар* (Бур. с. 7), *Л. домла (кириб келиб) Ассалом азизҳои* (АВТ. II, 35). *Муҳтарам жаноб Фузало ҳазратлари!* (АВТ, II, 31). *Баъзи жуҳало шубҳанок бўлмасин деб...* (АВТ, II, 40).

12. Ҳамза асарлари тилида -лар аффиксининг функцияси рус тилидан ўзлаштирилган отларга қўшилиши ҳисобига анча кенгайган. Баъзан стилистик мақсадда ўзлаштирилмаган русча сўзларга кўплик кўрсаткичининг қўшилиш ҳоллари ҳам персонажлар нутқида учраб туради: *Олимжон билан умр йўлдош бўлмоқ флонлари тузуб...* (Ян. с. 37). *Чиновниклар* (Ист. қ. 60). *Начальник: Кет, сабаклар...* (Ист. қ. 13).

13. -лар аффикси стилистик мақсадда ҳайвон — жониворлар номларига қўшилиб, одамларга нисбатан қўлланганда экспрессивлик касб этган. Бу хусусият жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, Ҳамза персонажлари нутқида тез-тез учраб туради: *Ҳой бўрилар! Сўзларингдан қайт!* (БХ, II, 94). *Кет сабаклар!* (Ист. қ. 13).

14. -лар кўрсаткичи эгалик аффикси билан келиб, сифатдошларга қўшилиб, уларни отлаштириш хусусиятига эга: *Мушкулку шоддан бошқа маълумот ололмаганларидан нафрат ва ҳазар қилган Олимжон...* (Ян. с. 36).

Сен бу кўргу орқасида

Келди, ол, кутганларинг!

Борса борсин, қабр тошин

Тангри деб туганларинг (ЯШ, I, 162).

15. Ҳамзанинг революцион шеърларида -лар кўрсаткичининг функцияси анча кенгайган. Бу хусусият революцион ғояларнинг образли ифодалари бўлмиш бир-бирига зид, қарама-қарши воқеа ҳодисаларга адибнинг муносабати билан характерланади. Шеърларда қўлланган тил фактлари, жумладан отлардаги сон кўрсаткичи ҳам формал грамматик кўрсаткич бўлиб қолмай, балки революцион воқеликка бўлган муносабатни ифодаловчи воситадир Бундан кўринадики, жамиятнинг бир-бирига зид гуруҳларига муносабатни ифодалаш эвазига -лар аффиксининг функцияси интенсификацияланган:

Ҳой, ишчилар,

Эзилган меҳнатчилар!

Битсин золим боғлар!

Эркингни қўлдан берма,

Яша хизматчилар!

(ҲИ, I, 157).

Маллалар, с а л л а л а р,
 Урфонсиз к а л л а л а р,
 шайтонлар, и б л и с л а р,
 бурҳонсиз даллалар,
 Дўзахлар, ж а н н а т л а р,
 тоатлар, я л л а л а р,
 ғазаблар, аллалар,
 Макрлар, ҳийлалар,
 иллолар, биллолар
 бусбутун қуюндек қувилди.

(ҚБ, I, 207—208).

-лар кўрсаткичининг эгалик, тусловчилар таркибида келиши ва бошқа хусусиятлари илмий адабиётларда ўзифодасини топган масалалардир².

Отларда эгалик категорияси

Ҳамза асарлари тилида отлардаги грамматик эгалик барча гуркий тиллардаги каби морфологик, морфологик-синтактик ва синтаксис усуллари билан ифодаланган. Отлардаги эгалик категорияси от ва отлашган сўзларнинг бирлик ва кўплик сонда ҳарч шахсдан бирига қарашлилигини (алоқадорлигини) англатиб, лар ўзлари бириккан сўзлардан олдин келган сўзларнинг синтактик муносабатини ҳам юзага келтиради.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарлари тилида қўлланган эгалик кўрсаткичлари баъзи бир традицион адабий тилга хос фонетик вариантларини ҳисобга олмаганда, ҳозирги замон ўзбек тилидаги хусусиятларга эга³. Ҳамза асарлари тилида традицион эски ўзбек адабий тилига хос эгалик кўрсаткичи *-ум, -унг* вариантларининг баъзан кўраши традицион адабий тилдаги сингармонизм ҳодисаси — лаб гармониясининг таъсири билан изоҳланиши мумкин: *Мани пугум била бўйнуниг маржон кўрди-ку?! (Заҳ. ҳ. 17). Манинга хафа бўлушум керакмас (Ян. с. 23).*

Ҳамза асарлари тилида эгалик аффиксларининг парадигмаси традицион адабий тилга нисбатан ҳозирги замон ўзбек адабий тилига яқинлиги билан характерланади.

I ва II шахс эгалик аффиксларининг бирлик формаси асосан *м, -им, -нг, -инг* кўринишга эга бўлиб, *-ум, -унг* формаси шўр, элғиз, кўз, кўнгул каби сўзларгагина қўшилган: *Елғузум болам, жоним (Ист. қ. 25). Олимжон: Шўрум тоза қуриди! (Ян. с. 27). Энди кўнгулунга кўп солма (Заҳ. сҳ. 22).* *-ум, -унг* аффиксларининг кам қўлланиши Ҳамза асарлари тилининг традицион эски ўзбек тилида темир қонун ҳисобланган сингармонизм

² Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 76—81; «Ўзбек тили грамматикаси», 1-том. Морфология. Тошкент, 1975, 143—190-бетлар.

³ «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, 1975, 144—190-бетлар.

ҳодисасига амал қилинмаганлиги, жонли халқ тилига хос бўлган марказий шаҳар шеваларига яқинлиги билан изоҳланади.

Эгалик аффиксларининг англатган маънолари шу аффикслар қўшилган от ёки отлашган сўзларнинг семантикасига боғлиқ бўлиб, қуйидагича маъно ва хусусиятларга эга: I шахс бирлик:

1. Маълум қийматга эга бўлган нарса-предметларга қўшилганда соф эгаликни ифодалайди: *Мени пулум* (Заҳ. ҳ. 17). *Мени ёғ, биринчим* (Заҳ. ҳ. 16).

2. Таркибида -хон аффикси бўлган аёл отларига қўшилиб, -хон аффикси билан биргаликда мураккаб аффикс ҳосил қилган ҳолда (французча — мадам, русча — госпажа сингари) ҳурмат ифодалайди: *Ҳалимахоним* (Ян. с. 27). *Назокатхоним* (Ян. с. 37). *Марямхоним йиғлаб оғир ҳолда ётар* (Заҳ. ҳ. 27).

3. Қариндош-уруғ номларига қўшилганда, аффикс олган от субъектга ҳақиқатан алоқадор (қариндош) бўлса, соф эгалик ифодаланади (болам, қизим, акам), эгалик аффиксини олган от бегона шахсга нисбатан қўлланса ҳурмат ифодалайди:— *Сайидхон акамга айтиб кўрсак бўлар экан* (Ист.. қ. 53). *Отам ўрнига отам бўлинг* (Бур. с. 38).

Бундан ташқари, қариндош-уруғ номларини ифодаловчи отлар эгалик аффиксини олган ҳолда ундов ёки ундалма бўлиб келганда турли субъектив маънолар ифодалайди; *Жоним қизим! Даданг ўреулсин* (Ист. қ. 25). *Энди нима қилайлик, болам! Тақдирга тан бериш керак* (Ист. қ. 72). I шахс эгалик аффиксини олган қариндош-уруғ отлари (акам, укам) контекстдаги ситуацияга кўра киноя, пичинг англатиш учун ҳам қўлланиши мумкин: *Акам жуда ҳам оёғи куйган товукдек питиллаб қолибди-ку* (Бур. с. 5).

4. Ўтган замон сифатдошларига қўшилганда сифатдошда ифодаланган ҳаракатнинг субъектга алоқадорлигини ифодалайди: *Мундоғ жойларга келганимга минг бор шукур* (Ян. с. 231). *Охири қимирлаганим шул шекилли* (Заҳ. ҳ. 27). *Асир бўлгунча ўлганим минг маротаба яхши* (Заҳ. ҳ. 16).

5. Изофаларнинг иккинчи компонентдаги отларга қўшилиб, шахсга қарашлиликни ифодалайди.

*Дод дастингдан фалак чархинг бузилмай қолмасун,
Боғи у м р и м бўлди тўти шақкар афшондин жудо*
(«Хусни ҳўбондан жудо», I, 43).

*Эй маҳваши з а м о н и м, эй ёр хуш келибсиз
Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор хуш келибсиз*
(«Хуш келибсиз», I, 31).

6. -моқ ва -ш (-иш, -уш) аффикслари ёрдамида шаклланган ҳаракат номларига қўшилиб, ҳаракат номида ифодаланган процесснинг шахсга алоқадорлигини ифодалайди ва шу эгалик аффиксини олган ҳаракат номидан сўнг *керак*, *лозим* сингари сўзлар келиб, гапда составли кесим шаклланади: *Доим бекор тур-*

май ўқумоғим керак (Ян. с. 23). Ман анга хафа бўлушим керакмас (Ян. с. 23).

7. Эгалик аффикси диний тушунчаларни англатувчи *худо, рабб* сингари сўзлар билан ифодаланган ундалмаларга қўшилиб, илтижо, ялиниш оттенкаларини реаллаштиришга ёрдамлашади: *Оҳ худойим! Бу бечора кампирга қийин бўлди* (Ист. қ. 20). *Оҳ, оҳ, раббим! Кошки бу кўзларим кўр бўлмаган бўлса эди* (Ист. қ. 20).

8. I шахс эгалик аффикси *мусофир, ёлғиз, қўзичоқ, жон* сингари сўзларга қўшилиб, ялиниш, яқинлик, ачиниш, ҳурмат сингари субъектив модал оттенкаларни ифодалашга хизмат қилади: *Жоним қизим — сендан ёлғузум жоним Сайидхонимнинг бўйи келади* (Ист. қ. 20). *Жоним болам Сайидхон, оҳ, мусофир болам* (Ист. қ. 21). *Қўзичоғим болам* (Ян. с. 27).

9. Пайт ифодаловчи сўзларга қўшилиб, шахснинг вақтга алоқасини ифодалайди: *Йўқ! Афандим! Чойга фурсатим йўқ* (Заҳ. ҳ. 6). *Бу менинг сўнгги минутларим шекилли* (Ист. қ. 89).

10. Камтарликни ифодалаш учун I шахс бирлик ўрнида I шахс кўпликни қўллаш ҳоллари мавжуд: *Тўғрисиини айтсак, хатимиз йўқ ҳисобида* (Бурс. 14).

Отлардаги эгаликнинг I шахс кўплик формаси ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги сингари унли билан тутаган сўз формаларига *-имиз* тарзида қўшилган. Традицион адабий тилга *хос-умуз* формаси адиб асарлари тилида деярли учрамайди. Бу хусусият адиб асарлари тилининг жонли тилга яқинлиги, сингармонизм ҳодисасига риоя қилинмаганлиги билан изоҳланади. Бу форманинг англатган маъно ва хусусиятлари асосан ҳозирги замон ўзбек тилига тўғри келади.

1. Амал, мансаб билдирувчи *тўра, ҳоким* сингари отларга қўшилганда шу отларнинг I шахснинг кўплигига қарашлиликни ва ҳурмат маъноларини ифодалайди: *Ҳоким тўра мизнинг олдиларидан келдилар* (Бур. с. 9).

2. Сонларга қўшилганда эгалик эмас, балки биргалик, шунингдек санаб бўлмайдиган *шўр, тер* сўзларига қўшилганда маъно кучайтириш учун хизмат қилади: *Биз Рустам икковимиз шу ошни қилдик* (Ист. қ. 54). *Шўримиз қурусун биз хотинларнинг* (Бур. с. 40).

3. II шахс эгалик аффиксининг бирлиги унлидан сўнг *-нг*, ундошдан сўнг *-инг*, баъзан *-унг* тарзида намоён бўлади: *Энди кўнглунгга кўп солма* (3. ҳ. 22). II шахснинг кўплиги ҳозирги ўзбек адабий тилидаги сингари унлидан сўнг *-нгиз*, ундошдан сўнг *-ингиз* кўринишига эга бўлган, лекин традицион адабий тилда мавжуд бўлган *-унгиз* формаси Ҳамза асарларида учрамайди. Бу ҳол юқорида айтилган сабабларга кўра изоҳланиши керак.

Баъзи хусусиятлари:

1. «Жаноб» сўзига эгаликнинг кўплик формаси ва абстракт эгалик *-ники* аффикси қўшилганда ўта ҳурмат (ўзингизники) маъ-

носи ифодаланади. *Энди бой афанди жанобингизники маъқул, сизга ҳеч муносибмас* (Заҳ. ҳ. 5).

2. Қариндош-уруққа доир эр, ўғил, опа сингари сўзларга қўшилиб, иккинчи шахсга тегишлилик ва ҳурмат маъносини ифодалайди: *Эрта-индин эрингиз* Сибирга кетади (Бур. с. 39). *Ўғлингизни работчидан қолдирмоқни ҳам мақбул қилдирган эди* (ИТС. қ. 32). *Опангиз ҳам борадиларми* (Бур. с. 30).

3. Пайт, процесс ва амал билдирувчи отларга қўшилиб, иккинчи шахсга тегишлилик ва ҳурматни ифодалайди: *Бир кунингизга яраб қолар* (Бур. с. 41). *Қилган ишларингиз шуми* (Бур. с. 40). *Мардикорликка ҳам ярамаслиғимиз аниқ* (Бур. с. 4). *Бирта полискангиз шундай қилди* (Бур. с. 38).

4. Ҳамза асарлари тилида эгалик -ники ва унинг қадимги формаси, яъни -нинг аффикси воситаси билан ифодаланиш ҳоллари ҳам мавжуд: *Бу уй Марямхонимники...* (Заҳ. ҳ. 26). *Бизнинг замон, меҳнатчилар...* (БИ, I. 160).

IV. Эгалик аффиксларининг III шахс бирлиги ва кўплиги ҳозирги замон ўзбек тилидаги хусусиятини сақлаган, яъни унли билан тугаган от ва отлашган сўзларга -си, ундош билан тугаган сўзларга -и тарзида қўшилади. III шахс эгалик аффикслари ўзлари қўшилган сўзлардан олдин келган сўзларнинг синтактик муносабатини келтириб чиқариб, уларнинг англатган маънолари шу сўзларнинг семантикаси билан боғлиқ:

1. Аниқланмишдаги нарс-хусусиятнинг аниқловчига алоқадор, тегишли эканлигини кўрсатади: *Бойларнинг уйи* (Ян. с. 23); *Қўрбошининг ҳийласи* (Ист. қ. 57).

2. Амал, мансаб ифодаловчи сўзлардан кейин келадиган от кўмакчилар таркибида кўплик формада келиб, ҳурмат ифодалайди: *Ҳоким тўрамининг олдиларидан келдилар* (Бур. с. 7). *Фрискуфнинг олдилариға кетган эдилар* (Бур. с. 7).

3. III шахс кўпликдаги эгалик аффиксини олган баъзи отлар II шахс бирликка нисбатан ҳурматни ифодалаши мумкин: *Илоҳим тақсир нафаслари муборақ бўлсин* (Бур. с. 7).

Келишик формалари

Ҳамза асарлари тилида қўлланган келишиклар миқдори, англатган маънолари ва асосий хусусиятлари жиҳатидан эски ва ҳозирги ўзбек тилидаги келишикларнинг хусусиятларига тўғри келади⁴. Шунга қарамай, адиб асарлари тилида ўзига хос баъзи бир фарқли томонлари ҳам борки, булар жумласига қаратқич келишигининг -нинг формаси ўрнида тушум келишиги билан омо-

⁴ Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар. СССР ФА Ўзбекистон филиалининг асарлари. II серия. 2-китоб. Тошкент, 1941; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 90—102. Расулов Р. Склонение имен существительных современном узбекском языке. М., 1953; Абдурахмонов Ғ., Шукuroв Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1975, 190—248-бетлар.

нимлик формага эга бўлган *-ни* формаси, тушум ва қаратқич келишигининг ассимиляцияга учраган *-ди* формаси, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги формаларининг бир вариантликка томон силжиши сингариларни кўриш мумкин. Бундай баъзи бир ўзгаришлар янги давр — ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиш процесси билан боғлиқ ҳолат бўлиб, бу ҳолатни ҳар бир келишик формаларида кўриб ўтамыз.

БОШ КЕЛИШИК. Бош келишик бошқа келишикларга нисбатан ўзига хос морфологик кўрсаткичга эга эмаслиги билан характерланиб, Ҳамза асарлари тилида ўзининг англатган турли хил маъно ва функциялари жиҳатидан ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги бош келишик англатган маъно ҳамда функцияларга гўри келади. Биз бу ўринда Ҳамза асарларида учрайдиган бош келишикдаги отларнинг гапдаги энг муҳим функцияларини санаш билан чегараланамиз.

1. Бош келишикдаги от гапда ҳаракатнинг бажарувчиси — субъекти ёки ҳукм қарашли нарсаларни билдириб, гапда эга функциясида келади: *Бир кун Иброҳим зерикди бўш қолиб...* (Ах. ҳ. 16); *Ҳеч сабр-тоқатим қолмади энди* (Ян. с. 6).

2. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки унинг ҳиссиётини ифодалаб, гапда ундалма, махсус интонация олганида алоҳида гап бўлиб келади: *Бой: Фошохон, биз ўша яланг оёқдек бўлмадикми?* (БХ. 40). *Онажон, нима учун йиғлайсиз?* (Ян. с. 7). *Фалак! Золим! Ажал! Ота-онамдин айируб етим қилдинг!* (Ян. с. 6).

3. Бош келишикдаги тур тушунчасини ифодаловчи отлар жинс тушунчасини ифодаловчи отлар билан муносабатга киришганда жинснинг хусусиятини (белгисини) англатиб, гапда сифатловчи-ниқловчи функциясида келади. *Банорас, беқасам, атлас ўн олдик* (Бур. с. 16). *Фўлат крават ва стуллар қўйилгон* (Ист. қ. 2).

4. Составли от кесимларнинг биринчи компоненти бўлиб келади: *Мен устозлигини ҳурмат қилдим* (Бур. с. 35).

5. Бош ва қаратқич келишигида келган от ва ҳаракат номлари бирикмали ҳолда сарлавҳа конструкциясини ҳосил қилади: *Муҳаббат майдони* (Ист. қ. 2). *Олимжон бошлаб мактабга бормо-чи* (Ян. с. II).

6. Бош келишикдаги от *учун*, билан сингари кўмакчилар билан келиб, гапда ҳол ва тўлдирувчи функциясини бажара олади: *Хотинлар учун уч тўн тоза бархит ҳам олиб қўйдик* (Бур. с. 16). *Ёлгон сўзлар билан носаранжом қилди* (Қир. к)⁵. *Шин сўзлар билан пешоналарин силаб...* (Ян. с. 7).

ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ. Ҳамза асарлари тилида қаратқич келишигининг морфологик кўрсаткичи *-нинг*, баъзан *-им*, *-инг*, *-ин* нақлларида учрайди: *Қарғанинг боласи* (Бур. с. 5), *Ҳанифа*

⁵ Ҳамзанинг «Қироат китоби» дарслигида бетлари кўрсатилмаган. Биз ҳам бетларини кўрсатмадик.

х о л а н и н г т у г у н ч а с и (Бур. с. 5), *М а н и м к а н д и д а т и м* (Бур. с. 25), *с и з и н г м а з о р и н г и з* (Ян. с. 30), *к ў з и н қ о р а с и* (Ян. с. 28), *о л а м и н г х у р ш и д и* (Ян. с. 46), *б и з и м д и ё р л а р и м и з д е к* (Ян. с. 11).

Қаратқич келишиги аффиксининг қисқарган *-им* варианты фақат кишилиқ олмошларининг I шахс бирлик ва кўплиги билангина келган, шунингдек, бу келишикнинг қисқарган *-инг* вариантти ҳам эпизодик характерга эга. Қаратқич келишигининг бу қисқа формалари туркий тилларнинг ўғуз группасига хосдир⁶. Ҳамза асарлари тилида бундай формаларнинг учраши юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек адабий тилига ўғуз тилларининг таъсири билан изоҳланади. Қаратқич келишигининг традицион адабий тилда *-нунг*, *-нунг* формаларини Ҳамза асарлари тилида учрата олмадик. Бу ҳолат сингармонизм қонуниятининг Ҳамза асарлари тилида бутунлай издан чиққанлиги, адиб асарлари тилининг сингармонизмсиз миллий адабий тилга асос бўлган марказий шахар шеваларига, аниқроғи, Фарғона группа шахар шеваларига яқинлиги билан изоҳланади. Қаратқич келишигига хос характерли хусусиятлардан бири шундаки, Ҳамза асарлари тилида қаратқич келишигининг қисқарган, тушум келишига билан омонимия ҳосил қилган *-ни* формаси жуда кўп қўлланган: *О л и м ж о н н и о в о з и* (Ян. с. 33). *М е н и б е ч о р а л и г и м* (Ист. қ. 26). *М у а л л и м н и сўзлари* (Ян. с. 32). *А ж а л н и к о м и* (Ян. с. 20). Бу хусусият жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, унинг Фарғона группа шеваларига оид ассимиляцияга учраган *-ди* формаси ҳам персонажлар нутқида учраб туради: *У л а р с е н д а н б о й р о қ о д а м л а р д и қ и з и* (Заҳ. ҳ. 16).

Жонли сўзлашув тилига хос қаратқич келишигининг *-ни* формаси Ҳамза асарлари тилида кенг қўлланиши, биринчидан, миллий адабий тилимизнинг шаклланиш процессидаги ҳолат билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, драматург реализми билан боғлиқдир. Ҳамза ўз драмаларидаги образларнинг ҳаётий чиқишини таъминлаш учун ўз шеваларида сўзлатишга ҳаракат қилган. Қаратқич келишигининг белгили ва белгисиз қўлланиши, кўмакчилар билан келиш ҳолати ва гапдаги вазифалари ҳозирги замон адабий тилидаги қаратқич келишиги хусусиятларига асосан тўғри келади⁷. Қаратқич келишиги гапда от, олмош ва отлашган сўзларнинг от ва отлашган сўзлар билан синтактик муносабатини ифодаловчи келишик формаси бўлиб, Ҳамза асарларида қуйидагича маъноларни англатади:

1. Олмош ва отларга қўшилиб, нарса ёки предмет ифодаловчи отлар билан муносабатга киришганда қаратқич ифодалаган шахс ёки предметга тегишлиликни англатади: *К а м б ағ а л л а р н и н г*

⁶ Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 38-бет.

⁷ «Ўзбек тили грамматикаси», I-том, 206—222-бетлар; «Ҳозирги ўзбек тили», 317—319-бетлар.

дастархони (Бур. с. 25), Сизнинг остонангиз (Бур. с. 24), Мани биринчим (Ян. с. 16). Бойни жиҳозлари (БХ. 25).

2. Қаратқич келишигида келган от ва олмошлар предмет, ўрин-пайт ва миқдор ифодаловчи сўзлар қаралмиш функциясида келганда бутуннинг бўлагини ифодалайди: Уларининг биртаси (Бур. с. 25). Ёвузларнинг тирноқлари (Бур. с. 19), Жамият аъзоси (Ян. с. 3), Жигар пораси (Ян. с. 28).

3. От ва отлашган сўзларга қўшилиб, ўзлик олмоши ҳамда охири, тўғриси сўзлари қаралмиш вазифасида келганда ажратиш, чегаралаш маъноларини англатади: Ҳоким тўранинг ўзлари (Бур. с. 10). Ҳар нарсанинг ўзи (Бур. с. 23). Ишнинг охири (Бур. с. 241). Сўзнинг тўғриси (Бур. с. 241). 200 сўмнинг ўзи (Бур. с. 142).

4. Касб, лақаб, шахс отлари ва кишилиқ олмошларига қўшилиб, хотин, қиз бола, ўғил ва падар сингари сўзлар билан муносабатга киришганда қаралмишнинг қаратқичга қарашлилиги ифодаланди: Шокур аллофнинг хотунлари (Бур. с. 32), Қосибди қизи (Заҳ. ҳ. 16). Мусо қаллобнинг қизлари (Бур. с. 31). Гўдагининг падари (Бур. с. 37). Сени отанг (Ян. с. 34).

5. Кишилиқ олмошлари, от ва отлашган сифатларга қўшилиб, отлашган сифатлар билан муносабатга киришганда қаралмишда ифодаланган белги-хусусиятларнинг қаратқичга алоқасини ифодалайди: Мени бечоралигим (Ист. қ. 26). Офтобнинг иссиғи (Бур. с. 23). Янгининг нодонлиги (Бур. с. 51).

6. Қаратқич келишигидаги шахс отлари ва олмошлар эгалиқ аффиксини олиб сифатдошлар билан муносабатга киришганда қаралмишда ифодаланган ҳаракатнинг қаратқичга муносабатини, алоқадорлигини ифодалайди. Қаралмиш гарчи сифатдош формасида бўлса ҳам, ҳаракат номларига синонимик ҳолатда бўлади: Олимжоннинг имтиҳон бергани (бермоғи) (Ян. с. 32). Камбағалнинг яқсон бўлғони (Бур. 32). Абдулқаҳҳорнинг бўлмагани (Ян. с. 32). Мени қизиққоним (Бур. с. 34). Бу хусусият жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, Ҳамза асарлари тилида учраб турадиган ҳолдир.

7. Шахс отлари ва кишилиқ олмошларига қўшилиб, пайт ҳамда макон ифодаловчи сўзлар қаралмиш функциясида келганда қаралмишда ифодаланган пайт ва маконга қаратқичнинг муносабатини ифодалайди: Маълум ҳазратларининг йўқ кунлари (Ян. с. 33). Мени яқинимга келма (Бур. с. 24). Унинг ёшлиғи (Бур. с. 24).

8. От ва олмошларга қўшилиб, ҳаракат номлари билан муносабатга киришганда қаралмишда ифодаланган ҳаракатнинг қаратқичга алоқасини ифодалайди: Давлатининг қўлга келмаги (Ян. с. 11). Ўзингизнинг қутулишингиз (Бур. с. 39).

9. Шахс отлари ва кишилиқ олмошларига қўшилиб, иқбол, имон, ҳийла, бахт, шарофат, номус, ғам, обрў, умид сингари абстракт отлар қаралмиш бўлиб келганда шу қаралмишда ифодаланган ҳолат ва хусусиятларнинг қаратқичга ҳослигини ифодалайди: кундошлиқни ғами (Бур. с. 30), бизни умидимиз (Ист. қ.

87), Мингбошининг обрўйи (Бур. с. 7). Расулнинг ҳурмати (Бур. с. 39). Қўрбошининг ҳийласи (Ист. қ. 82). Унинг номуси (Бур. с. 19). Қизларнинг бахти (Бур. с. 22). Эллиқбошининг иқболи (Бур. с. 33). Сизнинг шарофатингиз (Бур. с. 24).

10. Нарса ва шахс отларига қўшилиб, тўй, имтиҳон, тарбия, давр сингари процесс ифодаловчи отлар билан муносабатга киришганда, қаралмишда ифодаланган процесснинг қаратқичга алоқадорлигини ифодалайди: *Болангизнинг тўйи* (Бур. с. 40). *Имтиҳон мажлиси* (Ян. с. 24). *Марямнинг тарбияси* (Ян. с. 16). *Дарднинг давоси* (Ян. с. 28). *Чўзманинг ўлиши* (Бур. с. 36).

II. Қаратқич аффиксини олган олмошлар қаралмишсиз келиб, *каби*, *учун* кўмакчилар билан муносабатга киришганда гапда қиёслаш, ўхшатиш, мақсад ва сабаб маъноларини ифодалайди: *сенинг каби* (Ян. с. 17), *ўшанинг учун* (Бур. с. 16).

ТУШУМ КЕЛИШИГИ. Ҳамза асарлари тилида асосан тушум келишигининг *-ни*, III шахс эгалик аффиксларини олган от ва отлашган сўзлардан сўнг *-н* формалари қўлланган: *Қизини сотадиган ота...* (Ист. қ. 66). *Бошингизни кўтаринг* (Ист. қ. 66). *Қўлуни қовуштуруиб...* (Ян. с. 18).

Адибнинг дарслик ва драматик асарлари тилида тушум келишигининг диалектал, ассимиляцияга учраган *-ди*, шунингдек, эгалик аффиксларини олган сўзларга қўшилиувчи қисқа *-и* вариантлари ҳам баъзан қўлланган: *Тақсир! Кўп гапди чўзманг* (Ист. қ. 33). *Энди ўғлимининг хурсанд қилайлик* (Заҳ. ҳ. 5). *Бизни маҳбус, қўлимининг боғлу, кўзни кўр қилган* (ОГ, 81).

Тушум ва қаратқич келишларининг *-ди* формаси Фарғона тип шаҳар шеваларига хос хусусиятдир⁸. Бу форманинг Ҳамза драмалари персонажлари тилида қўлланиши адабий тилга жонли сўзлашув тилининг таъсири ҳамда персонажлар нутқининг индивидуаллаштирилиши билан боғлиқ. Тушум келишиги формасининг эгалик аффиксларини олган отлардан сўнг *-и* шаклида учраши ўғиз тиллари ва шеваларига хос хусусият ҳисобланади⁹. Бу форманинг ҳам Ҳамза асарлари тилида қўлланиши жонли сўзлашув тилининг таъсири билан изоҳланиши лозим. Бизнинг фикримизча, тушум келишиги формасининг *-и* тарзида қўлланиши ассимиляцияга учраган *-ни* аффиксининг *захримми*, *қўлимиззи* сингари сўз формаларидаги бир «м», «з» ундошларининг тушишидан ҳосил бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас: *Заҳримни > захримми > захрими; қўлимизни > қўлимиззи > қўлимизи*.

Тушум келишиги аффиксининг эгалик аффиксларидан кейин *-и* тарзида қўлланиши Муқимий, Фурқат асарлари тилида ҳам тез-тез учраб туради¹⁰. Тушум келишигининг белгили ва белгисиз

⁸ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида умумий маълумот. Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971, 401-бет.

⁹ Абдуллаев Ф. Хоразм шеваларининг таснифи масалалари. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. II китоб. Тошкент, 1961, 68-бет.

¹⁰ Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 42-бет.

қўлланишидаги хусусиятлари эски ўзбек тилидан асосан фарқланмайди¹¹. Ҳамза асарлари тилида қўлланган тушум келишигининг хусусиятларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Тушум келишигидаги от, олмош ва отлашган сўзлар асосан ҳаракат ифодаловчи ўтимли феъллар билан муносабатга киришиб, ҳаракатни ўз устига олган объектни кўрсатади ва гапда воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади: *Олимжонни олуб келурман* (Ян. с. 29). *Дўст-душманни ажратуб...* (Ян. с. 43). *Тўнни бир тарафга қўйуб...* (Заҳ. ҳ. 30). *Эшон соқолини бураб...* (Заҳ. ҳ. 19). *Ориқларини семизи ошаб...* (ОГ. 6). *Оёқ-қўлини бойладилар* (Ўқ. к. 33).

2. Тушум келишигини олган отлар демоқ, сўзламоқ ва гапирмоқ сингари нутқ феъллари билан муносабатга киришганда, шу феъллар ифодалаган процесс объектини ифодалайди: *Бўладиган гапни гафурушайлик* (Ист. қ. 33). *Илмсиз қолган кишиларни жоҳил дейилур* (Қир. к.). *Сўзлама ёлғонни гар келса қилич* (Ен. ад. 21).

3. Тушум келишигидаги отлар ёритмоқ, кўрсатмоқ, эшитмоқ, алдамоқ, унутмоқ, хурсанд қилмоқ, хафа қилмоқ сингари ҳолат ифодаловчи ўтимли феъллар билан муносабатга киришганда ҳам шу ҳолатларнинг объектларини ифодалайди: *Юзимизни ёруғ қилувчи...* (Ян. с. 26). *Онасини кўрган Олимжон...* (Ян. с. 18). *Бойни кўрсатиб* (БХ, 33). *Мансани кўп яхши кўраман...* (БХ, 22). *Хотунни алдаш осон бўлади* (БХ, 38). *Энди ўғлимизни хурсанд қилайлик...* (Заҳ. ҳ. 58). *Бу яхшилигинингизни асло унутмайман* (БХ, 19). *Мени хафа қилманглар* (Ян. с. 29). *Мени унутма* (Заҳ. ҳ. 29). *Фақирлик таънасини эшитуб...* (Ян. с. 13).

4. Тушум келишигидаги отлар ўтимли, ўтимсиз характерга эга бўлган қўшма феъллар билан муносабатга киришиб, *ҳақида*, *хусусида*, *тўғрисида* кўмакчилари англатган маъноларни ҳам англатиши мумкин: *Ҳозир келувларини (келиши ҳақида) ҳам хабар қилди* (Ян. с. 29). *Бир бечора косибди қизини олиб бераман, халқ мени (мен ҳақимда) нима дейди?* (Заҳ. ҳ. 4—5).

5. Тушум келишигида келган отлар баъзан *минмоқ*, *тўй қилмоқ* сингари феъл формалари билан муносабатга киришиб, жўналиш келишиги англатган маъноларни англатиб, гапда воситали тўлдирувчи бўлиб ҳам келади: *Мана, ўзини тўй қилганимга ўн, ўн беш йил бўлуб қолди* (Заҳ. ҳ. 4). *Тошбақани минди чаён ётқизиб..* (ТЧ. I. 110). *Илмсиз қолган кишиларни (га) нодон дейилур* (Қир. к.).

6. Тушум келишигини олган олмош ва отлар *деб* равишдоши билан бирикиб, улар билан муносабатга киришган феълларни хусусиятига кўра сабаб ёки мақсад маъноларини англатади: *Ўзингизни мени деб ғамга солманг, жоним!* (Заҳ. ҳ. 29).

¹¹ Ўша асар, 43—45-бетлар.

ЖЎНАЛИШ КЕЛИШИГИ. Ҳамза асарлари тилида жўналиш келишиги аффикслари от ва отлашган сўзларга *-га (-ка-қа-ға), -а, -на* формаларида қўшилган: *кўзимга* (Бур. с. 16), *ҳукуматга* (Бур. с. 91), *қишлоққа* (Бур. с. 17), *қазноққа* (Бур. с. 16), *хотинга* (Бур. с. 32), *қулоғимга* (Ян. с. 31), *чиқмоққа* (Ян. с. 16), *ҳозирламоққа* (Ян. с. 18), *кўзима* (СГ, 12), *миллат йўлини* (ОГ, 4).

Жўналиш келишигининг ўғиз тилларига хос *-а, -на* формаларининг Ҳамза асарлари тилида учраши юқоридаги қисмда таъкидлаганимиздек, биринчидан, традицион адабий тилнинг таъсири билан изоҳланса, иккинчидан, давр тилининг хусусиятларига боғлиқдир.

*Мен келтирсам ўзга фикр
Ухламасдан ўз и м а... (СГ. 12).*

Жўналиш келишиги формаларининг қандай ундошлар билан тугаган ўзак негизларга қўшилишида бир хиллилик мавжуд эмас. Ҳатто бир негизга келишик кўрсаткичининг бир неча вариантларини қўшилиш ҳолатлари ҳам учраб туради: *мактабга* (Ян. с. 16), *мактабга* (Ян.с. 18).

Жўналиш келишигининг бу турли формаларидан *-га* формаси бошқа формаларга нисбатан кўп қўлланганлиги билан характерланади. «Бурунги сайловлар» драмасида учрайдиган жўналиш келишиги кўрсаткичининг *-га* формаси қўлланиш частотасига кўра процентни ташкил қилади, қолган формалар 14 процентни ташкил қилган. Жўналиш келишиги аффиксларининг Ҳамза асарлари тилида бундай турли вариантлилиги ва аралаш қўлланиши бошқа грамматик формаларда бўлганидек, жонли сўзлашув тили хусусиятларини адабий тилга таъсири, аниқроғи, миллий адабий тилнинг шаклланиш процессидаги ҳолат билан изоҳланади. Жўналиш келишиги кўрсаткичлари исм туркумига хос ҳамда отлашган сўзлар билан келиб, англатган маънолари ва гапдаги функциялари жиҳатидан традицион эски ўзбек тили ва ҳозирги замон ўзбек тилидан асосан фарқланмайди¹².

Ҳамза асарлари тилида жўналиш келишигининг англатган маънолари ва гапдаги вазифалари қуйидагича:

1. Жўналиш келишигининг кўрсаткичи қариндош-уруғ, шахс отлари ва кишилик олмошларига қўшилиб, *бермоқ, топширмоқ, келтирмоқ, сўзламоқ, айтмоқ* сингари ҳаракат ва нутқ феъллари билан муносабатга киришганда ҳаракат ёки нутқ қаратилган объектни ифодалайди ва гапда воситали тўлдирувчи функциясида келади: *200 сўм олиб Ҳасан акага топшир* (Бур. с. 16). *Бойлар, оқ соқолларга берган тўн...* (Бур. с. 3). *Марям воқеа-*

¹² Шербак А. М. Грамматика староузбекского языка. М.—Л., 1962, с. 105—107. Кадров М. Функционирование падежных форм в прозе А. Навои. АКД. Ташкент, 1977, с. 15—18; «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, 238—241-бетлар.

ларни *Ризвонга сўйлаб, хотиржам қилди* (Ян. с. 17) *Илмсизлиқ би за охир кетурди бунча савдолар* (ПТ, 10).

2. *Ўрин-жой, маросим номларини ифодаловчи мактаб, банка, тўй сингари отларга қўшилиб, кетмоқ, келмоқ, чиқмоқ, бормоқ* сингари ҳаракат феъллари ҳамда қилмоқ кўмакчи феъли иштирок этган қўшма феъллар билан муносабатга киришганда ҳаракат-ҳолатнинг йўналиш ўринини билдиради ва гапда ўрин ҳоли функциясида келади: *Эртадан бошлаб бирга мактабга борамиз* (Ян. с. 16). *Мазлум миллатларни ёруғ дунёга чиқару...* (Ист. қ. 92). *Унгача ман банкага бориб келай* (Бур. с. 16). *Биз тўйга кетган эдик* (Бур. с. 33).

3. *Шахс, предмет, ўйин отлариға қўшилиб, кўтартирмоқ, тўлдирмоқ, мубтало бўлмоқ* сингари феъллар билан муносабатга киришганда восита, объект маъносини ифодалайди ва гапда тўлдирувчи бўлиб келади: *Дастурхонни бирин Ризвонга ва бирин Аҳмаджонга кўтартириб мактабга жўнатди* (Ян. с. 18). *Қўл узатманг тиллага тўлдирмасдан сандуқча дейдилар* (Бур. с. 32). *Тез замон бўлди қиморга мубтало...* (ҚБ. I. 98).

4. *Йил, ой, ёш сингари сўзларга қўшилиб бормоқ, кирмоқ, ҳукм қилмоқ* сингари феъл формалари билан муносабатга киришганда пайт чегарасини ифодалайди ва гапда пайт ҳоли функциясида келади: *Неча ёшга бордилар?* (Ист. қ. 25). *Бир ойга ҳукм қилиб қўйдим* (Бур. с. 33).

5. *Ташвиш, қулоқ, ўсал, бош сингари от ва сифатларга қўшилиб, қўймоқ, кирмоқ, ўхшамоқ, етмоқ кўмакчи феъллари билан муносабатга киришганда турғун бирикма ҳосил қилади ва турли экспрессив маъноларни ифодалайди, гапда бирикмали кесим бўлиб келади: Бечораларни ташвишга қўймоққа... виждонлари қабул қилмади* (Ян. с. 31). *Сендан бошқани сўзи қулоғимга кирмайди* (Ян. с. 31). *Холмат ака, холам ўсалроққа ўхшайдилар* (Бур. с. 16). *Газит ўқиши бошига етди* (Бур. с. 16).

6. *Бекор, арзон, қиймат сингари сифатларга қўшилиб, бермоқ, олмоқ феъллари билан муносабатга киришганда эвазига маъносини ифодалади, гапда даража-миқдор ҳоли функциясини бажаради: Бекорга бердим деганини иқрор қилдируб...* (Бур. с. 33). *Арзонроққа бериб қолса* (Бур. с. 33).

7. *-моқ, -ур* аффикслари билан ясалган сифатдош ва ҳаракат номларига қўшилиб, ҳаракат феъллари ва от кесим вазифасида келган сўзлар билан муносабатга киришганда мақсад маъноси ифодаланади, гапда воситасиз тўлдирувчи ёки мақсад ҳоли бўлиб келади: *Чой ҳозирламоққа тутунган эди* (Ян. с. 18). *Курашурга қурол керак...* (БИ, I, 160).

8. *Миқдор сонларига қўшилиб (сондан кейин келган ёш сўзи тушиб сон отлашганда), бормоқ, етмоқ, оёқ босмоқ* сингари феъллар билан алоқага киришганда ёшнинг чегарасини ифодалайди ва гапда даража-миқдор ҳоли бўлиб келади: *Ўн икки, ўн учга борганда ўшал...* (ҚБ, I, 98).

9. *Уйқу, сўз* сингари абстракт отларга қўшилганда *давом қилмоқ, кирмоқ* сингари феъллар билан муносабатга киришиб, отди ифодаланган ҳолатга ўтиш маъносини ифодалайди, гапда от қўшма кесимларнинг асосий компоненти бўлиб келади: *Ўтирмасдан сўзга кирди* (Ист. қ. 95). *Уйқуга давом қилдилар* (Ян. с. 28) Иккинчи мисолдаги *-га* қўшимчаси ўрин-пайт келишигининг кўрсаткичи *-да* ўрнида қўлланган.

10. Отларга қўшилиб, *қарши* сўзи билан муносабатга киришганда *қарши* сўзи ифодалаган белгига алоқадор объектни билдириб гапда тўлдирувчи бўлиб келади *Газит ўқийдигонлар ҳукуматга қарши кишилар дер эдилар* (Бур. с. 32).

11. Эгалик аффиксини олган *йўл, куй* сингари отларга қўшилиб, *сарф этмоқ, таратмоқ* сингари ҳолат феъллари билан алоқага киришганда мақсад маъноси ифодаланиб, гапда мақсад ҳоли бўлиб келади: *Сарф этайлик боримиз миллат йўлини...* (ОГ, 4). *Таратайлик фикримиз урфон куйини* (ОГ, 4).

12. Эгалик аффиксларини олган сифатдошга қўшилиб, сабаб маъносини англатади ва гапда сабаб ҳоли вазифасида келади: *Фақирликдан малим ҳазратларини туҳфасиз кузатганига маъюсланиб...* (Ян. с. 31).

13. Баъзан атоқли отларга тушум келишигининг қўшилишидан ҳам ҳаракат қаратилган, жўналган субъект ифодаланади, яъни тушум келишиги жўналиш келишиги функциясини бажаради: *Маълум ҳазратлари келдилар деб Марямга хабар қилди* (Ян. с. 30).

14. Ҳамзанинг шеърӣ асарларида баъзан жўналиш келишигининг, традицион адабий тилда учраганидек¹³, белгисиз формаси ҳам учрайди. Бу ҳол вазн талабига кўра содир бўлганлиги шубҳасиздир:

Мактаб анжуман борғил... (ЎХҚ, I, 197).

15. *Пул, олтин, мукофот* сингари сўзларга қўшилганда эваз, кишилик олмошларига қўшилганда объект, пайт билдирувчи сўзларга қўшилганда вақт маъноларини ифодалаб, уларни бошқариб келган сўзларнинг (асосан феълларнинг) хусусиятларига кўра гапда тўлдирувчи ва ҳол вазифаларини бажариб келган: *Эртага сайловдан кейин дафн қиламиз* (Бур. с. 16). *Шулар одамга ҳама вақт керак* (Бур. с. 33). *Мингбошилиқнинг ҳар бир соққаси бир камбағалнинг бир ойлиқ овқат пулига тушкан* (Бур. с. 3).

ЧИҚИШ КЕЛИШИГИ. Ҳамза асарлари тилида чиқиш келишигининг аффикслари *-дан, -дин* формаларига эга бўлиб, уларнинг англатган маънолари, қандай от ва отлашган сўзларга қўшилиши, гапда бажарган функцияси жиҳатидан ҳозирги ва эски

¹³ Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 1973, 48-бет.

ўзбек тилидан асосан фарқланмайди¹⁴: *умрингдан* (Ист. қ. 94), *тўндан* (Ист. қ. 4), *оёғимдан* (Бур. с. 3), *ақлдан* (Ян. с. 29), *сендин* (Ян. с. 31).

Шуни айтиш керакки, XX аср бошларида яратилган ёдгорликлар тилида, айниқса, Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарлари тилида эски ўзбек тилида кам қўлланган *-дан* формасининг қўлланиш частотаси интенсивлаша бориб, адабий норма даражасига кўтарила борган. Бу ҳол жонли сўзлашув тилига хос формаларнинг адабий тилга таъсири билан изоҳланиши шубҳасиздир. Ҳамза асарлари тилида учрайдиган чиқиш келишигида келган от ва отлашган сўзлар асосан феъл билан, баъзан бошқа туркумдаги сўзлар билан муносабатга киришиб қуйидагича маъно англатиш ва гапда функция бажариш хусусиятларига эга:

1. Амал, мансаб ифодаловчи отларга қўшилиб, *тушмоқ*, *чиқмоқ*, *бўшмоқ* феъллари билан муносабатга киришганда ўзи қўшилган отда ифодаланган мансаб ва амалдан айрилиш, узоқлашиш маъносини англатади, гапда воситали тўлдирувчи функциясини бажаради: *Шу минг бошиликдан тушса, бутун ишларим ўлади* (Бур. с. 7).

2. Ўрин отларига қўшилганда ҳаракат феъллари билан муносабатга киришиб, ҳаракатнинг бошланиш ўрнини ифодалайди ва гапда ўрин ҳоли бўлиб келади. *Ўзум уйдан бемаҳал чиқдим, кечаси келдим* (Заҳ. ҳ. 32). *Дунёдан мен ёш кетдим* (Заҳ. ҳ. 29).

3. Конкрет ва абстракт отларга қўшилиб, *кийгизмоқ*, *бўламоқ* феъл формалари ҳамда нумератив сўзлар билан келган сонлар билан муносабатга киришганда тўдадан бўлакни ёки бутуннинг қисmini англатади ва гапда тўлдирувчи, пайт ҳоли бўлиб келади: *Тозароқ жомаворлардан кийгизса* (Бурс. с. 12). *Умрингдан бир минут қолди* (Ист. қ. 94).

4. Кишилик олмошлари равиш ва отларга қўшилганда, белги билдирувчи сўзлар билан муносабатга киришиб, қиёслаш, чоғиштириш маъноларини ифодалайди ва гапда тўлдирувчи бўлиб келади: *Улар сендан бойроқ одамларди қизи* (Заҳ. ҳ. 16). *Бу ойнадан ҳам равшандир* (Бур. с. 12).

5. Бўйин, юз, қўл сингари отларга эгалик аффиксларидан сўнг қўшилиб, ўтимли феъллар билан муносабатга киришганда, тушум келишигига синоним бўлиб келиб, ҳаракат-ҳолат, ўтган ёки содир бўлаётган объектни ифодалайди, гапда тўлдирувчи ва ҳол бўлиб келади: *Бўйнидан тортуб қучоқлаб, юзидан ўпиб...* (Заҳ. ҳ. 29). *Марям мўйлабларин (-дан) силаб йиғлар* (Заҳ. ҳ. 12). *Қўлидан ушлаб киритар* (БХ, 40).

6. Ҳад сўзига қўшилиб, сифат ва равишлар билан муносабатга киришганда орттирма даража ҳосил қилади: *Ёзмакка ҳад-*

¹⁴ Шербак А. М. Грамматика строузбекского языка. М.—Л., 1962, с. 107—109. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 54—59-бетлар; «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, Тошкент, 1975, 230—237-бетлар.

дан узун сўзларим бўлса ҳам мақсадгагина қалам юритдим (Заҳ. ҳ. 8). *Гилос ҳададан ошиқиб...* (I, 115).

7. Нарса-предмет, киши аъзолари отларига қўшилиб ҳаракат ва нутқ феъллари билан муносабатга киришганда, ҳаракатни юзага чиқарувчи восита, ҳаракат манбасини англатиб, гапда тўлдирувчи ёки ҳол бўлиб келади: *Чойнакдан сув ичар, юрагини ушлар...* (БХ, 46). *Пирматнинг оғзидан бир-икки ёмон гап чиққан эди* (Бур. с. 33).

8. Эгалик аффиксларини олган *ўрин, жой* сўзига қўшилиб, турмоқ феъли билан муносабатга киришганда, вертикал ҳаракатнинг бошланиш ўрнини ифодалаб, гапда ўрин ҳоли бўлиб келади: *Ўрнидан туриб Дуринисоға яқинлашар* (Бур. с. 39).

9. *Тез, бир* сўзлари таркибида ажралмас бутунлик ҳосил қилиб, ҳаракат-ҳолатнинг маълум қисқа муддатда, қутилмаганда юз беришини ифодалайди, гапда равиш ҳоли вазифасини бажаради: *Суйганларим ташлаб бирдан фуқатга* (ПГ, 6). *Афандим, энди тездан иждиҳод этингиз* (Заҳ. ҳ. 8).

10. *Ён, юз* сўзларига эгалик аффиксларидан сўнг қўшилиб, ҳаракат-ҳолат феъллари билан муносабатга киришганда, ҳаракатнинг содир бўлиш ўрни, сатҳини англатиб, гапда ўрин ҳоли бўлиб келади: *Ўёнингдан ўтаман, бу ёнингдан ўтаман* (Ян. с. 8). *Сизларни бу кун дунё юзиндан маҳв этар* (Ист. қ. 92).

11. Кишилик олмошларига қўшилиб нутқ, ҳаракат, ҳолат феъллари билан муносабатга киришганда, нутқ, ҳаракат, ҳолат объектинин ифодалаб, гапда тўлдирувчи бўлиб келади: *Сендан сўраганда ўпдилар дегил* (Бур. с. 29). *Мендан амин ўлунгизки, бу кундан бошлаб ҳаракатда бўлурман* (Заҳ. ҳ. 12).

12. Отлашган сифат абстракт ва нарса отларига қўшилиб, ҳаракат, ҳолат феъллари билан муносабатга кирганда сабаб маъносини англатади ва гапда ҳол, тўлдирувчи, от кесим бўлиб келади: *Ёмон расмни кўрсам, аччиғимдан тек турам* (ҚГ, 4). *Оёғимдан ер юзи, қамчинимдан ҳама жониворларнинг изи титрайдир* (Бур. с. 3).

Ишқ ўтига куймоқлик парвоналиғимдандир,

Тиғ остида қон кечмоқ қурбонлиғимдандир

(1. 123).

13. Эгалик аффиксларини олган предмет ва жой номларига қўшилиб, *бошқа, иборат* сўзлари билан муносабатга киришганда, ажратиб кўрсатиш (чегаралаш) маъноларини англатади ва гапда тўлдирувчи бўлиб келади: *Камзул, кўйлак, балдоғидан бошқасини сотуб сарф қилган бечора Марям* (Ян. с.17). *Қабристоннинг бир бурчи бўлиб Марямхоннинг қабридангина иборатдир* (Заҳ. ҳ. 29).

14. *Янги, яна* сўзларига қўшилиб, ҳаракат номи ва ҳаракат феъллари билан алоқага киришганда, такрор маъносини англатиб, гапда равиш ҳоли бўлиб келади: *Тағин янгидан сайлов*

бўладир деб ўйлайсизми? (Бур. с. 23). Бизга бу кунлар яна дин келурму? (У, 1, 166).

15. Ёлғон сифатига қўшилиб, равиш ҳосил қилади ва гапда равиш ҳоли бўлиб келади: *Ёлғондан этиб неча вафолар* (1, 78).

16. Сифат ва турли хил отларга қўшилиб ва -гача аффиксларини олган сифат, отлар билан муносабатга киришганда пайт ва объектнинг бошланиш чегарасини ифодалайди, гапда тўлдирувчи ва ҳол бўлиб келади: *Каттадан кичик, бойдан камбағалгача мени кўрса ўрнидан туради-ю! (Заҳ. ҳ. 16). Бошимдан оёғимга, кипригимдан тирноғимгача ишқ* (Бур. с. 29).

17. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи ўлим, муддао ва чангал, тирноқ сингари конкрет отларга қўшилиб, қолмоқ, озод бўлмоқ, умид узмоқ феъл формалари билан алоқага киришганда ажралиш, жудо бўлиш, узоқлашиш маънолари ифодаланadi, гапда тўлдирувчи бўлиб келади: *Шул вақтда ўлимдан қолуб, ҳукуматнинг энг яқин кишиларидан бўлурсан* (Ист. қ. 91). *Ёвузларнинг темир тирноқларидан озод бўлалар ҳам* (Бур. с. 19).

18. Кишилиқ олмошлари, отларга қўшилиб, сабаб маъносини, шунингдек ботмоқ феъли билан муносабатга кирган сўзга қўшилганда вертикал ҳаракат чегарасини ифодалаб, -гача аффикси англатган маънони ифодалайди, гапда тўлдирувчи ва ҳол вазифаларида келади:

Ношукурлик бизлардан...

Қорға ботдик тизлардан (ПГ, 6).

19. Равишдошнинг бўлишсиз формаси -мас аффиксидан кейин, шунингдек, жой номларига қўшилиб, равиш ва ўрин ҳоли бўлиб келади, эгалик аффиксини олган ҳақи сўзига қўшилиб сабаб маъноси англатади ва гапда сабаб ҳоли бўлиб келади: *Рўдапо қорувулдан ўлмасдан қутулишингми? (Бур. с. 29). Осмондан бургутни ҳам оламиз (Бур. с. 38). Марям, миллат ҳақидан унутманг* (Заҳ. ҳ. 12).

20. Материал номларига қўшилиб, кийим ифодаловчи отлар билан алоқага киришганда, кийимнинг материал белгисини англатиб, гапда аниқловчи бўлиб келади: *Ҳасанга кимхобдан, Нурматга атласдан тўн кийгиза туриб* (Бур. с. 8).

УРИН-ПАЙТ КЕЛИШИГИ. Ҳамза асарлари тилида ўрин-пайт келишигининг морфологик белгиси асосан -да шаклида учрайди: *мактабда* (Заҳ. ҳ. 2), *Туркистонда* (Заҳ. ҳ. 9), *домуллода* (Бур. с. 10), *қишлоқда* (Бур. с. 22).

Традицион адабий тилда учрайдиган ўрин-пайт келишигининг -та формасини Ҳамза асарлари тилида учратмадик. Бу ҳол адиб асарлари тилининг ҳозирги замон адабий тилига яқинлиги билан изоҳланади.

Чиқиш ва жўналиш келишиклари ҳаракат билан боғлиқ бўлган динамик ҳолатни ифодаласа, ўрин-пайт келишиги ҳаракатсиз

статик ҳолатни ифодалайди¹⁵. Ҳамза асарлар тилида қўлланган ўрин-пайт келишиги ўзи қўшилган от ёки отланган сўзнинг (ўзак-негизнинг) ва келишик кўрсаткичи воситаси шу сўз билан муносабатга киришган сўзнинг хусусиятларигага турли хил маъноларни англатиш ҳамда гапдаги вазифалар жиҳатидан ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги ўрин-пайт келишигидан асосан фарқланмайди¹⁶. Ҳамза асарлари тилида ўрин-пайт келишигида келган отларнинг англатган маънолари ва гапдаги вазифалари қуйидагича:

1. Ўрин-жой маъноларини ифодаловчи оғзага қўшилиб ҳаракат ёки ҳолатнинг содир бўлиш ўрнини билдиради ва гапда ўрин ҳоли бўлиб келади: *Отамни Тошкентда* (ҳабарин олганман (Ян. с. 37). *Қишлоқда ўйналса, ҳар томонда кўрпача ва ёстўқлар солинар* (Бур. с. 22).

2. Шахс, амал, унвон англатувчи ва *илм* фикр сингари абстракт ҳамда нарсалар отларига, шунингдек, *кишилик* ва *ўзлик* оломошларига қўшилганда, белги, хусусият ёки ҳолат содир (мавжуд) бўлган объектни билдиради ва гапда воситали тўлдирувчи бўлиб келади: *Олимжонда бор фикр, илм...* (Я. с. 38). *Домлода ўзгариш* (Бур. с. 10). *Учта қути қўйилгандан кейин соққада барака қоладурму?* (Бур. с. 11). *Мамакада, фикрда, илмда... энг биринчи бўлиб турган Марямномим...* (Заҳ. ҳ. 7).

3. Пайт тушунчасига алоқадор *-чилик*, *-лик* ясовчи аффикслари билан ясалган *қимматчилик*, *кичиклик* сингари абстракт отларга қўшилганда пайт маъносини ифодалаб, гапда пайт ҳоли вазифасида келади: *Бундай қийматчиликда қўрбоши жаноблари ҳам ёрдам қилур эрдилар* (Ист. қ. 32). *Кичикликда мактабда бир ўқуб катта бўлган* (Ист. қ. 36).

4. *-лик* аффикси ёрдамида ясалган *масрумлик*, *мустарлик* каби абстракт отларга қўшилиб, шу отларда ифодаланган ҳолатни ифодалайди ва гапда равиш ҳоли бўлиб келади: *Ҳақиқий руҳдан маҳрумликда қолуб...* (Ян. с. 36). *Қовли ўртасида ҳайрон ва мустарликда қолди* (Ян. с. 15).

5. *Ниҳоят* сўзига қўшилганда равиш ва феъллар билан алоқага киришиб, ҳаракат белгисининг ортиқчилигини ифодалайди ва гапда миқдор-даража ҳоли вазифасида келади: *Отаси ниҳоятда қийналган эмиш* (Ист. қ. 80). *Ниҳоятда ғизаб била: «Ман сан билан масала талашгани олганим йўқ».* (Заҳ. ҳ. 18).

6. Ўтган замон сифатдошларининг бўлишлари ва бўлишсиз формаларига қўшилиб, шарт ва тўсиқлик маъносини ифодалайди ва гапда шарт ҳамда тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Кишиларнинг қўлидан иш келмаганда ҳам... андиша қиламиз* (Бур. с. 23).

7. Жўналиш, бош ва тушум келишикларидagi отлардан кейин келган ўтган замон сифатдошларига қўшилиб, ҳаракат ва ҳолат-

¹⁵ Дмитриев Н. К. Строй тюркских языков. М., 1962, с. 154.

¹⁶ «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, 1975, 242—248-бетлар.

нинг бажарилиш пайтини англатади ва гапда ўзи билан муносабатга киришган сўзлар билан биргаликда бирикмали пайт ҳоли бўлиб келади: *Бир тоғни тағига борганда кўздан ғойиб бўлди* (Қир. к.) *Рухсат сўраганда Марям ихтиёрини Олимжоннинг ўзига қўйди* (Ян. с. 36).

8. Миқдор сонлардан кейин келган отларга қўшилиб, ёшнинг (вақтининг) аниқ миқдорини, шунингдек, *бахт*, *иқбол*, *тўғри сўзлик* сингари отларга қўшилиб, сабаб маъносини англатади ва гапда от кесим бўлиб келади: *Мирзаҳамдамбой — 55 ёшда* (Заҳ. ҳ. 2). *Шарофат тўғри сўзликда дур* (Қир. к.). *Бу шум бахтимда айб! Иқболимда!* (Заҳ. ҳ. 19).

9. Сифат ва сонлар билан муносабатга кирган *даража* сўзига қўшилиб, белгининг чегара маъносини ифодалайди ва гапда ўзи муносабатга кирган сўз билан биргаликда *даража-миқдор* ҳоли бўлиб келади: *Ортуқ даражаларда меҳр-шафқатлар кўргазуб...* (Ян. с. 5). *Ўғлимизни ўн даража ҳурмат ва иззат қиласизлар!* (Ян. с. 14).

10. Пайт маъносини ифодаловчи от ва равишлар билан келиб пайт маъносини билдиради ва гапда пайт ҳоли бўлиб келади: *Бу орада Марямхоним келуб, эшикни қия қилуб қараб турар* (Заҳ. ҳ. 7). *Ҳозирда жоним қисқа, шундоқ бетавфиқ қўлидан халос топсам* (Заҳ. ҳ. 14). *Бир замонда Миср вилоятида Носир исми бир савдогар бор эди* (Қир. к.).

11. *Роҳат*, *фароғат*, *лаззат*, *зулмат* ва *мусибат* сўзларига қўшилиб, *яшамоқ* сўзи билан муносабатга киришганда, *яшаш тарзи* маъноларини ифодалайди, гапда равиш ҳоли бўлиб келади, шунингдек, келишик кўрсаткичи *хижил* сўзига қўшилиб, *психик ҳолатни* ифодалайди ва гапда равиш ҳоли бўлиб келади: *Роҳат ва фароғатда, лаззатда яшаган* (Ян. с. 43). *Олимжоннинг бу қонли кўзларин мусибатда кўрган Марям...* (Ян. с. 8). *Хижилда қолган киши* (Қир. к.).

12. Қаратқич келишигидаги от ва ҳаракат номлари билан муносабатга киришиб, эгалик аффиксларини олган *куй*, *ишқ* ва *орзу* сўзларига қўшилиб, сабаб ва мақсад маъноларини англатади ва гапда сабаб ёки мақсад ҳоли бўлиб келади: *Ўқув ишқида...* (Ян. с. 18). *Ердан ва мурувватларини онаси Ҳатичага билдирмоқ орзусида Олимжон...* (Ян. с. 15). *Одамларимиз тўғрининг кўйида...* (1. 119). *Сенинг кўйингда йиғлаб юраман* («Дуэт», 1, 179).

13. *Юк*, *шамшир*, *бойлик* сингари отларга қўшилганда, восита маъноси ифодаланади ва гапда воситали тўлдирувчи бўлиб келади: *Ўзи нақадар бойликда шухрат топган* (Қир. к.). *Хоти-фий қилди нидо бошинг кетар шамширда* (1, 82). *Оғир юкда яғир бўлди...* (БИ, 1, 179).

14. Ўтган замон сифатдошларидан кейин келган *чоғ*, *ҳол* сўзларига, шунингдек, *рўбарў* сўзига қўшилиб, ҳолат, пайт маъноларини англатади, гапда ўрин ва равиш ҳоллари вазифасида келади: *Ҳукумат ишига киришмаган чоғда отилуб ўлдирила-*

жакдур... (Ист. қ. 90). *Энди йқуб турган ҳолда эшикдан...* (Заҳ. ҳ. 3). *Бу йиртуқ кафш рўбарўда турган бой болаларнинг кафшларидан афзалроқ* (Ян. с. 20).

15. Пайт ифодаловчи отлар баъзан эгалик аффиксларини олиб, айрим ҳолларда эгалик кўрсаткичини олмай ҳам, ўрин-пайт келишигининг кўрсаткичисиз келиб, пайт маъносини англатади ва гапда пайт ҳоли бўлиб келади: *Жалилбой ўша замон и ўлган эди* (Ист. Т. 6). *Парча гўшт эрдик туғилган вақтими з.* («Она», 1, 100).

16. Диний тушунчаларни ифодаловчи *охират*, *шариат* каби отларига қўшилиб, пайт ва объект маъноларини ифодалайди, гапда пайт ҳоли ҳамда воситали тўлдирувчи бўлиб келади: *Охиратда фирдавсга сазовор бўлсинлар* (Бур. с. 9). *Эй она, шариатда ийқ гапларни гафурманг!* (Ист. қ. 32).

17. -ники абстракт эгалик аффиксини олган отларга қўшилганда ҳамда яқинроқ сифатига қўшилиб, ўрин ифодаловчи отлар билан муносабатга киришганда, ўрин маъноларини билдиради ва гапда ўрин ҳоли бўлиб келади: *Бизни маҳалламизга яқинроқда Абдуқаҳҳор деган бойваччани ўғлидурлар* (Ян. с. 12). *Хотунлар фиршилникида ичишиб ўлтиришибди* (Ист. қ. 7).

18. Эгалик аффиксини олган ҳаракат номига қўшилиб, пайт маъносини англатади ва гапда пайт ҳоли функциясида келади: *Келмоғида мактабидан бир ўғул*, (ТЧ, I, 96).

СИФАТ

Ҳамза асарлари тилида қўлланган сифат туркумига хос сўзлар тузилиши ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан традицион адабий тилда қўлланган сифатларга ўхшаса-да¹⁷, бу туркумга хос сўзларнинг адабий тил сферасидаги салмоғининг орта бориши, сифат ясовчи аффиксларнинг унумдорлашуви, даража кўрсаткичларининг ва ясовчи қўшимчаларнинг бир вариантликка ўтиши, стилистик қийматнинг бойиши жиҳатдан ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги сифатларга яқинлиги билан характерланади¹⁸. Бу ҳол реалистик бадий адабиётнинг шаклланиши ҳамда реалистик бадий адабий тилимизнинг халқ тили ҳисобига бойиб бориши билан узвий боғлиқдир.

Ҳамза асарлари тилидаги аслий сифатларни ўзларининг англатган лексик-семантик ва стилистик маъноларига кўра қуйидагича группаларга ажратиш мумкин:

1. Шахсларга хос салбий белги-хусусиятларни англатувчи сифатлар: *хоин* (Ист. қ. 60), *малъун* (Заҳ. ҳ. 9), *жоҳил* (Қир. к.),

¹⁷ Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 130—132; Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 70—75-бетлар.

¹⁸ Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 144—165.

мунофиқ (Бур. с. 36), *аҳмоқ* (Ист. 95), *олчоқ* (Ист. қ. 91), *золим* (Ист. қ. 20), *шанқи* (Бур. с. 24), *мустабид* (Ист. қ. 13).

2. Шахснинг моддий-маънавий ҳолатини, психологик ва жисмоний белгиларини ифодаловчи сифатлар: *мушфиқ* (СГ, 8), *ғариб* (Ист. қ. 60), *қашшоқ* (Ист. қ. 8), *шум* (Заҳ. ҳ. 19), *заиф* (Ист. қ. 65), *муҳтарам* (МА, 1), *чачан* (Бур. с. 2), *шўх* (Қир. к.), *зийрак* (Қир. к.), *тул*, *етим* (Бур. с. 34), *оч* (Қир. к.) *мазлум* (Ист. қ. 100), *дўст* (Ян. с. 43), *душман* (Ян. с. 43).

3. Предмет ёки шахсларнинг физик, физиологик белги ва хусусиятларини ифодаловчи сифатлар: *кўр* (Ист. қ. 19), *басир* (Ист. қ. 19), *нозик* (Ист. қ. 88), *ёш* (Ист. 53), *бўрдоқи* (Бур. с. 13), *қаттиқ* (Қир. к. 8), *хипча* (Бур. с. 31), *ориқ* (КГ, 51), *семиз* (ҚГ, 5). Бундай сифатларнинг бир тури предметнинг материал белгисини ифодаловчи сифатлардир. Бу сифатлар баъзилари аслида отлардан сифатга ўтган бўлиб бошқа отдан аниқланмиш олганда аниқланмишнинг турини ёки материал белгисини ифодалайди: *фўлат* *кровать* (Ист. қ. 2); *беқасам*, *атлас тўн* (Бур. с. 16).

4. Таъм ва ранг ифодаловчи сифатлар: *ширин* (Қир. к.); *зангор* (Ист. қ. 65); *қизил* (Ист. қ. 94); *қора* (Ист. қ. 89); *оқ* (Бур. с. 15); *сафсар* (СГ, 1); *пушти* (ПГ, 1.); *ола* (Бур. с. 16).

Шуни айтиш керакки, аслий сифатларнинг айримлари шоир асарларида бадий асар тилининг муҳим компоненти сифатида бадийликни юзага келтириш учун хизмат қилган. Мисол тариқасида *қора* сифатининг стилистик моҳияти ҳақида қисқача фикр юритайлик. *Қора* сифати қандай сўзлар билан муносабатга киришганлигига қараб қуйидагича маъно оттенкаларини англатган: а) *қора* сифати халқ сўзи билан бирга келиб, «*содда*», «*оддий*» маъносини ифодалайди: *Қора халқ орасида тирикчиликдан, албатта йлум яхши.* (Заҳ. ҳ. 35); б) *қора* сифати меҳнат сўзи билан муносабатга киришганда, «*машаққатли*», «*оғир*» маъноларини ифодалайди: *Буларни шундай қора меҳнатлар билан эзуб битирмоққа керак* (Ист. қ. 15); в) *бахт* сўзи билан муносабатга киришганда жабрли, омадсизлик маъноларини ифодалайди: *Қора бахтларин ёрутди* (Ян. с. 43); г) предмет ва шахс номларини ифодаловчи отлар билан муносабатга киришганда ранг, тус билдиради: *Уч тўп қора бархит ҳам олуб қўйдик* (Бур. с. 16); д) *кун* сўзи билан муносабатга киришганда «*бахтсиз*», «*фожияли*» маъноларини ифодалайди: *Мана шундай қора кунларга қолмасун...* (Ист. қ. 41); е) *қон тупроқ* сўзлари билан муносабатга киришганда, экспрессивлик касб этиб, маънони кучайтиришга хизмат қилган: *Оғиз-бурнунгдан қора қонлар тўқулсун* (Ист. қ. 22). *Жисмларин қора туфроққа ниҳон этган бир ишва ва карашма соз ҳуррият!* (Ист. қ. 89). ж) *қора* сифати баъзан контекстда гумон маъносини ифодалайди: *Манга узокдан икки қора кўринди* (Ист. қ. 55). з) *чўқа* сўзи билан келиб, арзимаслик маъносини ифодалайди: *Суйганим бўлмагандан кейин менга минг орзу бир қора чақа* (Заҳ. ҳ. 7).

5. Предметларнинг ташқи ва умумий хусусиятларига кўра белгиларини баҳолайдиган сифатлар: *яшии* (Бур. с. 8), *ёмон* (Қир. к.), *баттар* (Ист. қ. 50), *янги* (Бур. с. 29), *эски* (Ист. Қ. 39), *аниқ* (Бур. с. 4) *озода* (Ян. с. 22), *ифлос* (Бур. с. 17), *макруҳ* (Бур. с. 26), *кир* (Бур. с. 29), *ёлғон* (Ист. қ. 82), *хох* (Бур. с. 23), *пок* (Ист. қ. 93), *ҳаром* (Заҳ. ҳ. 17).

Жамиятда содир бўлган социал ўзгаришлар туфайли сифатларнинг маъно функциясида ҳам ривожланиш содир бўлган. Бу хусусиятларни *янги* ва *эски* сифатларининг қўлланишида айнан кўриш мумкин. Масалан: *янги* ва *эски* сифатлари мактаб ва турмуш сўзлари билан муносабатга киришганда, бинонинг белгисини эмас, балки ички белгини (усул белгисини) ифодалайди: *эски мактабларда ўқумуш* (Заҳ. ҳ. 2); *Эски турмуш боғларин қўй...* *Янги турмуш боғларинда* (ЯШ, I, 162).

6. Адибнинг асарлари тилида предмет ва шахсдаги белгиларни ифодаловчи форсча изофалар ҳам учрайди: (Заҳ. ҳ. 14); оби равон (Бур. с. 31); балои азим (Ист. қ. 72), одам ёввойи (Заҳ. ҳ. 14).

7. Предметнинг макон ва замондаги тутган ўрни, ҳолатига кўра белгисини ифодаловчи аслий сифатлар: *чап кўз* (Бур. с. 23), *йўғон* (Ист. қ. 9), *узоқ* (Ист. қ. 24), *қисқа* (Ист. қ. 30), *йироқ* (Қир. к.), *ўнг* (Ист. қ. 57), *катта* (Бур. с. 36), *калта* (Ист. қ. 30), *тўғри* (Ист. қ. 72).

XX асрнинг бошларига келиб бу хил сифатларнинг айримлари рус тилининг таъсири натижасида жамиятдаги социал гуруҳларнинг белгиларини ифодалаш учун хизмат қила бошлайди. Масалан, «*ўнг*» ва «*чап*» сифатлари отлашган ҳолда социал гуруҳларни ифодалаган: *Қосимжон* (атрофга қараб): *Буларни ичида ўнг, чаплари ким?* (Ист. қ. 57).

СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ. Ясама сифатлар аффиксация ва композиция усули билан ҳосил бўлади¹⁹.

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган сифат ясовчи аффикслар ва уларнинг англатган маънолари қуйидагича; а) *-ли* (баъзан *-лу*) ясовчиси инсонга хос ижобий хусусиятларни ифодаловчи *раҳим*, *ишонч*, *фазилат* сингари абстракт отларга қўшилиб, ана шу отларда мавжуд бўлган белгига эгаликни ифодалайди: *Раҳимли кишилардан чумоли ҳам озор топмас* (Қир. к.). *Улуғ тарих китобларимизнинг ишончли сўзи* (Қир. к.). *Бунда бошқа фазили хикмат бор* (Бур. с. 12); б) *безак*, *ҳусн*, *даб-даба* сингари ташқи қиёфани ифодаловчи отларга қўшилиб, шу от ифодалаган белги хусусиятнинг мавжудлигини ифодалайди: *Мингбошининг мумкин қадар безакли, ҳам дабдабали уйи кўрсатиладур* (Бур. с. 3); в) *гавда* сўзига қўшилиб, ўзакда ифодаланган қиёфа ва ҳолатнинг ортиқлигини ифодалайди: *Гавдали, кўса бир киши* (Бур. с. 15); г) *-миш*, *-ма* аффикслари билан

¹⁹ «Ўзбек тили грамматикаси». I. Морфология, 272-бет.

ҳосил бўлган сифатдошларга қўшилганда шу феъл формаларида ифодаланган ҳаракат белгиларига эгаликни ифодалаб, *-ган* сифатдошига синоним бўлиб келади: *Ўқумушли* (Ист. қ. 46), *синамали* (*синалган*) *киши* (Ист. қ. 17); д) *боғ, рақам, захар, тур, қон, шон* сингари отларга қўшилиб, ўзакдаги тушунчага эгаликни ифодалайди: *боғлу кўз* (ОГ, 8), *рақамли модда* (Ист. қ. 90), *захарли ҳаёт* (Заҳ. ҳ. 1).

2. *-лик* аффикси тарихан *-ли* аффиксининг тўлиқ формаси бўлиб, англатган маъно хусусиятларига кўра *-ли* аффиксига яқин туради²⁰. *-лик* (*баъзан -лиқ, -ли*) аффикси турли маънодаги отларга қўшилиб, эгалик ҳолат, пайт, ҳаракатга алоқадор белги ифодаловчи сифат ҳосил қилади: *сабрли киши* (Қир. к.), *сочли* (Заҳ. ҳ. 2), *саботли киши* (Ист. қ. 93), *қимматли насихат* (Ян. с. 3) *тегишлик ер* (Ист. қ. 99), *осуқлик* (Ист. қ. 2).

3. *-даги* аффикси ўрин, пайт ва предмет отларига қўшилиб, ўрин ва пайтга муносабат маъноларини ифодаловчи сифат ҳосил қилади: *кўчадаги девона* (Бур. с. 27), *қўлидаги теша* (Қир. к.), *келажакдаги авлод* (Ист. қ. 42).

4. *-ги* (*баъзан -ғи*) ясовчиси пайт билдирувчи сўзларга қўшилиб, пайтга муносабат ифодаловчи сифат ҳосил қилган *кечаги сайлов* (Бур. с. 33), *сўнгги минут* (Ист. қ. 89), *бояги шанқилик* (Бур. с. 36).

5. *-ик* аффикслари феъл ўзакларига қўшилиб, ўзакда ифодаланган ҳаракатнинг физик ва статик белгиларини ифодаловчи сифат ҳосил қилади: *қаттиқ нон* (Ян. с. 19), *ортиқ* (Ист. қ. 24), *очиқ башара* (Бур. с. 2), *чўзуқ* (Бур. с. 30).

6. *-ри, -ун, -мас, -ир* кам маҳсул сифат ясовчилари феъл ўзакларига қўшилиб, ўзак англатган ҳаракатга хос турли хил маъноли сифат ясаган: *оғир* (Бур. с. 11), *ўтмас қилич* (Ист. қ. 43), *оқун сув* (Ист. қ. 2), *эгри* (Бур. с. 40).

7. *-ча* ясовчиси от ва сифатларга қўшилиб, ўхшатиш, даража ва ажратиб кўрсатиш маъноларини англатувчи сифатлар ҳосил қилади: *қўноқча шафқат* (Ист. қ. 9), *заррача мусулмончилик* (Ист. қ. 9), *ортуқча сўз* (Қир. к.), *бошқача домулло* (Бур. с. 28).

8. *-дак (-дек)* ясовчиси сифат, от ва олмошларга қўшилиб, ўзакдан англашилган тушунчага ўхшатиш маъноларини ифодаловчи сифатлар ҳосил қилган: *биздак ғариблар* (Ист. қ. 25), *катакдак ҳовли* (Заҳ. ҳ. 5), *султондек йигит* (Ист. қ. 68), *арслондек йигит* (Ист. қ. 40).

9. *-сиз* аффикси *-ли* аффиксининг антоними бўлиб, сўз ўзагида англашилган тушунчанинг инкорини англатувчи сифатлар ҳосил қилади: *имонсиз элликбоши* (Ист. қ. 9), *раҳмсиз кишилар* (Ист. қ. 13), *бахтсиз Марям* (Ян. с. 28).

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган ясама сифатларнинг бир қисми тожик-форс тилига хос ясовчи аффикс ва префикслар ёр-

²⁰ Шарипова Қ. А. Словообразующие аффиксы *-лик, -ли -чилик* в узбекском языке. АКД. Ташкент, 1972, с. 22—24.

дамида ҳосил бўлган сифатлардир. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) *но* — ясовчиси сифат ва отлар билан келиб, ўзакда ифодаланган белги ёки хусусиятнинг йўқлигини кўрсатади. Бу хусусият билан *но* ясовчиси *-сиз* аффиксининг синоними сифатида қўлланган: *ноҳақ* (Ист. қ. 87), *нопок* (Ист. қ. 17), *ноумид* (Ист. қ. 26), *номаҳрам* (БХ, 43).

2) *-бе* аффикси қуйидагича маъноли сифатлар ясайди:

а) бу ясовчи ҳам ўзакда ифодаланган хусусиятнинг йўқлиги, инкор маъносини ифодаловчи сифат ҳосил қилади: *беғам* (Бур. с. 30), *бечора чумчуқ* (Қир. қ.).

б) *товфиқ*, *зот*, *маърифат*, *маъни* сингари абстракт отлардан сифат ҳосил қилганда ўзакдан англашган хусусиятларга эга эмаслик маъносидаги экспрессив сифатлар ҳосил қилади: *безот* (Заҳ. х. 16), *бетавфиқ* (Бур. с. 37), *бемаърифат* эшон (Заҳ. х. 16);

3) эрон тилларига хос *-бад* аффикси ҳам отларга қўшилиб келиб, ўзи қўшилган отнинг салбий белги-хусусиятига эга эканлигини ифодаловчи сифат ҳосил қилади: *бадкор* (Бур. с. 15), *бадбахт* (Ист. қ. 57).

4) *-параст* аффикси отларга қўшилиб, ўзакдан англашилган тушунчага ҳаддан ортиқ берилганлик, яхши кўрувчи маъносидаги сифатлар ҳосил қилади: *дунёпараст*, *нафспараст* (Заҳ. х. 18), *фулпараст* (Ист. қ. 20).

5) *-парвар*, *-хўр* аффикслари отларга қўшилиб, шахсга хос ижобий ва салбий хусусиятларни ифодаловчи сифатлар ясайди: *фуқаропарвар* (Қир. к. 17), *қонхўр бойлар* (Ист. қ. 60).

6) гарчи кам маҳсул бўлса-да, *сер* префикси ва *кас*, *-гум* сўзлари билан ҳосил бўлган сифатлар ҳам учраб туради: *касофат иқбол* (Заҳ. х. 17), *гумроҳ* (Заҳ. х. 16), *серғамза* (Бур. с. 27).

7) *-ий*, *-вий* аффикслари араб тилидан ўзлаштирилган бўлиб, от туркумига хос сўзлардан хослик, тааллуқлик белгиларини ифодаловчи сифат ҳосил қилади: *деворий соат* (Заҳ. х. 3), *маънавий хизмат* (Заҳ. х. 8).

8. *-и* аффикси сифат ва отларга қўшилиб, хусусият, шахснинг ўринга муносабатини билдирувчи сифат ҳосил қилади: *ҳароми* (Бур. с. 10), *лаънати* (Бур. с. 35), *қишлоқи* (Бур. с. 34).

9. *-дор*, *-ваш*, *-она* аффикслари ёрдамида ясалган сифатлар ўзакдан англашилган тушунчага ўхшатиш, эгалик маъноларини ифодалайди: *айбдор* (Бур. с. 4), *париваш* (Ист. қ. 85), *шоҳона либос* (Қир. к.).

10. Ҳамза асарларининг қаҳрамонлари тилида стилистик мақсадда қўлланган рус тилига хос *образований кишилар* (Ист. қ. 14), *жуда образований эди* (Ист. қ. 14) сингари сифатлар ҳам учраб туради.

Бу хил русча сифатларнинг қўлланиши стилистик қийматга эга бўлиб, асардаги персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, уларнинг характерини очиш учун ёзувчи томонидан қўлланилганлиги шубҳасиздир.

Сифат даражалари

Ҳамза асарлари тилида предметдаги белгининг камлиги ёки ортиқлигини ифодаловчи қуйидаги формалар ишлатилган:

1. *Қиёсий даража*. Қиёсий даражадаги сифатлар оддий даражадаги сифатларга асосан *-роқ* аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинган. Лекин бир ўринда традицион эски ўзбек адабий тилига хос бўлган *-рак* аффиксини учратдик: *Ҳокимларга тузу к-рак пул берилса...* (Бур. с. 34). Бу хусусият Ҳамза асарлари тилининг ҳозирги замон ўзбек тилига яқинлиги билан изоҳланади. Қиёсий даражадаги сифатлар предметдаги белгининг оддий даражадаги сифатларга нисбатан камлигини ифодалайди: *Бирортадан то з а р о қ жомаворлардан кийгизилса...* (Бур. с. 12).

2. Қиёсий даража аналитик йўл билан, яъни оддий даражадаги сифатлар олдидан чиқиш келишигидаги сўзни келтириш йўли билан ҳосил қилинган. Бунда белгининг солиштирилаётган предмет ёки шахсдагига нисбатан ортиқлигини ифодалайди: *Хотуним-ни қайси бири с е н д а н х у н у к* (Заҳ. ҳ. 16).

Предметдаги белгининг камлигини ифодалаш учун *-роқ* аффиксидан ташқари *сал*, *бир оз* сўзлари ҳам қўлланган: *сал қора тусда* (Бур. с. 14); *б и р о з я х ш и* (Ист. қ. 25).

3. Синтетик ва аналитик усул билан ҳосил бўлган қиёсий даражадаги сифатлар ҳам кўп учрайди: *Улар сендан б о й р о қ одамларди қизи* (Заҳ. ҳ. 16).

Орттирма даража

1. Ҳамза асарлари тилида сифатларнинг орттирма даражаси оддий даражадаги сифатларнинг олдидан *ниҳоятда*, *энг*, *жуда* сўзларини келтириш орқали ҳосил қилинган: *ниҳоятда яхши* (Ист. қ. 2), *жуда тўғри гап* (Бур. с. 11), *энг муқаддас онамиз* (ОГ, 7).

2. *Юқори даражада* бирикмаси ҳам орттирма даража функциясини ўтаган: *юқори даражада очуқ фикрли*. (Заҳ. ҳ. 2).

3. *заб* ва *кўп* сўзлари ҳам сифатлар билан муносабатга кирганда орттирма даража ҳосил қилади: *заб яхши* (Бур. с. 33). *Кўп оғир ўйга қолдим* (Заҳ. ҳ. 11).

4. *хўп* ва *ёмон* сўзлари ҳамда *қулинг ўргулсин* ибораси ҳам равиш ва сифатлардаги орттирма даражани англатиш хусусиятига эга: *ёмон аччиқ* (Қир. к.). *Жудаям нозанин, жудаям қулу нг ўргилсин* (БХ, 7).

5. Айрим сонлар *марта*, *мартаба*, *даража*, *баробар* нумеративлари билан келиб сифатлар билан муносабатга кирганда, белгининг ортиқлигини ифодалаб, экспрессивлик касб этади: *Юз баробар ортуқ қиз топуб бераман* (Заҳ. ҳ. 6). *Минг мартаба яхши* (Ист. қ. 64).

Сифатлардаги белгининг ортиқ ёки камлигини ифодаловчи *оппоқ*, *оз-моз*, *туппа-тузук* формалари ҳам учраб туради: *Туп-*

тузу одам (Бур. с. 39). Оз-моз чирой (Бур. с. 2). Оппонент елкалар... (БИ, 1, 159).

Шунингдек, *-гина*, *-ғина* аффикслари ҳам оддий даражадаги сўзларга қўшилиб, белгига субъектив муносабатни ифодалайди: *шиғина* (Ист. қ. 62), *аччиққина* (Ист. қ. 25), *кичкинагина хумча* (ир. к.).

Ҳамза асарлари тилида сифатларнинг давр тили учун харақатли белгилар ифода этиш ҳоллари мавжуд: *маънавий киши* (Ист. қ. 86), *ҳақиқий инқилобчи* (Ист. қ. 91), *қонли сонжоқ*, *шонбайроқ* (Боқ, I. 172), *қорин бойлар* (БИ, I, 160).

Бу хусусият унинг новаторлиги билан боғлиқдир.

СОН

Ҳамза асарларида қўлланган сонлар тузилиши, турлари, грамматик-семантик хусусиятларига кўра ҳозирги замон ўзбек тилидаги сонлардан фарқ қилмайди²². Адиб асарлари тилида маънолари ва форма ясовчи воситалари билан бир-биридан фарқ қилувчи *дона*, *чама*, *жамловчи*, *тақсим*, *каср* ва *тартиб* сонларини ажратиш мумкин. ДОНА СОН. 1 Дона сонлар предмет миқдорини доналаб кўрсатиш учун хизмат қилади ва саноқ сонларга *-та* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлади: *5—10 та кузурларини ўлга олғай...* (Бур. с. 11). *Ушандан бир та хат юборган экан* (Ист. қ. 72).

2. Дона сонларга хос *-та* кўрсаткичининг функциясини кўпинча «дона» нумеративи ҳам бажариб, унга синоним бўлиб келади: *Бир д о н а* (битта) *катта девор ойнаси* (Бур. с. 22). *Бир д о н а стол, уч-тўрт д о н а табуретка* (Заҳ. ҳ. 3).

3. *-он*, *-ар* аффиксини олган бир сонидан кейин *-та* аффикси қўшилганда умумлаштириш, гумон маънолари ифодаланади: *Бир о н т а дилкушонни олишга...* (Бур. с. 29). *Бир о р т а эркак одам келса, мени йўқ дегин* (Заҳ. ҳ. 7).

4. Кўпинча миқдор сонларнинг ўзи *-та* қўшимчасиз (белгисиз) доналик сонининг маъносини англатиши мумкин: *Икки қизни узатиш, бир ўғилни уйлантириш* (Бур. с. 4). *Ҳозир уч тандирда пайваст нон ёпилмоқдадир* (Бур. с. 12).

5. Нарса-предметларнинг миқдорини белгилашда фақат *-та* воситасида шаклланган дона сонлар қўлланиб қолмай, балки нумератив сўзлар ҳам қўлланиши мумкин. Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарлари тилида қуйидаги характерга эга бўлган нумератив сўзлар учрайди:

1). Қимматни ифодалаш учун *пул*, *сўм*, *олтун*, *тилло*, *чақа*, *танга* нумеративлари қўлланган: *Бойлар тўрт пул, мулло-эшонлар бир пул берадир, дейсизми...* (Бур. с. 19). *Сизга тагин бир*

²² Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. Тошкент, 1953; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон тилидаги сон туркуми ҳақида баъзи мулоҳазалар. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асрлари «Ўзбек тили масалалари», Тошкент, 1957, 38—55-бетлар.

юз сўм керак (Ист. қ. 35). Сақлаб юрган беш тилло фулум бор (Ист. қ. 3). Беш-ўн танга сарф қилиб кўмсаларинг (Ист. қ. 7).

2). Пайт ўлчовларини ифодаловчи нумеративларга *минут, дақиқа, кун, ой, ёш, йил* сингариларни кўрсатиш мумкин: *Бир минутда дарбадар қила олишимни билмасми эдинг* (Бур. с. 17). *Умрингдан икки дақиқа қолди* (Ист. қ. 9). *Уч-тўрт кундан баққа ўзини билмай қолянди* (Ист. қ. 29). *Мирзаҳамдамбой 55 ёшда* (Заҳ. ҳ.). *Тўй қилганимга ўн-ўн беш йил бўлиб қолди* (Заҳ. ҳ. 4).

3). Ҳажм ўлчовини ифодаловчи нумеративларга *яшик, пиёла, қошиқ, тандир, қултум, луқма, оғиз* сингариларни кўрсатиш мумкин: *Икки яшик вино, олти яшик пива* (Бур. с. 15). *Бир пиёла тўла уқо ичаман* (Заҳ. ҳ. 20). *Уч тандир нон* (Бур. с. 12). *Бир қошиқ сув* (Ист. қ. 80). *Бир қултум сув* (Ист. қ. 22). *Бир луқма ош* (Бур. с. 34). *Бир оғиз гап* (Ист. қ. 49).

4) Оғирлик ўлчовини ифодаловчи *чакса, қадоқ*; санаш ўлчовини ифодаловчи *тўп, қисм, жуфт* сингари нумеративлар ишлатилган: *Бир қадоқ нон* (Ист. қ. 9). *4—5 чакса гуруч* (Бур. с. 13). *3 тўп бархит* (Бур. с. 16), *бахил уч қисм* (Қир. к.), *бир тўп чумчуқ* (Қир. к.), *икки жуфт кафш* (Бур. с. 36).

5) Ҳаракат ва белгининг миқдорини билдирадиган сонлардан *сўнг бор, марта, баробар, даража, мартаба, вош (бош), маротаба, чандон* сингари нумеративлар келиб, ҳаракат миқдорини ифодалаш учун ишлатилган: *бир боргина* (Ян. с. 3), *минг маротаба* (Ист. қ. 50), *юз баробар* (Заҳ. ҳ. 50), *ўн даража* (Ян. с. 14), *минг мартаба* (Ист. қ. 64), *Қиз икки вошдан кўрбошники* (Ист. қ. 33), *ўлганим минг марта яшиш* (Заҳ. ҳ. 16), *ўн чандон* (Ист. қ. 41).

6). Баъзан ҳаракат такрори *марта* ўрнида *-та* воситасида шаклланган донa сонлар ҳам қўлланган: *Бошимни иккита сиққин қизим* (Ист. қ. 424).

Жамловчи сонлар. Жамловчи сонлар асосан ҳозирги ўзбек адабий тилида *сингари* саноқ сонларга *-ала* ва *-ов* аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган, *-ала* ёрдамида шаклланган жамловчи сонларга нисбатан *-ов* билан ҳосил қилинган жамловчи сонлар кўпроқ учрайди: *иккала падар лаънат* (Бур. с. 33). *Бешов хотунимни қайси бири сендан хунук* (Заҳ. ҳ. 16).

Баъзан II шахс кўплик сондаги эгалик аффиксини олган саноқ сонлар субстантивлашиб, жамловчи сон ҳосил қилган. *Иккинги зини баробар юборишга тўғри келди* (Ист. қ. 96). *Иккимиза бир уқубот борганда ўхшайди* (Заҳ. ҳ. 10).

Бу хусусият традицион адабий тилга хос бўлиб, эски ўзбек тили ёдгорликларида учраб туради²².

²² Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 85-бет.

Чама сон. Чама сонлар ҳам ҳозирги чама сонлардан фарқсиз ўлароқ, предметнинг тахминий миқдорини ифодалаш учун хизмат қилиб, саноқ сонларга *-ларча, -ча*; жуфтланиб келган сонларга *-та* аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган: *миллионларча саидхонлар* (Ист. қ. 89); *миллионча йигитлар* (Ист. қ. 78).

Чама сон маъноси *минг* сони олдидан *шунча* сўзини келтириш орқали ҳам англашилади: *Шунча минг мусулмонни бир хоин шу қадар хўрлайдими* (Ист. қ. 70).

Тақсим сонлар. Тақсим сонлар ҳам ҳозирги тақсим сонлар сингари саноқ сонлар ва нумеративларга *-тадан* аффиксининг қўшилиши ҳамда дона сонларнинг такроридан ҳосил бўлган: *Биртадан тўн билан 5—10 сўмдан пул берсак* (Бур. с. 11). *Учта-учта қути қўйилғондан кейин соққада барака қоладирми* (Бур. с. 11).

Тартиб сон. Тартиб сонлар ўзларининг англатган маънолари, гаптаги вазифа ва формаси жиҳатидан ҳозирги адабий тилдаги тартиб сонлардан фарқланмайди: *1919 йил 1 январь* (Ист. қ. 8), *181-рақамли модда* (Ист. қ. 90). *2-бир хоин* (Ист. қ. 50).

Тартиб сонлар кенг маънода предмет тартибини билдиришдан ташқари феълларга боғланиб, ҳаракат ва ҳолат такрорини ҳам ифодалайди. *Уни сен иккинчи кўра олмайсан* (БХ. 41).

2. Ўзларидан олдин орттирма даража кўрсаткичларини олиб, маъно кучайтириш хусусиятига ҳам эга: *Ҳаммасига энг биринчи ва катта сабаб халқнинг нодонлигидир* (Бур. с. 19). *Миллатпарварликда энг биринчи ҳаётдош бўлиб турган Марямхоним* (Заҳ. ҳ. 1).

3. Тартиб сонлар баъзан гапта фикр тартибини ифодалаб, кириш сўз бўлиб келади: *Биринчи, биров сўз сўрамагунча ўз-ўзича сўзламас* (Қир. к.). *Иккинчи, ўзи ҳам емас, бировга ҳам бермас* (Қир. к.).

Сонларнинг ўзларига хос баъзи хусусиятлари: 1. Русча миллион сони кенг истеъмолга бўлган, айни вақтда маънони кучайтириш учун ҳам хизмат қилган: *Бу хоинлар ер юзида бир миллион-икки миллион емас* (Ист. қ. 52), *Миллионча қиз ва барно йигитларни ер бирла яксон қилди* (Ист. қ. 77).

2. *Минг* сони ҳам баъзан такрорланиб, айрим ҳолларда *марта, чандон, даража, бор* нумеративлари билан келиб, маънони кучайтириш хусусиятига эга. Бу хусусият *ўн* сониди ҳам мавжуд: *минг бор шукур* (Ян. с. 23). *Сенинг борлигинг бир боло, йўқлигинг минг боло* (Ист. қ. 20). *Ҳамма ишни мендан ўн чандон ортиқ била туруб...* (Ист. қ. 41). *Минг қилса* бирикмаси модал сўзлик хусусиятига эга бўлиб, *бари бир модал сўзига* синоним бўлиб келади: *Минг қилса, ўрус тўраси-да* (Бур. с. 11).

3. *Минг, эллик* сонлари III шахс эгалик аффиксини олган *бош* сўзи билан келиб, амал маъносини ифодаловчи отлар ҳосил қилган: *мингбошилар* (Ист. қ. 69), *элликбоши* (БХ, 10).

4. Ҳамза асарлари тилида стилистик мақсадда қўлланган форсча-тожикча сонлар ҳам учраб туради: *Ун бешу олтмиш ҳафтоду панж* (Ист. қ. 29). *Ҳазор-ҳазор олам обрўй қўйсин* (Бур. с. 7).

5. *Бир* сони ўзининг кўп маънолилиги билан ажралиб туради:

а) миқдор ифодалашдан ташқари, белги билдирувчи сўзлардан олдин келганда маънони кучайтиради: *Бир нозук белингдан қучиб...* (Ист. қ. 88).

б) *бир* сони баъзан якка келиб, баъзан *-гина* юкламасини олиб, фақат таъкид юкламаси англатган маънони ифодалаши мумкин: *Биргина (фақат) умумни фойдаси...* (Қир. к.).

в) ўрин-пайт келишиги кўрсаткичини олган пайт ва ўрин билдирувчи отлар олдидан келганда гумон, эшитилганлик маъносини ифодалайди: *Бир замонда бир Обид исмли бир бой бор эди* (Қир. к.).

г) *бир* сонига *-ор, -он, -арта* аффиксларининг қўшилишидан гумон ёки бўлишсизлик олмошлари ҳосил бўлади: *Мени бошимда бирор* (ҳеч қандай) *эркак бўлмаса* (Ист. қ. 31). *Бирорта одам келса, мени йўқ дегин* (Заҳ. ҳ. 7).

д) *бир* сони такрорланиб келиб, ҳолат равишлар ҳосил қилади: *Дониш воқеани сўради, подшоҳ бир-бир баён қилди* (Қир. к.).

е) чиқиш келишиги кўрсаткичини олган *бир* сони ҳаракатнинг кутилмаганда содир бўлишини англатиб, гапда равиш ҳоли бўлиб келади. *Ҳама муридлари бирдан кулиб юбордилар* (Қир. к.).

и) *бари* белгилаш олмоши билан муносабатга кириб, модал сўз ҳосил қилади, *чора* сўздан олдин келиб, шунингдек, *бировга* формасида қўлланиб, бўлишсиз феъллар билан муносабатга кирганда инкор маъносини ифодалайди, яъни бўлишсизлик олмошига синоним бўлиб келади: *Бари бир, эри кўздан йўқолса...* (Бур. с. 39). *Қирган ўқни чиқармоқ тадбиридан бўлак бир чора йўқ эди* (Ян. с. 29). *Ўзи ошар, бировга (ҳеч кимга бермас)* (Қир. к.).

ё) *бир* сони *-дак* аффиксини олиб, пайтга нисбатан давомлилик ифодаловчи равиш ҳосил қилади: *Бирдак бойлар, мингбошиларни тарафини олуб гафуради* (Ист. қ. 9).

ОЛМОШ

Ҳамза асарлари тилида қўлланган олмошлар ўзларининг семантик-грамматик хусусиятлари, тузилиши ва миқдори жиҳатидан традицион ва ҳозирги адабий тилимизда қўлланаётган олмошларга ўхшайди²³.

²³ Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 172—186; Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка. М., 1962, с. 132—137; Абдурахмонов Ф. А., Шукuroв Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, с. 89.

Кишилик олмошлари. Ҳамза асарларида кишилик олмошининг I шахс бирлиги *мен, ман, бан* шаклида учрайди: *Мен сиздан яхшироқ биламан* (Ист. қ. 71). *Бу мингбошилиқ манга осонлиқ билан тушган эмас* (Бур. с. 3). *Сизнинг ҳаракатингиз орқали бан им қўлимга тушди* (Заҳ. ҳ. 8).

Бу формалардан *ман* варианты традицион эски ўзбек тили учун характерли бўлмай, Ҳамза асарлари тилига хос хусусиятдир. Кишилик олмошининг I шахс бирлиги *ман* марказий шаҳар шеваларига онд хусусият бўлиб²⁴, бу форманинг Ҳамза асарлари тилида учраши адиб асарларидаги персонажлар нутқининг индивидуаллаштирилиши билан боғлиқдир.

Баъзан I шахс кишилик олмоши *мен* ўрнида персонажлар нутқида *фақир* сўзи ҳам қўлланган. Бу ҳол ажратилган бўлак *фақир* сўзининг *мен* олмоши ўрнида қўлланиши билан боғлиқ. Бундай хусусият традицион адабий тилда ҳам мавжуд бўлиб, сўзловчининг камтарлиги, тингловчига ҳурматини ифодалаш учун ишлатилади²⁵. *Домулло янги фақир ҳам шу музокараининг устида эдим* (Бур. с. 8).

Худди юқоридаги *фақир* сўзи сингари кишилик олмошларининг I шахс бирлиги ўрнида камтарлик, ҳурмат маъноларини ифодалаш учун *камина* сўзи ҳам қўлланган: *Камина ҳам шунни айтаманда* (Ист. қ. 32).

I шахс бирликдаги кишилик олмошларининг келишиклар билан турланиши ҳозирги адабий тилимиздаги кишилик олмошларининг турланишига асосан ўхшайди, лекин баъзан қаратқич келишигининг кўрсаткичи *-нинг* ўрнида ўғуз тилларига хос *-им* формаси қўлланган: *Маним ҳар ишга кучум етадир* (Бур. с. 3). *Мен* олмошининг аффикслар олиб, такрорланиб келиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу хусусият жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, маънони кучайтириш учун хизмат қилган: *Унда ҳам айб йўқ, мани, маними? Бу шум бахтимда айб!* (Заҳ. ҳ. 19).

II шахс кишилик олмоши *сан, сен* кўринишларида акс этган: *Сен билан ҳаёт этгани келганим йўқ* (Заҳ. ҳ. 18). *У борса келмас жойга кетди, уни сан иккинчи кўра олмайсан* (БХ, 41). *Сен виждонсиз, сен мени эримни тухмат билан йўқ қилдинг* (БХ, 43). Кишилик олмошининг II шахс бирликдаги *сен* кўриниши традицион адабий тилга хос хусусиятдир²⁶.

Бу олмошнинг *сан* кўриниши марказий шаҳар шеваларига онд хусусият бўлиб, Ҳамза асарлари тилининг халқ тилига яқинлиги билан боғлиқдир. Одатда II шахс бирликдаги *сен* олмоши *-лар* кўрсаткичини қабул қилмаслиги керак, чунки бу олмошнинг кўплиги *сиз* билан ифодаланди. Шунга қарамай Ҳамза асарлари персонажларининг оммага қаратилган тантанали нутқларида *сен* ол-

²⁴ Ш. Абдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. Тошкент. 1962, с. 339.

²⁵ Абдурахмонов Ғ., Шукuroв Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 89-бет.

²⁶ Уша асар, 92-бет.

мошининг -лар олиш ҳоллари баъзан учраб туради: *Яшасун сен-ларни қонларинг била суғорилган шу III байналминалнинг қизил байроғи!* (Ист. қ. 100).

Кишилик олмошининг III шахс бирлиги традицион адабий тилимиздагидек *ул* ва ҳозирги адабий тилимиздаги сингари *у* кўринишларига эга: *Ул ёткан вақтда менга кўп ёшуруқча гаплар айтган эди* (Ист. қ. 8). *У бечора Сайидхондан ажралуб... икки кўзи кўр бўлди* (Ист. қ. 78). Кишилик олмошининг *у* формасида учраши янги ҳодиса бўлиб, жонли сўзлашув тилининг таъсири билан изоҳланиши шубҳасиздир.

У (ул) кишилик олмошининг келишиклар билан турланишида бир хиллик йўқ, яъни эски ўзбек тилига хос *ани*, *анга* ва ҳозирги тилимиздагидек, *уни*, *унга* тарзида турланаверган:

*Битсун, қонхўр золим бойлар,
Аларга йўлбошчилар* (БИ, 11, 60).

Шуни айтиш керакки, Ҳамзанинг сўнгги яратган асарлари тилида асосан III шахс кишилик олмоши *у* улар тарзида қўлланган. Бу хусусият ўзбек адабий тилининг ҳозирги нормага силжиши билан боғлиқдир.

Кишилик олмошининг I шахс кўплиги *биз* формасида учрайди. *Биз* олмоши I шахснинг кўплигини ифодалаш билан бирга, яқка шахсга нисбатан ҳурмат ўрнида ҳам қўлланган: *Биз энди билимиз, эй Аҳмаджон ака!* (Ист. қ. 9). *Бой: Фошохон, биз ўша яланг оёғдек бўлмадукму?* (БХ, 40). *Биз* олмоши гарчи кўпликни ифодаласа-да, баъзан кўплик кўрсаткичи -ларни қабул қилиб, коллектив кўпчиликни ифодалаш учун хизмат қилган: *У уйинг куйгур... раҳмсиз бойлар фақат бизларни бу ерларга киргани, ўлдургани юборган экан* (Ист. қ. 9). *Биз* олмошининг қаратқич билан турланишида деярли жонли сўзлашув тилига хос тушум келишигининг -ни формаси қўлланган: *Акбарбой* (чили-м солуб туруб). *Бизни девона қалай?* (Ист. қ. 9). II шахс кишилик олмошининг бирлиги *сиз*, кўплиги *сизлар* тарзида учрайди: *Оҳ, хоинлар! Сиз мени виждонсиз, номуссиз ўйлайсизми* (Ист. қ. 92). *Биз сизлар бор учун туруппиз* (Ист. қ. 51).

Сиз олмоши аксарият ҳолда II шахс бирликка нисбатан ҳурмат маъносида қўлланган: *Тиканнинг ҳадди борми ким, сизнинг пошнангизга қадалсин* (Бур. с. 23). Баъзан персонажлар нутқида *жанобингиз* сўзи ҳурмат маъносини ифодалаб, II шахс кишилик олмоши ўрнида келади: *Менам ҳозир жанобингизни кутуб турувдим* (Заҳ. ҳ. 3).

Ўзлик олмоши. Ўзлик олмоши традицион ва ҳозирги адабий тилимиздагидек *ўз* формасига эга²⁷. Ўзлик олмошининг гапдаги вазифаси, турланиши ва англатган маънолари ҳозирги ўзбек тилидаги хусусиятларига тўғри келади²⁸.

²⁷ Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси... 99-бет; «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, 35-бет.

²⁸ «Ўзбек тили грамматикаси», 1-том, 350—352-бетлар.

Ўз олмоши эгалик аффикслари билан турланганда баъзан традицион ҳолатини сақлайди, яъни сингармонизмнинг лаб гармониясига бўйсунди, лекин аксарият ҳолатда ҳозирги ўзбек адабий тилимиздагидек, *-им, -инг, -и, -имиз, -ингиз, -лари* аффикслари билан турланган: *Энди ўзум ҳам айтмоққа мажбурман..* (Заҳ. ҳ. 11). *Унинг ўзининг газит ўқиши бошига етди* (Бур. с. 32). Ўз олмоши кўпликдаги III шахс эгалик кўрсаткичини олиб яқка шахсга нисбатан қўлланганда ҳурмат маъносини ифодалайди: *Бой афанди ўзлари ёлғуз эканлар* (Заҳ. ҳ. 4).

II шахс эгалик аффиксларини олган ўз олмоши персонажлар нутқида баъзан «тангри», «олло» сўзларининг маъноларини ифодалайди. Бу ҳодиса эконимия қонунига биноан диний тушунчаларни ифодаловчи ундамаларнинг тушиб қолишдан ҳосил бўлганлиги шубҳасиздир: *М а р я м х о н и м: Ўзинг раҳм қил! Доносан, биносан,* (Заҳ. ҳ. 19). *Ўзинг тараҳҳум эгаси* (Ян. с. 6).

Ўзлик олмоши такрорланиб келиб, ҳаракат объектининг ўзлик олмоши ифодаланган субъектига алоқадорлиги ёки процесснинг содир бўлиш усулини ифодалайди: *Ўз-ўзини бир балога гирифтор қилади* (Заҳ. ҳ. 12). *Бошқа балолар ўз-ўзидан битмоққа бошлайди* (Ист. қ. 44).

Ўз олмоши пайт ва макон билдирувчи сўзлар билан муносабатга киришиб, ўзи муносабатга кирган сўзлардаги маъноларни таъкидлаш, чегаралаш учун хизмат қилади: *Бу кунни ўзидаги на ўзумми ҳалок этаман* (Заҳ. ҳ. 12). *Қўлин қовуштириб ҳурматни ўз жойида тутар эди* (Ян. с. 18). Ўзлик олмоши айрим ҳолларда тушум келишигини олиб, жўналиш келишиги функциясини бажариб келади: *Мана ўзини (ўзига) тўй қилганимга ўн-ўн беш йил бўлуб қолди* (Заҳ. ҳ. 4).

Сўроқ олмошлари. Сўроқ олмошлари сўзловчига номаълум бўлган шахс, нарса, белги, миқдор ёки макон ва замон ҳақида маълумот олиш учун хизмат қиладиган сўзлардир. Ҳамза асарлари тилида учрайдиган сўроқ олмошлари миқдори ва бошқа хусусиятларига кўра ҳозирги адабий тилимизда қўлланаётган сўроқ олмошларига яқинлиги билан характерланади²⁹.

Сўроқ олмошлари шахсга нисбатан *ким*, предметга нисбатан *нима* баъзан *на*, ўрнига нисбатан *қаердан*, *қайдан*, *қайёққа*, *қайга*; пайтга нисбатан *қачон*, миқдорга нисбатан *қанча*, *неча*, *нечти* формаларида қўлланган: *Ким сўроқ олмоши гапда сўроқ гапларни шакллантирувчи асосий восита бўлиб, кўпинча риторик сўроқ гаплар ҳосил қилган: Текин қиз бўлгандан кейин ким олмайди дейсиз!* (Заҳ. ҳ. 6). *Нима олмоши предмет, воқеа ва жониворларга нисбатан сўроқни билдириб, ўзига хос турли хусусиятларга эгалиги билан бошқа сўроқ олмошларидан ажралиб туради: нима олмоши исм, от, ном каби сўзларга нисбатан қўлланганда ким сўроқ олмоши маъносини ифодалайди: Мени сен нима (ким) деб ўйлайсан?* (Заҳ. ҳ. 15). *Отангизни исмлари нима?* (Қир. к.)

²⁹ «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, 343—350-бетлар.

а) абстракт ва конкрет тушунчаларни ифодаловчи отлар билан муносабатга киришиб, уларнинг белгиси ҳақида сўроқни ифодалаб, қанақа, қандай, олмошлари функциясини бажаради: *Қодирқул: Нима ҳодисалар бўлар эди* (Бур. с. 23). *Қани улар нима маслаҳат беради* (БХ, 2).

б) нима олмоши составли кесимлар таркибида келиб, инкор маъносини ифодалаши мумкин: *Бизни қўлимиздан нима келади* (Ист. қ. 79). *Қўлумдан нима келади, жоним қизим!* (Ист., қ. 65).

в) нима олмоши жўналиш келишигида келганда ва шунингдек, учун қўмакчиси билан муносабатга киришганда сабаб маъносини ифодалайди: *Тагин нима гага ноз қиласан!* (Заҳ. ҳ. 17).

г) нима олмоши асосан сўзловчининг фикрига тингловчининг муносабатини ифодаловчи сўроқни ифодалайди: *Хўш, ана, энди нима демоқчисиз?* (Ист. қ. 30).

д) нима (на) олмошлари баъзан якка ҳолда, баъзан такрорланиб келиб, сўроқ билан бирга гапда маънони кучайтириш хусусиятига ҳам эга: *Ҳайринисо: Нима, нима гап?* (Ист. қ. 82). *Бошингизга на кулфатларни солган бўлур эди* (Ист. қ. 79).

е) нима олмоши баъзан персонажларнинг ички нутқларида қўлланиб, ҳайратланиш, ажабланиш сингари маъноларни ифодалайди: *А! Нима?* (Хатни гижимлаб) *Ўнгулми? Тушумми? Оҳ!* (Ист. қ. 74).

ж) нима олмоши гапда сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ифодалаб, юклама бўлиб келади: *Нима, бу итни ўлуги учун... турли гапларни гафуради* (Ист. қ. 12).

Қани сўроқ олмоши ҳам сўроқ билдириш билан бирга турли хил маъно оттенкаларини ифодалаш хусусиятига эга:

а) шахс, нарс-предметларнинг ўрнига, мавжудлигига нисбатан сўроқни ифодалайди: *Қодирқул: Қани ўзи, ҳозир ит-лигим тутиб турибди* (Бур. с. 36).

б) шахсга нисбатан бирор ишни амалга ошириш учун таклиф, илтифот, илтижо маъноларини ифодалайди: *Қани юқориқоққа ўтурунг, домла!* (Ист. қ. 14).

в) қани олмоши феълларнинг буйруқ майли формалари билан келиб, дўқ-пўписа маъноларини ифодалаши мумкин: *Қодирқул: Қани айтма-чи...* (Бур. с. 28).

г) бирор ишни бажаришга ёки гапиришга қисташ, мажбур қилиш маъносини ифодалайди.

д) баъзан истак ифодалаб, *кошки* юкламаси ўрнида қўлланади: *Қани сен отангни ғариб ҳолини кўзинг била кўрсанг* (Ист. қ. 21).

Сўроқ олмошларидан эски ўзбек адабий тилида актив қўлланган *нечук* олмоши баъзан учраб туради: *Мен бу малъун, фоний давлатга мағрур бўлуб, маънавий давлатдан нечук қолай?* (Заҳ. ҳ. 9).

Юқоридаги олмошлардан ташқари *қайси*, *қанча*, *неча*, *қандай* сингари сўроқ олмошлари ҳам учрайдики, улар ўз хусусият-

ларига кўра ҳозирги тилимиздаги сўроқ олмошларидан фарқланмайди.

Кўрсатиш олмошлари. Ҳамза асарлари тилида кўрсатиш олмошларининг содда формалари *бу, шу, шул, у, ул, ўша, ўшал;* мураккаб формалари *мана шу, мана бу, ана у, анаву* кўринишларга эга: *Бу бадбахтлик қайдан келди* (Ист. қ. 36). *Осонми шу қиёматчиликда ўлик кўммак* (Ист. қ. 36). *Энди мана аҳволимиз шул* (Ист. қ. 33). *Уша амакинғизни ўғли била бирга кетувди* (Ист. қ. 78). *Мана шуни олиб келувдим* (Ист. қ. 72). *Мана буни тўлғузаман деб амалдорлиғни олдим* (Бур. с. 17). *Иннай-кейин сен анаву уйга чиқуб тургин* (Ист. қ. 27).

Кўрсатиш олмошларининг келишиклар билан турланиши ҳозирги адабий тилимизга яқинлиги билан ажралиб туради, шунга қарамай, баъзан традицион адабий тилга хос *ул* олмоши турланганда *у* нинг *а* га ўтиш ҳодисаси ҳам содир бўлади. Бу ҳол саводли персонажлар нутқида адиб ижодининг революциядан илгариги намуналарида содир бўлган: *Марямхоним: Бир қилмишинг одам ўлдуриш эди! Ани ҳам қил эди* (Заҳ. ҳ. 20). *Сизлар ҳам анда саломат бўлингиз* (Ист. қ. 80).

Персонажлар нутқида *ундан кейин* бирикмаси *иннай кейин* формасида ҳам тез-тез учраб туради. Бу ҳол ҳам жонли сўзлашув тилига хос хусусиятдир: *Аҳмаджон: Ҳайрият ҳам сени қўлингга тушгани, хўш иннайкейин?* (Ист. қ. 58).

Кўрсатиш олмошларидан *шул, ул, ўшал* олмошларининг Ҳамза асарлари тилида учраши традицион адабий тилимиз функционал қолдиқларининг давоми сифатида изоҳланиши шубҳасиздир. Айни вақтда *шу, у, анаву* каби кўрсатиш олмошлари истеъмом доирасининг кенгайиши адабий тилга жонли сўзлашув тили таъсирининг кучайиши билан боғлиқдир.

Кўрсатиш олмошларининг ўзларига хос баъзи бир хусусиятлари қуйидагича:

1. *Бу* кўрсатиш олмоши Ҳамзанинг драматик асарлари тилида келишиклар билан турланганда ҳамда ўхшатиш формаси *-дайни* қабул қилганда сўз бошидаги *б* ундоши *м* га айланади: *Началъник: Кўтаринг дедим мунин!* (Ист. қ. 13), *Ман мунга берган тузларимга рози эмасман* (Бх, 10) *б* ундошининг *м* га ўтиши баъзан традицион адабий тилда ҳам учраб туради³⁰. Лекин Ҳамза асарлари персонажлари тилида учрайдиган *м* лашиш ҳодисаси жонли тилга, яъни марказий шаҳар шеваларига хос хусусиятдир³¹.

2. *Шу, бу, ўша* кўрсатиш олмошлари пайт ифодаловчи сўзлар билан келиб, пайтни таъкидлаб кўрсатади ва ўзлари билан бирга келган сўзлар билан биргаликда пайт равишлари ҳосил қилади: *Эй тақсир! Шу тоғда ҳамдуна, паланг қилиб ўлтирасиз*

³⁰ Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 95-бет.

³¹ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 98-бет.

иш? (Ист. қ. 29). *Ш у б у к у н қ а т ғ и й ж а в о б и н и о л и н г* (Бур. с. 6). *Ш у ҳ а ф т а қ и з и н и б е р и ш и н и б и л с и н* (Бур. с. 26).

3. *Шу* олмоши *-ча, -дай* аффиксларини олганда, бир *н* ортти-илади, шунингдек *қадар* сўзи билан муносабатга киришганда ҳаракат ёки белги даражасини ифодалаб гапда даража-миқдор золи бўлиб келади: *Бир* хоиндан *ш у н ч а ҳ а қ о р а т в а с ў қ у ш л а р и ш и т у б х ў р л а н а м и з* (Ист. қ. 7). *М а н с а н и т у п п а -т у з у к о д а м д е б о р с а м, ш у н д а й р а с в о м и с а н?* (Бур. с. 35). *Бир* хоин *ш у қ а д а р гўрлайдими*.

4. *Бу* олмоши билан муносабатга киришган пайт, нарса, шахс билдирувчи отлар тушиб қолганда, ҳозирги тилимиздагидек, отларга хос грамматик кўрсаткичлар олиб отлашади³² ва гапда тушиб қолган сўз бажарган функцияда келади: *Биз энди қўрққан мишиқдек шумшайиб м у н д а (б у е р д а) ў т у р а й л и к* (Ист. қ. 20). *О л т и т а э к а н, м у н и (х о т и н н и) н и м а қ и л а д и р э н д и* (З. ҳ. 6). *Б у л а р н и* (одамларни) *турмуши тоқ ҳайвонларидан хароб* (Ист. қ. 15).

5. *Бу* олмоши *ўша* олмошидан олдин келиб, *ўша* олмоши кўрсатган шахс отларини таъкидлаш, кўрсатиш учун хизмат қилади: *Б у ў ш а м а л ғ у н қ ў р б о ш и н и ҳ и й л а с и...* (Ист. қ. 82).

6. Баъзан *муни* олмоши такрорланиб келиб, маънони кучайтиришга хизмат қилган: *М у н и, м у н и у с т и г а. О ҳ, о ҳ! Б у б и н о кўзларимни кўр, басир қилдинг* (Ист. қ. 19).

Гумон олмоши. Ҳамза асарлари тилида қўлланган гумон олмошлари ўз хусусиятлари билан ҳозирги ўзбек тилидаги гумон олмошларига ўхшашдир³³. Адиб асарлари тилида *ниманидур, фалон, биров, бирор нарса, алланима, аллақанча, аллаким сингари* гумон олмошлари учрайди. Бу олмошлар янги давр адабий тилига жонли сўзлашув тилидан ўтганлиги шубҳасиздир. Бу тип гумон олмошлари тил тарихига оид қўлланмаларда учрамайди³⁴. Баъзи қўлланмада қайд қилинган бўлса-да, манбалардан аниқ мисоллар келтирилган эмас³⁵. Гумон олмошлари сўроқ олмошлар олдидан *алла* элементини келтирилишидан ҳосил бўлган. Бу *алла* элементи тўғрисида лингвистик адабиётларда ҳеч нарса дейилмайди. Бизнинг фикримизча, гумон олмоши таркибидаги *алла* компоненти *ола* (пестрий) сўзига алоқадор бўлса керак. Бу айрим туркий тилларда кўчма маънода нотўғри (неверний), ҳар хил (неодинаковий) маъноларини ҳам англатади³⁶.

Ҳамзанинг персонажлари тилида *алла* компонентли гумон олмошлари кўплаб қўлланган. Бу олмош жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, сўнгги даврларда жонли сўзлашув тилидан адабий

³² «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, Морфология, 338—339-бетлар.

³³ *Уша* асар, 359—363-бетлар.

³⁴ Абдурахмонов Ғ., Шукuroв Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 112—113-бетлар.

³⁵ Шербак А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 136.

³⁶ Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. М., 1974, с. 129.

тилга ўтгани эҳтимолдан ҳоли эмас: *Хожии она ҳам а л л а к и м н и н г қизини кўриб келдим деятувдилар* (БХ, 77).

Бир сўзи ҳам замон, нарса, киши, гап сингари сўзларга қўшилиб, гумон олмоши ифодалаган маънони ифодалаши мумкин: *Бир замон Миср вилоятида Носир исмли бир савдогар бор эди* (Қир. к.) *Бир гап бўлиб кетар қизим* (Ист. қ. 26). Баъзан ҳора сифати ҳам гумон маъносини ифодалаши мумкин: *Менга узоқдан икки қ о р а кўринди* (Ист. қ. 55).

Жамлаш ва белгилаш олмошлари. Жамлаш ва белгилаш олмошлари умуман англатган маъносига кўра бир-бирига яқин бўлса-да, улардан бири умумнинг бўлакларига тегишлиликни таъкидлайди, иккинчиси тўғридан-тўғри умумга алоқадорликни ифодалайди. Шунга кўра, улар жамловчи ва белгилаш олмошларига бўлинади. Ҳамза асарлари тилида белгилаш олмошлари ҳозирги тилимиздаги каби содда ва мураккаб кўринишларга эга бўлиб, уларга қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: *ҳар, баъзи, ҳар қанча, ҳар ким, ҳар нарса, ҳар бир, ҳар иков, ҳар нима, ҳар доим, ҳаргиз, ҳар битта, ҳар хил* сингари. Бу олмошлар англатган маънолари, морфологик хусусиятлари ва гапдаги вазифалари жиҳатидан ҳозирги ўзбек тилидаги белгилаш олмошларининг хусусиятларидан фарқланмайди³⁷. Белгилаш олмошларининг баъзи бир хусусиятлари қўйидагича:

1. *Ҳар* олмоши ўзи қўшилиб келган отларни таъкидлаш, ажратиш учун хизмат қилган: *Ҳар бидъатни янчамиз* (Енад. 14).

2. *Ҳар ким* олмоши шахсга нисбатан қўлланиб, умум шахснинг ҳар бирини алоҳида таъкидлайди: *Ҳар ким хоҳлаганига тегмоқ каби хилоф, шаръи ишлар ҳаммаси шайтони* (Ист. қ. 32).

3. *Ҳар* олмоши *хил* сўзи билан бирикиб, ўзи муносабатга кирган сўзнинг турини таъкидлайди ва гапда аниқловчи, баъзан умумлаштирувчи сўз бўлиб келади: *24 дона ҳар хил: банорас, беқасам, атлас тўн олдик* (Бур. с. 16).

4. *Ҳар бир* белгилаш олмоши шахс, нарса-предметдан бирини таъкидлаш орқали барчага алоқадорликни ифодалайди: *Ҳар бир жафо ва меҳнатга сабир қилган киши...* (Қир. к.).

5. *Ҳар бир* олмоши эгалик аффиксларини олиб, шахсларни ажратиб кўрсатиш орқали белгилаш маъносини ифодалайди: *Ҳар бирингиз ўзунгизни саломат олиб чиқуб кетасиз* (Ист. қ. 50).

6. *Ҳар* олмоши *иков, ики* сонлари билан келиб, бу сонларда ифодаланган миқдорий тушунчаларни ва улар боғланган сўзларни умумлаштириш, таъкидлаш маъносини ифодалашга хизмат қилади: *Ҳар иковлари ҳам мадорсиз ташна бўлдилар* (Қир. қ.) *Сувнинг ҳарикки ёғи қуруқ тўқай* (Ист. қ. 2).

7. *Ҳаргиз* олмоши бўлишсиз феъллар билан муносабатга кирганда бўлишсиз олмоши (ҳеч вақт) ифодаланган маънони ифодалайди: *Ухланг! Кўзингиз ҳаргиз очулмасун* (Ист. қ. 61).

³⁷ «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, 353—356-бетлар.

8. *Ҳар олмоши доим сўзи билан келиб, пайтни умумлаштира, томон сўзи билан келиб ўринни, қанча сўроқ олмоши билан келганда миқдорни белгилаш учун хизмат қилади: Жоним, мен ҳар доим умидда тураман!* (Заҳ. ҳ. 12). *Ҳар томонга кўрпача ва ёстуқлар солинадур* (Бур. с. 22). *Ҳар қанча тортишса, ҳаққи бор* (Бур. с. 17).

9. *Ҳар олмоши нарса сўзи билан муносабатга киришганда маънода умумийлик касб этади ва ҳар нима олмошига синоним бўлиб келади: Ҳар нарса бўлсам бўламан... Уларни кўчаларда сарсон қилмайман* (Бур. с. 37).

10. *Баъзи олмоши умумдан ажралган хусусийлик маъноларини белгилаш, таъкидлаш учун хизмат қилади: Баъзи гапларда гапуруб мени хижолат қилдилар* (Заҳ. ҳ. 6).

Баъзи олмошига бир неча олмошининг синоним бўлиб келиш ҳолатлари ҳам мавжуд: Бир нечалари йиғламоқда... баъзилари қолмоқчи (Қир. қ.).

Жамликни ифодаловчи олмошларга *ҳамма, ҳама* (Ист. қ. 65), *бутун* (Ист. қ. 22), *тамоман* (Ен. ад. 22), *барча*, (Ен. ад. 22), *умум* (Қир. к.) сингари олмошларни кўрсатиш мумкин. Жамликни ифодаловчи олмошлардан кенг истеъмолда бўлгани *ҳамма* олмоши бўлиб, у қуйидагича хусусиятларга эга:

1. Шахсларни жамлаб кўрсатади: *Подшоҳ раҳимдил ўлса, ҳама халойиққа мартабали ўлур* (Қир. к.).

2. Абстракт отлар, шунингдек, нарса предмет отлари билан муносабатга кирганда, шу отдан англашилган тушунчани тўдалаб умумлаштиради: *Инсон ҳаёти учун керакли бўлган ҳама аҳволдан хабардордурлар* (Ист. қ. 46). *Қамчинимдан ҳама жониворларнинг изи титрайдир* (Бур. с. 3).

3. Пайт ифодаловчи отлар билан келиб, пайтни умумлаштиради, шунингдек, отлашган сифатдош билан келиб, сифатдошда ифодаланган ҳаракатни умумлаштиради: *Ҳама вақт сен мендан кўрасан* (Ист. қ. 65). *Ҳама айтганингиз тўғри* (Ист. қ. 69).

11. Жамлик маъносини келишиқ кўрсаткичлари билан келган *умум* сўзи ҳам ифодалайди: *Умум фойдаси учун... ширин жонидан ҳам кечар* (Қир. к.).

Булардан ташқари, *бутун, барча, тамоман* сўзлари ҳам жамлаш олмошларининг маъноларини англатиб келади: *Ҳозур бутун амалдорлар ўринларидан тушунди* (Ист. қ. 53). *Барчани ўйнаб қимор қилди адо* (Ен. ад. 22). *Ҳовли-жойларни тамоман бой беруб...* (Ен. ад. 22).

Бўлишсизлик олмошлари. Бўлишсизлик олмошлари от, сифат, равиш ва феълларга нисбатан инкорни ифодалаб, содда ва мураккаб кўринишларга эга. Бўлишсизлик олмошининг содда формаси *ҳеч сўзидир. Бесабрни бўлмагай ҳеч ўнг иши* (Қир. к.). *Раҳимшафқат деган нарса ҳеч қолмадилми?* (Ист. 68).

1. Баъзан *ҳеч* олмоши ифодаланган инкор маъносини жонли сўзлашув тилига хос *сира, асти* (асло) сўзлари ҳам ифодалаб келган. Бу *сира, асти* сўзларини *ҳеч* олмошининг синонимлари

дейиш мумкин: *Маним кишимнинг сира бундай ёмонлиқлари йўқ эди* (Бур. с. 38). *Сиздан асти тинчимадим-да, мени бошимга битган бир боло бўлдингиз* (БХ, 39).

2. Баъзан чандон сўзи ҳам бўлишсизлик олмоши маъносини ифодалаб келган: *Неча мартаба ким зикр қилдим, чандон парво қила кўрмадилар* (Бур. с. 10).

3. Биров гумон олмоши келишиклар билан турланиб, инкор билдирувчи феъл билан муносабатга киришганда бўлишсизлик маъносини англатади: *Бировни (ҳеч кимни) гафига қулоқ солдирмас экан* (Ист. қ. 32).

Бўлишсизлик олмоши ҳеч олмошига нима, нарса, ким сингари сўроқ олмошлари ва бир сонининг қўшилишидан ҳосил қилинган: *Худодан бошқа ҳеч ким мени ҳолимдан ҳам хабардормас* (Ист. қ. 38). *Қамбағалнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди-ю* (Бур. с. 10—11). *Фуқаро деган қаршилик қилиб ҳеч бир жойга бора олмайду* (Бур. с. 23).

а) бир ва киши сўзларидан таркиб топган гумон олмошлари инкор билдирувчи сўзлар билан муносабатга киришганда, бўлишсизлик маъносини англатади, шунингдек, *ҳаргиз* белгилаш олмоши ҳам инкор билдирувчи феъллар билан алоқага киришганда, бўлишсизлик маъносини ифодалаш мумкин: *Энди сенга қулоқ солувчи бир киши (ҳеч ким) йўқ* (Ист. қ. 95), *Йўқ, йўқ, ҳаргиз (ҳеч қачон) чидаб тура олмасдинг* (Ист. қ. 87).

б) ҳеч олмоши *иш, гап* сўзлари билан келганда *ҳеч нарса, ҳеч нима* бўлишсиз олмошлари англатган маънони англатиб, уларга синоним бўлиб келади: *Ҳали ҳеч иш (ҳеч нарса) бўлгани йўқ, ҳали ҳам олса бўлаверади* (Ист. қ. 33). *Ҳали ҳам ҳеч гап (Ҳеч нима) бўлгани йўқ* (Ист. қ. 80).

в) *ҳеч бир, ҳеч нарса* олмошлари бўлишли феъллар билан муносабатга киришганда бўлишсизлик маъносини эмас, балки гумон маъносини англатади ва гумон олмошига синоним бўлиб келади: *Эллик боши: Ўзингизда ҳеч нарса борми?* (Ист. қ. 34). *Сайидхонни сизга ҳеч бир ҳурмати борми?* (Ист. қ. 51).

ФЕЪЛ

Ҳозирги адабий тилга хос бўлган феълларнинг грамматик категориялари: майл, замон, бўлишли, бўлишсизлик, ўтимли ва ўтимсизлик, даража, функционал формалар (равишдош, сифатдош, ҳаракат номи) Ҳамза асарлари тилига ҳам алоқадордир.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарлари тилида учрайдиган феъл формалари ўзига хос хусусиятларига эга, яъни унинг асарлари тилида традицион адабий тилда учрамайдиган ҳозирги адабий тилга хос хусусиятлар кўплаб учрайди³⁸.

³⁸ Бу хусусиятлар ҳақида қуйироқда гап боради.

Феъл майллари

Феъллардаги майл категорияси ҳаракат ва субъект орасидаги алоқанинг воқеликка муносабатини ифодаловчи категория бўлиб, у ўз навбатида буйруқ-истак, шарт, мақсад ва ижро майлларига бўлинади³⁹.

Буйруқ-истак майли

Ҳамзанинг реалистик асарлари тилида буйруқ-истак майлининг I шахс бирлиги асосан -(а) й аффикси воситасида шаклланиган, баъзан -(а) йин формаси ҳам учраб туради: *Унгача ман банкага бориб келай* (Бур. с. 16). *Чиқиб туринг, ман ўзумни тузатиб олайин* (БХ, 45).

Буйруқ-истак майли I бахс бирлигининг англатган маънолари ва бошқа хусусиятлари ҳозирги ҳолатга тўғри келади⁴⁰.

1. Буйруқ-истак майли формасидаги феъллар нима, нечук сингари олмошлар билан муносабатга кирганда истак-хоҳиш эмас, балки инкор маъноси ифодаланади: *Мен бой қизини нима қилай* (Заҳ. ҳ. 7). *Мен бу малъун, фони давлатга мағрур бўлиб маънавий давлатдан нечук қолай* (Заҳ. ҳ. 9).

2. Айлана қолай, ўргилай, тасаддуғинг кетай сингари турғун сўз ва бирикмалар таркибида келиб, сўзловчининг ижобий муносабатини (экспрессивлик) ифодалайди: *Оғзингдан ўргилай сенинг* (Бур. с. 15). *Айлана қолай додхоҳ!* (Бур. с. 24). *Қаёққа қарасам ҳур билан ғулмон қучаман-а! Тасаддуғинг кетай* (Бур. с. 29).

11. I шахс буйруқ-истак майлининг кўплиги асосан ҳозирги адабий тилимиздаги сингари -(а) йлик аффикси ёрдамида ифодаланган. Бу майл формасида майл кўрсаткичи қўшилган феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатга даъват, илтимос, ялиниш сингари маънолар ифодаланади: *Бўладиган гапди гафур ушайлик-да, кетайлик* (Ист. қ. 3). *Чин мақсудингиз бўлган қизлар, мактаби очайлик* (Заҳ. ҳ. 8).

Ҳамзанинг «Бурунги сайловлар» драмасининг баъзи персонажлар тилида -(а) йлик аффиксининг қипчоқ тилларига хос қаттиқ тил орқа варианты -(а) йлиқ ҳам содир бўлган. Бу хусусият ўша даврдаги тил сиёсати ёки наشريёт ходимларининг фаолияти билан боғлиқдир. *Биров эшитса яна биз айбдор бўлиб қолмайлик* (Бур. с. 40). Бу диалектал форманинг -й (ик) вариантини XX аср бошида чиққан матбуот тилида ҳам учратиш мумкин: *Бирлашиб, биргалашиб ишлайик* (СТ, 1914, 46).

³⁹ Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 202—209; «Ўзбек тили грамматикаси», 1-том. Морфология... 463—475-бетлар; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 138—154-бетлар.

⁴⁰ «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том. Морфология, 464—465-бетлар.

III. Буйруқнинг ҳақиқий маънодаги ифодаланиши II шахс формасидагина бўлади. Бунда буйруқ дўқдан бошлаб, то ялғинишгача бўлиши мумкин⁴¹.

Ҳамза асарлари тилида II шахс бирликка нисбатан буйруқ барча давр тилида бўлганидек, асосан феъл ўзак-негизлари орқали, бўлишсизлиги эса форма ясовчи *-ма* аффикси ёрдамида ҳосил қилинган: *Ол қўлингни, нарироқ тур!* (Заҳ. ҳ. 15). *Улган бечора ютангани унутма!* (Ист. қ. 22).

Эски ўзбек тилида буйруқ-истак маъноси II шахс бирликда *-гил* (*-гил, -қил, -кил*) формалари билан ифодаланган, лекин Ҳамзанинг реалистик характерга эга бўлган асарлари тилида асосан *-гин* формаси қўлланиб, айрим ҳолатдагина *-гил* варианты учрайди. Бу хусусият эски ўзбек адабий тилининг функционал қолдиқлари билан шарҳланади: *Муни устига сен ҳам мунча доғламагин!* (Ист. қ. 65). *Фершилни комнатиға бор, шунақа дегин!* (Ист. қ. 5). *Сендан сўраганимда ўпдилар дегил* (Бур. с. 28). Бу майл формаси нейтрал буйруқдан ташқари қуйидагича маъно оттенкаларига эга:

1. Дўқ оттенкаси ифодаланди: *Ол қўлингни, нарироқ тур!* (Заҳ. ҳ. 15).

2. Ялғиниш, илтимос маъноси ифодаланади: *Сабр, қил, қизим, худо подшодир* (Ист. қ. 26). *Мен жуда соғиндим, мени жоним, кир!* (Ист. қ. 88).

3. Ҳаракат ёки ҳолатни бажаришга ундаш, қисташ оттенкаси ифодаланади. *Бер! Бер! Жазомни! Улди р! Улди р!* (Заҳ. 19). *Тур, йўқол, ҳозир қўчиб кет!* (Бур. с. 35).

4. Баъзан турғун иборалар таркибида келиб, қарғиш оттенкасини ҳам ифодалаши мумкин: *Эй бемаърифат эшон! Эшон бўлмай қол!* (Заҳ. ҳ. 16). *Садқаи салла, китоб кет, шайтонлар!* (Ист. қ. 9).

IV. Буйруқ майлининг II шахс кўплиги феъл негизларига асосан *-(и)нг* аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинган, бу аффиксининг лабланган вариантлари Ҳамза асарларида учрамайди. Бу хусусият Ҳамза асарлари тилининг традицион эски ўзбек тилига нисбатан ҳозирги адабий тилимизга яқинлиги, миллий адабий тилимиз нормаси сари силжиганлиги билан изоҳланади: *Халқ номидан қасам бераман. Оғизларингиздан чиқарманг!* (Ист. қ. 59).

а) *-(и)нг* формаси фақат II шахс кўпликка нисбатан буйруқни ифодалаб қолмай ҳозирги адабий тилдагидек II шахс бирликка нисбатан ҳурматни ҳам ифодалайди⁴². *Сиз уни алдаб-сулдаб йўлга солинг* (БХ, 38).

б) буйруқ майлининг II шахс кўплиги феъл ўзак негизларида *-(и)нлар* аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинган: *Мен-*

⁴¹ Уша асар, 465-бет.

⁴² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965, 82-бет.

дан кейин муродларингга етинглар (Ист. қ. 66). Бу ишимни битқизиб беринглар (БХ, 12).

в) буйруқ майлининг II шахс кўплигини яна бир кўриниши -(и) нгиз аффикси воситасида шаклланган. Бу форма ҳам -(и)нг формаси сингари якка шахсга нисбатан ҳурмат ифодалаш хусусиятига эга: *Яна мени фақир деб ташламангиз, жоним!* (Заҳ. ҳ. 12).

Бу майл формасининг лабланган -унглар, -унгуз формаларини учрата олмадик.

V. Буйруқ-истак майлининг III шахс бирлиги Ҳамза асарлари тилида -сун, -син кўринишига эга. Буйруқ-истак майлининг бошқа формаларида бўлганидек, II шахс орқали III шахсга нисбатан буйруқ ифодаланиб қолмай, балки истак, илтимос, ачиниш, чақирик, эслатиш, олқиш сингари турли хил маънолар ифодаланади:

а) ҳаракат ва ҳолатни бажаришга нейтрал маънодаги ундош маъноси ифодаланади: *Бу тўнлар ҳам шу ерда турсун* (Бур. с. 14).

б) олқиш маъносидagi истак ва табрик маънолари ифодаланади: *Бизни қадамларимиз тегди, бало тегмасун* (Ист. қ. 28). *Оғам Аҳмаджон, сенга ва буларга муборак бўлсин!* (Ист. қ. 60).

в) ачиниш ва илтимос маънолари ифодаланиши мумкин: *Энди бечора ота-онангиз қандай қилсин* (Ист. қ. 69). *Мана шунли олиб келувдим, мана, болам, бувингиз билмасун* (Ист. қ. 72).

г) дўқ ва қарғиш маъносидagi буйруқ ифодаланди: *Мунга берган тузларимга рози эмасман, сани кўр қилсун* (БХ, 10). *Шу ҳафта қизини беришни билсун* (Бур. с. 26).

д) ижтимоий характерга эга бўлган, монолит бирликка қаратилган буйруқни ифодалайди. Бундай вазиятда тартиб ўзгариб, буйруқ майлидаги феъл гапнинг бошида келади⁴³. *Яшасун, меҳнаткашлар учун жонин қурбон қилган фидокорлар!* (Ист. қ. 100).

III шахс буйруқ майли кўрсаткичларини олган баъзи феъл формалари натижа, пайт ва тўсиқсиз эргаш гапларнинг кесими функциясида келади: *Тиканнинг ҳадди бормикан, сизнинг пошнангизга қадалсин* (Бур. с. 23). *Мана бу сайлов ўтсун, ман сизга бир-иккита йўл ўргатаман* (Бур. с. 15). *Тўғри сўз киши ҳам бой бўлсун, бечора бўлсун, оми бўлсун, ҳеч бир жафокўрмасдан яшай оладир* (Қир. к.).

II шахс эгалик аффиксларини олган қариндош-уруғ ва шахс отлари II шахс буйруқ майлидаги ўргулмоқ, қурбон бўлмоқ феъли формалари билан муносабатга киришиб, I шахснинг II шахсга нисбатан симпатиясини ифодалайди: *Даданг ўргулсун, ҳозир холанг ҳам келади* (Ист. қ. 25). *Қора кўзларингдан тўккан ёшларга Санубаринг қурбон бўлсун* (Ист. қ. 77).

⁴³ Бу давр тилида янги ҳодиса бўлиб, рус тилининг таъсирида келиб чиққанлиги шубҳасиздир. Бу форма Ҳамзанинг революцион шеърларида кўплаб учрайди.

Буйруқ майлининг III шахс кўплиги *-синлар (-сунлар)* форма-сида ҳам шаклланган: *Элликбоши билан муаллимни айтиб кел, дарров кел синлар* (Бур. с. 32). *Қазноққа жимжит қилиб қулф-лаб қўя қол синлар* (Бур. с. 16). Бу форма аксарият ҳолларда II шахсга нисбатан ҳурмат маъносидида қўлланган. *Домулло, Зокир-га бир хат ёзиб бер сунлар* (Бур. с. 13).

Шарт майли

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган феълларнинг шарт майли формаси феъл негизларига ҳозиргидек *-са* аффиксининг қўшили-ши билан шаклланган. Бу форма ўзининг функцияси ва англа-ган маънолари, тусланиши жиҳатидан асосан ҳозирги ўзбек тили-даги шарт майли формаларидан фарқланмайди⁴⁴.

Шарт майли формасининг англаган маъно ва функциялари қуйидагича:

1. Асосий ҳаракатнинг бажарилиши учун восита бўлган бирин-чи ҳаракатни ифодалаб, шарт эргаш гапнинг кесим функциясини бажаради: *Энди биртагина фарзандингизни хурсанд қиламан де-сангиз, ўша Марямхонни олиб берасиз* (Заҳ. ҳ. 4).

2. Ҳаракат феълларига қўшилиб, пайт маъносини билдиради ва пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Ошни олуб бор-сам, назарател начальникдан сўра деди* (Ист. қ. 48).

3. Баъзан пайт маъносини ифодалаб бирикмали пайт ҳоли бў-либ келади: *Бойдан камбағалгача мени кўрса ўрнидан туради* (Заҳ. ҳ. 16).

4. Шарт майли кўрсаткичини олган феъл формалари ҳам ёр-дамчи сўзини олиб, баъзан воқеа-ҳодисанинг юзага чиқишида тўсиқ бўлмайдиган қарама-қарши ҳаракат, ҳолатни билдиради ва гапда тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими функциясини бажаради: *Додхоҳ, ҳар кимдан ҳар қанча шубҳа қилсангиз ҳам мендан сира кўнглингизга шубҳа келтирманг* (Бур. с. 25).

5. Шарт майли формасидаги феъллар тусланган ҳолда *-чи* юк-ламасини олиб, баъзан юкламасиз илтижо, истак, илтимос маъно-ларини ифодалайди: *Кишилар, менга раҳм қилсаларингиз-чи* (БХ, 48). *Бир фиёла қўлинг билан сув берсанг* (Ист. қ. 21).

6. Суҳбатдошига нисбатан маслаҳат маъносини ифодалайди: *Бир қошиқ сув билан никоҳ қилиб қўя қолсангиз бўларди дейман* (Ист. қ. 80).

7. Феълда ифодаланган ҳаракат ва ҳолатга нисбатан нохайри-хоҳлик, норозилик маънолари ифодаланади: *Мени бошимда би-фор эркак бўлмаса* (Ист. қ. 31). *Жоним қизим худо бизни шун-дай қилган бўлса* (Ист. қ. 26).

8. Феълнинг шарт майли формасида келган минг қилса турғун бирикмаси барибир модал сўзи ўрнида, бўлмаса боғловчиси эса майли сўзи маъноларига яқин маъноларни ифодалайди: *Минг*

⁴⁴ Уша асар, 467—472-бетлар.

қилса ўрус тўраси-да, ишониб бўладирми (Бур. с. 11). Бўлмаса, мана буни олуб боринг (Ян. с. 29).

9. Бўлмаса керак, айтса керак сингари бирикмаларда эҳтимол, фараз, турсангиз кифоя бирикмасида розилик, манфаатдорлик маънолари ифодаланади: ...Қосимжон бўлса керак (Ист. қ. 55). Сиз-да, албатта, у томондан монёв бўлуб турсангиз кифоя (Заҳ. ҳ. 12).

10. Баъзан -ар сифатдош формасининг шарт майли кўрсаткичи -са ўрнида қўлланиш ҳоллари ҳам учрайди:

Хисса ҳар ким отасин сўзин тутар,
Дунёдин айшу фароғатда ўтар (Ен. ад. 22).

Аниқлик майли

Аниқлик майлининг бошқа майллардан ўзига хос фарқли томони унинг уч замоннинг бирида келиши билан характерланади. Аниқлик майлидаги феъллар бошқа майллар сингари махсус, ўзига хос морфологик кўрсаткичларга эга бўлмай, аниқлик майлининг маъноси замон, шахс-сон аффиксларини олган феъл формалари ёрдамида англашилади⁴⁵.

Ўтган замон феъл формалари. Ҳамза асарларида учрайдиган ўтган замон феъл формалари ўзларининг англатган маъно хусусиятлари ва тузилишига кўра турлича бўлиб, асосий хусусиятларига кўра ҳозирги адабий тилимиздаги ўтган замон феъл формаларидан унчалик фарқланмайди⁴⁶.

Ҳамза асарларида қўлланган ўтган замон феъл формалари синтетик ва аналитик формалардан иборат.

Синтетик формалар қуйидагича ҳосил бўлган:

1. -ди (баъзан жарангсиз ундошлардан сўнг -ти) аффиксига шахс-сон қўшимчаларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бу форма ўтган замонда бўлган ҳаракат ёки ҳолатнинг аниқ бажарилганлиги ёки бўлганлигини ифодалайди: Олти яшик пива олиб келдим (Бур. с. 15). Сизлар мени йўлимни тўсдиларинг (Ист. қ. 59).

Баъзан ўтган замон феълининг бу формаси -дим, -дук, -диқ тусловчиларини қабул қилган. Бу хусусият традицион адабий тилимизнинг функционал қолдиқлари сифатида содир бўлган⁴⁷. Мен кечалаб пойизга чиқариб қўйдим (Ист. қ. 60). Сани бирор қишлоққа амин қилишга қарздор бўлдиқ (Бур. с. 17). Муҳтарам ватандошларимга тақдим қилдук (МА, 1).

⁴⁵ Кононов А. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 208; «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том. Морфология, 75-бет; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965, 81-бет.

⁴⁶ Ҳожиёв А. Феъл. Тошкент, 1973, 131—155-бетлар.

⁴⁷ -диқ формаси асосан Ҳамзанинг 1926 йилда босмадан чиққан «Бур. с.» асарида кўп учрайди. Бу ҳол ўша даврдаги тил сиёсати натижасида (қипчоқ шеваси таъсирида) вужудга келган.

2. Ўтган замон феълининг бу формаси тусланган ҳолда ўзидан олдин нима сўроқ олмоши келганда, ҳозирги-келаси замон феълига (нима қиламиз, нима дейсиз) синоним бўлиб келади: *Хўш, энди нима қилдик?* (Бур. с. 15). *Салласини ўзига кафан қиламиз, нима дедингиз?* (Ист. қ. 46).

3. Ўтган замон феълининг *-ди* формаси нутқ сўзланиб турган пайтда содир бўлаётган процессда тингловчига нисбатан ишлатилса, ҳозирги замон феъли формаси маъносини англатиши мумкин. Лекин бу форма экспрессивлиги билан фарқланиб туради: *Начальник: Кўтаринг дедим мун!* (Ист. қ. 13). *Қодирқул: Чиқ дедим, падар лаънат, ит!* (Бур. с. 38).

4. *-ди* аффиксли ўтган замон феъллари уюшган ҳолда, баъзан такрорланиб келиб, маъно кучайтиришга хизмат қилади: *Юракларим куйди, ёнди, ёнди жоним болам!* (Ист. қ. 21).

5. Кўмакчи феъл билан етакчи феъллар *-ди* формасида келиб, яъни улар ўзаро формасиз бирикиб, маъно кучайтириш хусусиятига эга бўлади⁴⁸: *Юракларим эзилди кетди* (Ист. қ. 64). *Мана, холос, рост бўлди қўйди* (Ист. қ. 78).

II. Ўтган замон феълининг синтактик формаларидан бири *-ган* баъзан *ған*) сифатдош формаларига шахс-сон аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган: *Қиёматда қўшнидан деганлар* (Бур. с. 36). *Буларга маориф эшиги беркилган* (Ист. қ. 15).

Баъзан *-ған* сифатдош формаси орқали ўтган замон феълларининг ҳосил бўлиши ҳоллари традицион адабий тилнинг функционал қолдиғи ҳисобланади. *Деворда қилич ва топпончалар осилған* (Бур. с. 22).

Шуниси характерлики, *-ған* аффикси воситасида шаклланган ўтган замон феъллари кўпинча автор нутқида учрайди. Ҳамза асарлари тилида бу феъл формаси ҳозирги замон ўзбек тилидаги хусусиятларини сақлаган⁴⁹.

III. Равишдошнинг *-(и) б, -(у) б* аффиксига шахс-сон қўшимчаларининг қўшилишидан ҳосил бўлган форма. Ўтган замон феълининг бу содда формаси ҳаракатни бевосита кузатмаганлик, кейин хабардор бўлганлик маъноларини билдиради⁵⁰.

Шуниси характерлики, ҳаракат ёки ҳолат II ёки III шахсга қарашли бўлса, кейин хабардор бўлганлик маъносини англатади; ҳаракат ёки ҳолат I шахсга тегишли бўлса, ундан ўзи кейин хабардор бўлганлик маъноси ифодаланади: *Биздак ғарибларни йўқлаб келибсан* (Ист. қ. 25). *У бечорани бахтига у бадбахт жавоб бермапти* (Ист. қ. 54).

Ўтган замон феълининг III шахс бирликда *-ди* аффикси билан параллел ҳолда эски ўзбек тилга хос *-дир* варианты ҳам учрайди: *Оёғи куйган товукдек питиллаб қолибдир* (Бур. с. 34).

⁴⁸ Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Тошкент, 1966, 148-бет.

⁴⁹ Ҳожиёв А. Феъл, 136—137-бетлар.

⁵⁰ Уша асар, 137-бет.

Ҳамзанинг революциядан олдинги ижод намуналарида ўғузча-миш орқали ҳосил бўлган ўтган замон феълининг содда формалари ҳам учрайди:

Тугмиш бизни энг муқаддас онамиз! (ОГ. 7).

Ўтган замон феълининг аналитик формалари. Ҳамза асарлари тилида учрайдиган ўтган замон феълларининг аналитик формалари ўзларининг шакли, англатган маъноларига кўра ҳозирги адабий тилимиздаги феъл формаларига яқинлиги билан характерланади⁵¹.

Ўтган замон феълининг аналитик формалари Ҳамза асарлари тилида эски ўзбек тилида учрайдиган *эрди, эрмиш, эркан* формаларига қарама-қарши ўлароқ, асосан *экан, эди, эмиш* шаклида учрайди. Бу хусусият Ҳамзанинг жонли сўзлашув тилида ижод қилганлигидан далолат беради.

Ўтган замон феълининг аналитик формалари қуйидаги кўринишларга эга бўлган:

1. *-ган (қан) эди* формаси ҳаракат ёки ҳолатнинг ўтган вақтга оидлигини ифодалайди: *Пирматнинг оғзидан бир-икки ёмон гап чиққан эди* (Бур. с. 33).

Бу форманинг бўлишсиз шакли асосан *-мас, эмас* кўринишига эга: *Еш қизларни сендек зўрлаб олганмас* (Заҳ. ҳ. 20). *Бу мингбошилиқ менга осонлиқ билан тушган эмас* (Бур. с. 3).

2. *-ар, -ур* формали сифатдошларга *эди* тўлиқсиз феълининг қўшилишидан ҳосил бўлган форма ўтган замонда давом этган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди: *Ман айта олмай истиҳола қилиб юрар эдим* (Бур. с. 33). *Қизингизни бир тарафга олуб қочуб кетган бўлур эди* (Ист. қ. 79).

3. *эди* тўлиқсиз феъли *бор, йўқ* сўзлари ва айрим сифатлар билан бирга келиб, бу муносабатга киришган сўзлардаги белгининг тасдиқ ёки инкорини, ўтган замонга алоқадорлигини ифодалайди: *Бечорароқ одамни қизини олиб берганда бу фалокатлар йўқ эди* (Ист. қ. 32). *Қадим Шом деган вилоятда бир киши бор эди* (Қир. к.). *Оқ тушум хатарлик эди* (Ист. қ. 58).

4. *-моқ эди* формаси ўтган замонга алоқадор мақсад ёки хоҳиш маъносини ифодалаш учун хизмат қилган: *Муддаоси ўзини шаҳрида зиндонга солган подшоҳни ўлтурсмоқ эди* (Қир. к.). *Юрагимда бир армон бўлса, сени жилмаюб турган юзларингга қараб жон бермоқ эди* (Ист. қ. 87).

5. *эди* тўлиқсиз феъли шарт майли формасидаги сўз ёки *-р (-ар)* аффикси билан ҳосил бўлган сифатдош билан муносабатга киришганда истак маъносини ифодалайди: *Ахир чой ичуб борар эдингиз* (Заҳ. ҳ. 7).

6. *-ган эмиш* формаси ўтган замонга оид ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги эшитилганлик маъносини ифодалайди: *Ул киши сўзича, отам қабул қилмаган эмиш* (Ист. қ. 80).

⁵¹ Ўша асар, 139—155-бетлар.

7. *-моқчи экан, -диган эди* формалари ўтган замонга оид, амалга ошмаган мақсад маъноларини ифодалаган: *Биз бир жойга туйчуқга бора диган эдик* (Ист. қ. 30). *Сиз мани келинимсан деб юруб шундай қилмоқчи экансизда?* (БХ, 40).

8. *-(и) б, -(у) б эди* формаси *-ган эди* формаси сингари ўтмишдаги бирор вақтда юз берган ҳаракат, ҳолатга муносабатини ифодалайди⁵²: *Фалон тоғда ов қилуб юруб эди* (Қир. к.).

Бу форма кўпроқ жонли сўзлашув тилига хос форма ҳисобланиб, Ҳамза асарлари тилида қисқарган вариантда (аффикс-лашган ҳолда) *келувди, кетувди, турувди, юрувди* тарзида; бўлишсиз формаси эса *бормовди, ичмовди* тарзида содир бўлган. Бу форманинг ўзига хос хусусиятлари баъзи илмий ишларда ўз ифодасини топган⁵³: *Саидхон билан бирга кетувди* (Ист. қ. 72). *Сўзларингиздан чиқмаймиз деб қасам ичмовдиларингизми?* (Ист. қ. 49). Бу форманинг Тошкент шеvasига хос варианты *-вотувди* ҳам Ҳамза драмаларининг Тошкентда қўйилган режиссурасида учраб қолади: *Самоварларни артовотувдим* (БХ, 3).

9. Баъзан ўтган замон феълининг ўғуз тилларига хос *-миш эди* формаси ҳам учрайди. Бу хусусият давр тилининг ҳолати билан изоҳланиши керак. *Марям исмли бир оқила қизга уйланимиш эди* (Ян. с. 3). Ўтган замон феълининг аналитик *-ган экан* формаси ҳозирги замондаги хусусиятларига эга, яъни ҳаракат-ҳолатнинг олдин маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлиги ҳамда муносабат каби маъноларни ифодалайди: *Ушандан битта хат ёзуб юборган экан* (Ист. қ. 74). *Афсуски, мен кўп хато қилган эканман* (Ист. қ. 17).

10. *-(у) р экан* формаси ҳам эшитилганлик, пайт муносабати сингари маъноларни ифодалайди: *Агар мен сизнинг сўзингизга кирсам, тоза шарманда бўлар эканмиз* (Заҳ. ҳ. 6). *Вой болам! Мен энди хонавайрон бўлу р эканман* (Ист. қ. 36). *-кан* формаси баъзан жонли сўзлашув тилига хос *-кин (икин)* шаклида ҳам учрайди: *Қўрбоши била ҳоким бекор бўлганмукин?* (Ист. қ. 53), *Қосижон: Тагин нима десам икин* (Ист. қ. 96).

Ҳозирги замон феъл формалари. Ҳамза асарлари тилида қўлланган ҳозирги замон феълининг формалари традицион адабий тилга нисбатан ҳозирги адабий тилда қўлланаётган феъл формаларига яқинлиги билан ажралиб туради.

1. *-яп (яб)* формасига шахс-сон аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган ҳозирги замон формаси ёзув тилида биринчи марта Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт ёки ишқ қурбонлари» фожиасидаги Марямхон нутқида қўлланган. Адибнинг сўнгги асарларида бу форма адабий норма даражасига кўтарила олган: *Зайнаб холамини ҳам чақиринг! Аллақандақа бўлиб кетяпман* (Заҳ. ҳ. 22). *Мана аям ўқуган учун... бизни ўқитяпти* (Ян. с. 22).

⁵² Уша асар, 144-бет.

⁵³ Уша асар, 149-бет.

Ҳозирги адабий тилимиз морфологик жиҳатдан Фарғона ше-
васига таянади. Фарғона шеваларига хос ҳозирги замон феъли-
нинг бу формаси Ҳамза асарларининг таъсир кучи туфайли ада-
бий нормага ўтганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Яна шу нарсаси
характерлики, адибнинг ЎзССР Фанлар академияси А. Беруний
номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақлана-
ётган «Бой ила хизматчи» асарининг режиссура нусхасидаги пер-
сонажлар нутқида -яп формасининг Тошкент шевасига хос -вот
ҳамда -ёт вариантлари ҳам қўлланган: *Ман айтдим: сизларни
хўжайин чақирвотдилар, борармушсизлар дедим* (БХ, 4).

Бу ҳол асар тилининг реализми, аниқроғи, эски формалар
реалистик асар характериға мос келмаслиги ҳамда адабий нор-
манинг барқарор эмаслиги ва режиссёрнинг асар тилини аҳолиға
мослаштириш, тушунарли бўлиши ва таъсирчанликка эътибори
билан изоҳланиши лозим.

2. -моқда (-макда) аффикси воситасида шаклланган ҳозирги
замон формаси гарчи «Ўғузнама»да, Навоий ва Мунис асарла-
рида қўлланган бўлса-да, унинг актив қўлланиши ўзбек миллий
адабий тилининг шаклланиш процесси билан яъни 1920 йиллар-
дан бошланади⁵⁴.

Дарҳақиқат, бу форма Ҳамзанинг 1926 йили Самарқандда
нашр этилган «Бурунги сайловлар» драмасида нисбатан кўпроқ
учрайди. Гарчи -моқда формаси ҳозир публицистик услубда ада-
бий норма сифатида қўлланса-да, Ҳамза асарларида бу форма-
нинг -макда вариантынинг учраши сингармонизмга асосланган
традицион эски ўзбек адабий тилининг функционал қолдиғи си-
фатида содир бўлганлиги шубҳасиздир: *Ҳар бало бўлса ҳам бўла
қолсин деб йлмакдаман* (Бур. с. 6). *Ҳаммаси ҳам вақтида
келмакдадир* (Бур. с. 37).

3. Турмоқ, юрмоқ, ётмоқ, ўтурмоқ феълларининг равишдош
формалари орқали содир бўлган ҳозирги замон феъллари нутқ
моментида содир бўлаётган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди. Бу
феъл формасининг шаклланишида қатнашган равишдош формаси
кўпинча жонли сўзлашув тилига хос -(у)п таркибида лаблаш-
ган унлилари бўлган ўзакларга қўшилганда эски адабий тилга
хос -(у)б кўринишларига эга бўлган: *Ҳар хил заҳарлик ҳайвон-
лар югуришиб юрунди* (Ист. қ. 54). *Хола, сиздан бир озгина уё-
либ турсунман* (Ист. қ. 67).

Баъзан равишдош таркибидаги п таъсирида I шахс тусловчи
аффикс таркибидаги мп га ўтади: *Аҳмаджон ака! Биз сизлар бор
учун турсунмиз* (Ист. қ. 51).

4. Ҳозирги замон феъл формаларидан яна бир тури турмоқ,
юрмоқ, ўтурмоқ, ётмоқ феълларига -ар, -ир, -ур аффиксларининг
қўшилишидан ҳосил қилинган: *Қўлларин совуқ олган ҳолда
ётур* (Ист. қ. 39). *Марямхоним келуб, эшикни қия қилиб қараб*

⁵⁴ Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грам-
матикаси, 175-бет.

турар (Заҳ. ҳ. 7). *Марямхоним йиғлиб оғир ҳолда ётир* (Заҳ. ҳ. 26).

Ҳозирги-келаси замон формалари. Ҳозирги-келаси замон феъллари ҳозирги-келаси замон аниқ ва ҳозирги-келаси замон гумон кўринишларига эга:

1. Ҳозирги-келаси замон аниқ формаси ҳозиргидек, *-а*, *-й* аффикси воситасида шаклланган равишдош формасининг шахс-сон аффикслари билан тусланишидан ҳосил бўлган: *Мен ўйлайман улўғ бир амалга минади* (Ист. қ. 55). *Жуда яхши маслаҳат, шундай қиламиз* (БХ, 10).

Баъзан шу равишдош формаларидан сўнг *-дур*, *-дир* аффикслари қўшилади. Бу хусусият традицион адабий тилнинг функционал қолдиғи билан боғлиқдир. *Фуқаронинг оғзи-бурни қонга бўяладур* (Бур. с. 19). *Шул вақтда Ҳукуматнинг энг яқин кишиларидан бўлурсан* (Ист. қ. 91).

Ҳозирги -келаси замон гумон феъллари *-ир*, *-ар* аффикслари шахс-сон қўшимчалари орқали ҳосил бўлган: *Эртага сайловдан кейин дафн қилармиз* (Бур. с. 16). *Жоним, бир оз сабр қил, курашармиз* (Ист. қ. 88). *Эҳтимол, бу кун келиб қолар* (Бур. с. 39).

1. Ҳозирги-келаси замон феъли формалари ҳозирда бажарилаётган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди: *Қосим! Сани шу домланг ўпдимми? Санга айтман* (Бур. с. 35). *Мен сени осонлиқча қўлга тушурдимми? Тур дейман!* (Заҳ. ҳ. 15).

2. Бу форма келасида бажариладиган ҳаракат ва ҳолатни ҳам ифодалайди: *Бугун-эрта ҳуррият қуёши туғади* (Ист. қ. 6).

3. Умумзамон маъносини ифодалайди: *Мени ҳам болаларни оталари ҳурмат қиладилар* (Ян. с. 23).

Ҳозирги-келаси замон феълининг бўлишсиз формаси *-май*, *-мас* ва баъзан диалектал *-мий* кўринишларига эга: *Отангинг дастидан эшикларингга оёқ боскум келмайди* (Ист. қ. 27). *Ўзум ҳаргиз бундай қилмасман* (Бур. с. 39). *Марямхоним: (Ўзини олиб қочиброқ) Қирмийман! Қирмийман* (Заҳ. ҳ. 14).

Адиб асарлари тилида бу форманинг ўғуз тилига хос *-мам* варианты ҳам баъзан учраб туради: *Мен сенсиз дунёда турмам* (Заҳ. ҳ. 28).

Келаси замон. Феъллардаги келаси замон маъноси асосан ҳозирги-келаси замон феъл формалари билан ифодаланган. Шунга қарамай, баъзан Ҳамзанинг революциядан аввалги ёзган асарлари тилида традицион адабий тилга хос *-гай* формаси ҳам келаси замонни ифодалаган: *Бесабрни бўлмагай ўнг ҳеч иши* (Қир. к.). Келаси замон формасининг *-жак* шаклини фақат бир ўринда учратдик. Бу ҳол ўша давр тилининг хусусиятларидан ҳисобланади: *Ҳукумат ишига киришмаган чоғда отилуб ўлдирил ажақдур* (Ист. қ. 9).

Ҳозирги илмий адабиётларда келаси замон феъли деб талқин қилинаётган *-моқчи* (*макчи*) формаси давр тили учун янги, халқ

тилидан ўтган ҳодиса бўлиб, бу форма Ҳамза асарлари тилида адабий норма тарзида қўллана борган. Бу форма аслида келаси замон формаси бўлмай, балки мақсад майли кўрсаткичи ҳисобланади⁵⁵.

Мақсад майли кўрсаткичи мақсад ва мўлжал маъноларини ифодалашга хизмат қилган: *Хўш, эна, энди нима демоқчи-си з?* (Ист. қ.30). *Қамбағални ёнингга олиб иш кўрмакчимисан?* (Бур. с. 17).

Феъл даражалари

Феъл даражалари махсус феъл формалари орқали ифодаланиб, ҳаракатнинг субъектга ва объектга бўлган муносабатини кўрсатади⁵⁶.

Ҳамза асарлари тилида қўлланган феъллардаги даража категориясининг миқдори, англашилган маънолари жиҳатидан традицион ва ҳозирги адабий тилимиздаги феъл даражаларидан асосан фарқланмайди⁵⁷. Шунга қарамай, баъзи жонли тилга хос даража кўрсаткичларини ҳам учратиш мумкин.

1. Феълнинг бош даража формаси ҳаракатнинг эга орқали бажарилишини ифодалаб, ўзига хос морфологик кўрсаткичга эга эмаслиги билан бошқа даража формаларидан ажралиб туради: *Очинг кўзингизни! Инқилоб даври келди!* (Ист. қ. 18). *Бу кундан бошлаб мен ҳаракатда бўлурмен* (Заҳ. ҳ. 12).

2. Ўзлик даража формаси объектли феълларнинг объектсиз феълларга айлантириш хусусиятига эга бўлиб⁵⁸, *-(и) л*, *-(и) н* лаблағган унлиси мавжуд ўзакларга *-(у) н*, *-(у) л* аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. *Музыка овози оҳиста-оҳиста эшитилур* (Ист. қ. 2). *Кўзумга одам боласи фашачаям кўринмайдиур* (Ист. қ. 40). *Байроқни берди-да, ўзи осмонга кўтарулди* (Ист. қ. 54).

Айланай, ўргулай муносабат билдирувчи феъллари таркибидаги *-н*, *-л* кўрсаткичи ҳам тарихан ўзлик даража кўрсаткичи бўлиб, ҳозирда ўзак таркибига сингиб кетган. *Айналмоқдаги н* билан *л* метатезага учраган, аслида *ойлан* бўлган, *ўргилай* сўзи таркибидаги *р* ва *г* ундошлар метатезага учраган, аслида *ўгр-ул* бўлган: *Оғзингдан ўргул ай санинг* (Бур. с. 15). *Маним ўзум тайёр. Айлан а қолай додхоҳ* (Бур. с. 24).

Ҳамза асарлари тилида *хиралан* (Бур. с. 36), *қувватлан* (Заҳ. ҳ. 25), *тўкул*, (Ист. қ. 22), *қўрун* (Ист. қ. 55), *суқул* (Қир. к.), *кийин* (Бур. с. 15), *тутун* (Ист. қ.72), *ўйлан* (Заҳ. ҳ. 6), *суял* (Ист. қ. 19), *суркал* (Ист. қ. 75), *эзил* (Ист. қ. 64), *шошил* (Ист. қ. 58),

⁵⁵ Ҳожиёв А. Феъл, 125—126-бетлар.

⁵⁶ Уша асар, 91-бет.

⁵⁷ Уша асар, 92—103-бетлар; Абдурахмонов Ғ., Шукuroв Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 186—188-бетлар.

⁵⁸ Ҳожиёв А. Феъл, 93-бет.

очил (Бур. с. 37), қисил (Бур. с. 5) сингари ўзлик даража формасидаги феъллар ҳам қўлланган.

Мажхул даража. Мажхул даража бош ва тушум келишигидаги сўзлар билан муносабатга киришиб, феъл негизларига унлилардан сўнг -л, -н, ундошлардан сўнг -ил, -ул, -ун аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган: *Акбарбой қўлида чилим тутган ҳолда парда очулур* (Ист. қ. 39). *Учта қути қўйилғондан кейин соққада барака қоладирми* (Бур. с. 11). *Ерға эски кигизлар солинган* (Ист. қ. 39).

Мажхул даражадаги феъл билан кўмакчиси ҳамда чиқиш келишиги орқали шаклланган воситали тўлдирувчиларни бошқариб келади: *Яшасун сенларнинг қонларинг била суғорилган шу III байналмилал байроғи* (Ист. қ. 100). *Чап тарафида кичик тахтадан ясалган қора бир уй* (Ист. қ. 39). Одатда мажхул даража кўрсаткичи кўпинча орттирма даража қабул қилган яратилган, кўрсатилган каби феъл формаларига қўшилиб келади. Ҳамза асарлари тилида бундай ҳолатдан ташқари, жонли сўзлашув тилига хос орттирма даражасиз мажхул формалар ҳам учрайди: *Санубарнинг хос уйи бўлиб, яхшигина безалган* (Ист. қ. 62).

Орттирма даража. Ҳамза асарлари тилида феълларнинг орттирма даражалари қуйидаги аффикслар билан ҳосил қилинган:

1. -т: *тузат* (БХ, 45), *ўйнат* (Бур. с. 17), *ажрат* (Ян. с. 43), *тўхтат* (Ист. қ. 81), *қақшат* (Ист. қ. 66).

2. -сат аффикси фақат *кўр* феълидан даража ҳосил қилган: *Менга ўзунгни кўрсат...* (Заҳ. ҳ. 29).

3. -газ (-каз) аффикси *ўт*, *кўр* феълларига қўшилиб орттирма даража ҳосил қилган: *Умрингни турмада ўказаман* (Бур. с. 38). *Ортуқ даражаларда меҳр-чафқатлар кўргузуб...* (Ян. с. 15).

4. -гиз, -гуз, -куз аффикслари *кий*, *е* каби феъл ўзакларидан, -куз -гуз, аффикслари *ёт*, *тўл* сингари феъл ўзакларидан орттирма даража ясаган: *элликбошиларга егуз* (Ист. қ. 8)... *худоим сени еткузди* (Ист. қ. 23). *Атласдан тўн кийгиза туриб...* (Бур. с. 8). *Уртага тўн солиб ётқузурлар* (Ист. қ. 98). *Пуч ёнғоққа қўйини тўлғузинг* (БХ, 39).

5. -дур, -тур, -дир, -тир аффикслари турли характердаги ўзакларга қўшилиб орттирма даража ҳосил қилган. Бу ўзакларнинг қандайларига қайси форманинг қўшилишида бир хиллик баъзан бузилган, бир ўзакка турли вариантларнинг қўшилиши ҳам мумкин: *Биз келтурган хабар* (Заҳ. ҳ. 3). *Қўлларини қовуштириб...* (Ян. с. 32). *Тўлдирумасдан сандуқча дейдилар* (Бур. с. 32). *Қўлимиздан келганча кўндирамыз* (Бур. с. 26).

6. -ар аффикси: *Сўқуб чиқариб ворди* (Ист. қ. 49), *Оғизларингиздан чиқарманг* (Ист. қ. 59).

7. -ур аффикси тег феълидан орттирма нисбат ҳосил қилган: *Уламоларга тил тегурманг* (Ист. қ. 7).

8. -тир (-тур) аффикси сўзлашув тилига хос *ке(кел)* феълига қўшилиб орттирма даража ясаган: *Сира кўнглингизга шубҳа*

келтирманг (Бур. с. 25). Саидхон: *Санжағни кетур* (Ист. қ. 98).

9. *-ут* аффикси юр феълидан орттирма даража ҳосил қилган: *Сўзни қисқартуб, мақсадгагина қалам юрутдим* (Заҳ. ҳ. 8).

Орттирма даража кўрсаткичларининг феъл таркибида бирдан ортиқ келиши ва бошқа хусусиятлари ҳозирги тилимизнинг хусусиятлардан фарқланмайди⁵⁹.

Биргалик даража. Биргалик даража феъл негизларига унлидан сўнг *-ш*, ундошлардан сўнг *-иш*, *-уш* аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Феълнинг бу даража формаси ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахс томонидан бажариш, бажаришга кўмаклашиш сингари маъноларни ифодалайди: *Ана, ана, олуб келишяпти* (Ист. қ. 5). *Бир оз сабр қил, кўришармиз* (Ист. қ. 88). *Фершилникида ичишуб ўлтурушубди* (Ист. қ. 7).

Сифатдош

Сифатдош феълларнинг функционал формаларидан ҳисобланиб, Ҳамза асарлари тилида унинг традицион ва ҳозирги адабий тилимизга хос формалари учрайди. Бу ҳол бошқа сўз туркумларида бўлганидек, адиб асарлари тилининг ҳозирги адабий тилга яқинлиги билан изоҳланади.

Ҳамза асарлари тилида сифатдошларнинг қуйидагича формалари қўлланган:

1. *-ган* (*-кан*, *-қан*, *-ған*) аффикслари билан ясалган ўтган замон сифатдошлари актив сифатдош формалари саналган.

Бу сифатдош формаси англатган маъно ва функциялари жиҳатидан ҳозирги *-ган* сифатдош формасидан фарқланмайди⁶⁰.

Шуни айтиш керакки, бу сифатдош формасининг *-ган* варианты бошқа вариантларга нисбатан кўп қўлланиб, адабий тил нормаси даражасига яқинлашган: *Қизил байроқ кўтарган Сайидхон* (Ист. қ. 54). *Олмаға тушган ҳашоратдек хотинға хўб ярашсалар керак* (Бур. с. 32). Бу сифатдош формасининг *-кан*, *-қан* вариантлари билан бир қаторда традицион адабий тилга хос *-ған* варианты адиб асарлари тилида учраб туради: *Мусулмондан чиққан ўруслар...* (Бур. с. 10). *Киёв бўлган киши жоҳил...* бир бола (Бур. с. 24).

Бу аффиксларнинг қўшилишида ассимиляцияга учрамаслик ҳоллари ҳам содир бўлган: *Қора кўзларингдан тўкган ёшларга Санубаринг қурбон бўлсин* (Ист. қ. 77).

-ган, (*-кан*, *-қан*, *-ған*) аффикси билан ясалган сифатдошлар эгалик, келишик ва *-дек*, *-ча* сингари ясовчи қўшимчалар олиб, бошқа сўзлар билан муносабатга киришганда гапда турли вазифаларда келади:

⁵⁹ Уша асар, 96—99-бетлар.

⁶⁰ Уша асар, 168—176-бетлар.

а) шарт эргаш гапларнинг кесими бўлиб келади: *Сандан с ўраганимда, ўндилар дегил, тузукми?* (Бур. с. 28).

б) пайт ва тўсиқсиз гапларнинг кесими бўлиб келади: *Энди ичай деганда, қўлида турган қуш тўқуб юборди* (Қир. к.). *Кишиларнинг қўлидан иш келмаганда ҳам... андиша қиламиз* (Бур. с. 23).

в) сабаб ва ўхшатиш эргаш гапларнинг кесими функциясини бажаради: *Ўз суйганинг, ўз муҳаббат қўйганинг бўлмагандан кейин, у тирикликдан минг марта ўлум яхши эмасми* (Ист. қ. 68). *Текин назир бўлгандан кейин ким олмайди дейсиз* (Заҳ. ҳ. 6).

г) эгалик аффиксларини олиб, гапда эга, йўқ эди сўзлари билан муносабатга киришиб, составли кесим ва унинг бошқа бўлаклар вазифасида кела олади: *Ундан кўра, кўрган, ўйнаганим ғанимат* (Бур. с. 25). *Сан тўғри хотинми, эгрими деб синаганим эди* (Бур. с. 40).

2. Ҳозирги-келаси замон сифатдоши ҳозирги адабий тилимиздаги каби асосан *-диган*, баъзан эски ўзбек тилига хос *-дурган*, *-дирган*, *-дурғон*, *-(турғон)* аффикслари билан ҳосил бўлган: *Қози домла мени фойдамни гапирадиган кишилар-ку!* (БХ, 2). *Қишлоқча сўзлайдирган бир киши* (Бур. с. 15). *Ушнинг ҳам чўзилатурғони бўладурми* (Бур. с. 30). *Ғарибликдан бошқа юқа дурғон касалим йўқ* (Ист. қ. 24).

Давр тили учун диалектал ҳисобланган жонли тилга хос *-диган* сифатдош формасининг адабий тилда қўлланиши Ҳамза асарлари тили учун хосдир. Бу форма ўша даврлардаги ёзма манбаларда деярли учрамайди. *-турган*, *-дурган* формаларининг учраши традицион адабий тилнинг функционал қолдиғидир.

3. Ҳозирги замон сифатдошлари ҳам шу давр тили учун характерли бўлиб, *-ётган* (*-ёткан*) аффикси воситасида шаклланган: *Оҳ! Сайидхон! Ўлаётганда мени кўз олдинга кетур* (Ист. қ. 76).

4. Ҳозирги замон сифатдошининг бир кўриниши *-ар* аффикси орқали ҳосил бўлган: *Ўлар чоғимда муҳтож қилмадинг* (Ист. қ. 22).

5. Ҳозирги замон сифатдоши *-гучи*, *-учи* (*-ғучи*) аффикслари билан ҳосил бўлган: *Жуда аста сўзлагувчи бир косиб...* (Бур. с. 15). *Марям билан Маҳмуд ўртасида хат юритувчи кампир* (Заҳ. ҳ. 2).

6. Ўғуз тилларига хос *-миш* воситасида шаклланган ўтган замон сифатдош формаси ҳам Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» фожиаси қаҳрамонлари тилида баъзан содир бўлган: *Оҳ, онанг менга ширин, ширин ёзмам ш мактублари* (Заҳ. ҳ. 7).

Бу форманинг қўлланишига сабаб ўша даврдаги интеллигентларнинг нутқида ўғузча-татарча формаларнинг қўлланиши, аниқроғи, Ҳамзанинг реализми — образлар нутқини индивидуаллаштириши билан боғлиқдир. Қисман ўғуз тилига хос келаси замон сифатдошининг *-жак* аффиксини ҳам учратиш мумкин: *Келажакдаги бу қовм оз-оз яшасун* (Ист. қ. 59).

7. *-кур, -ғур, -гур* аффикси билан ҳосил бўлган сифатдош формаси тарихан кам қўлланган. Бу форма аслида жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, Ҳамзанинг персонажлари тилида кўп учрайди. Сифатдошнинг бу формаси салбий маъно ифодаловчи феъл формаларига қўшилиб, экспрессивлик ифодалаш учун хизмат қилади: *Қўрбоши е р ю т к у р ў ча ши б қ ол ди -да!* (Ист. қ. 64).

Равишдош

Равишдошлар феълда ифодаланган асосий ҳаракатдан олдин ёки у билан бир вақтда содир бўлган ҳаракатни асосий ҳаракатга белги қилиб кўрсатувчи функционал форма ҳисобланиб, Ҳамза асарлари тилида уларнинг *-(и) б, -(у) б, -гач, -гани, -а, -й; -ғунча, -кунча, -гунча, -қунча* формалари қўлланган.

1. *-(и) б, -(у) б* равишдошлари кенг қўлланган равишдошлардан бўлиб, феълда ифодаланган ҳаракатдан олдин ёки бир вақтда содир бўлган ҳаракат-ҳолатни ифодалаб гапда қўшма кесимларнинг асосий компоненти, ҳол ва эргаш гапларнинг кесими вазифаларида келади: *Фироқингда к у й и б к ў р б ў л и б ў л г а н отангни унутма!* (Ист. қ. 22). *О ч у б айтганда, золим ва мустабид қонхўрсиз!* (Ист. қ. 13). *Тўтини тоғ остига олиб б о р у б, қ ў й у б ю б о р д и* (Қир. к.). *Иннайкейин сен анаву уйга чи қ и б т у р г и н* (Ист. қ. 27).

а) *-(и) б, -(у) б* билан ясалган равишдошлар такрорланганда асосий ҳаракатдан олдин бўлган ҳаракатнинг давомчилигини, яъни бир неча такрорланганлигини ифодалайди: *Поччам й и ғ л а б -й и ғ л а б икки кўзи кўр бўлиб ўлди* (Ист. қ. 78).

б) *-(и) б* сифатдош формаси *де* феъли билан муносабатга киришганда мақсад маъносини ифодалаб гапда мақсад ҳоли бўлиб келади: *Сиз бечора меҳнаткашларни д е б қелган эдим* (Ист. қ. 17).

2. Кенг истеъмолда бўлган равишдошлардан яна бири *-гунча, -ғунча, -кунча* аффикслари билан ясалган. Бу равишдош олдин бўладиган ҳаракатни ифодалаб, пайт ва ўхшатиш (қиёслаш) маъноларини англатади: *Сайидхоним к е л г у н ч а тириклик қилиб турар эдинг* (Ист. қ. 20). *Дўндухчаю-мўндухча — хизмат қилай ў л г у н ч а* (Бур. с. 32). *Сени қўлингга асир бў л г у н ч а ў л г а н им мнг марта яхши* (Заҳ. ҳ. 26).

3. *-гали, -ғали, -кали* равишдошлари традицион адабий тилга хос форма ҳисобланади⁶¹. Ҳамза асарлари тилида бу форма жонли сўзлашув тилига хос ҳозирги адабий тилимиздаги каби *-гани* формасида учрайди: *Бизларни бу ерларга қ и р г а н и, ў л д у р г а н и юборган экан* (Ист. қ. 9).

-гани формаси жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, адабий тилда бу равишдошнинг маъноси ҳаракат номларига *учун* кўмакчи-

⁶¹ Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, 130—131-бетлар.

сининг қўшилишидан ҳосил бўлган (ўқиш учун, олмоқ учун) конструкциялар орқали берилади.

4. Равишдошларнинг яна бир тури феъл негизларига -а, баъзан -й аффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бу форма баъзан якка ҳолда ва кўпинча такрорланиб келган. Такрорига сабаб равишдошларда ҳаракат ортиқлигини ифодаловчи махсус форманинг йўқлигидир: *Сизга ў р г а т а-ў р г а т а ўзимга ҳеч нарса қолмади* (БХ, 39). *Бориб 200 сўм ола кетинг* (Бур. с. 13).

5. Равишдошнинг -гач формаси жуда кам қўлланган бўлиб, бу форма ҳам гапдаги асосий ҳаракатдан олдин бўлган ҳаракатни ифодалаб, асосий ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради ва гапда эргаш гапнинг кесими бўлиб келади: *Орада уч-тўрт кун ўтгач, Наим ила хотун орасида бир оз муносабат бўлди* (Қир. к.).

6. Равишдошларнинг бўлишсиз формаси ҳозиргидек -май ва баъзан -масдан кўринишларига эга: —*Эй, бемаърифат эшон! Эшон бўлмай қол* (Заҳ. ҳ. 16). *Ҳеч бир жафо, меҳнат кўрма сдан яшай оладур* (Қир. к.).

Ҳаракат номи. Ҳаракат номи ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи феълнинг функционал формаларидан бири бўлиб, Ҳамза асарлари тилида уларнинг -моқ (баъзан -мак), -(и) ш, -(у) ш, -(у) в формалари учрайди.

1. -моқ аффикси билан шаклланган ҳаракат номлари энг кўп қўлланган форма саналиб, бу ҳол ҳозирги замон адабий тилининг услуб кўринишлари шакллана борганлигини кўрсатувчи хусусиятдир. Гарчи -моқ формаси тарихан сийрак қўлланган бўлса-да, XX асрнинг бошларига келиб адабий норма даражасига кўтарилган. Авваллари публицистик, кейинроқ бадий услубда ҳам функцияси кенгайган. -моқ (-мак) ҳаракат номи формаси келишлар билан турланади, улар эгалик аффикслари билан келганда қ ундоши ғ га ўтади ва гапда от бажарган вазифаларни бажаради: *Осонми шу қийматчиликда ўлик кўрмак...* (Ист. қ. 36). *Бошимизга шундай кунлар тушмоғини хотирда тутинг* (Ист. қ. 8).

Ҳамза асарлари тилида III шахс эгалик аффиксини олган ҳаракат номларидан сарлавҳа конструкциялари ҳосил қилиш ҳам характерлидир: *Олимжон бошлаб мактабга бормоғи* (Ян. с. 11).

2. -(и) ш, -(у) ш аффикслари ёрдамида шаклланган ҳаракат номлари ҳам персонажлар нутқи учун характерли бўлиб, улар гапда турли вазифаларда кела олади. Ҳаракат номининг -(и) ш билан ясалган формаси оғзаки нутққа хослиги билан -моқдан фарқланиб туради: *Хотунни алдаш осон бўлади* (БХ, 38). *Унинг ўзининг газит ўқиши бошига етди* (Бур. с. 32).

3. Баъзан -(у) в аффикси билан ҳосил бўлган ҳаракат номлари ҳам учрайди. Бу ҳол эски ўзбек тилининг таъсири билан содир бўлгани шубҳасиздир: *Ҳозир келувларини ҳам хабар қилди* (Ян. с. 29).

4. -ур аффикси воситасида шаклланган сифатдош Ҳамза асарлари тилида ҳаракат номи функциясида келган:

К у р а ш у р г а қуrol керак,
Қуrolланинг ишчилар (БИ, 1, 166).

РАВИШ

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган равишлар маъно турлари, ясаилиши, морфологик хусусиятлари ва гапдаги вазифаларига кўра ҳозирги адабий тилимиздаги равишлардан асосан фарқланмайди⁶².

Пайт равиши. Пайт равишлари ҳаракатнинг бажарилиш пайтини кўрсатиб, феълда ифодаланган грамматик замонга нисбатан аниқлиги, чегараланганлиги билан фарқланади. Феъл замондаги вақт билан равишларда ифодаланган вақт ўртасида маълум алоқадорлик (мутаносиблик) ҳам мавжуд. Масалан: *кеча* равиши ўтган замон феъллари билан муносабатга киришади, яъни ўтган замон феъли умумзамонни ифодаласа, *кеча* равиши ўтган замонда ифодаланган ҳаракатнинг пайтини чегаралаб, конкретлаштиради.

Ҳамза асарлари тилида қуйидагича пайт равишлари учрайди: *бир замонда* (Қир. к.), *бир вақт* (Қир. к.), *бир маҳал* (Қир. к.), *бир кун* (З. ҳ. 11), *бугун* (Ист. қ. 10), *шу тобда* (Ист. қ. 36), *ҳамон* (Ист. қ. 59), *кечалаб* (Қир. к.), *дарҳол* (Қир. к.), *ҳаргиз* (Ист. қ. 3), *доим* (Заҳ. қ. 28), *ҳали* (Ист. қ. 80), *ҳозир* (Ист. қ. 57), *кечаси* (Бур. с. 15), *эмди* (Заҳ. ҳ. 11), *ҳали замон* (Заҳ. ҳ. 14) каби.

Ҳолат равиши. Ҳолат равишлари феълда ифодаланган ҳаракатнинг қай тарзда юзага келишини, бажарилиш усули ёки ҳолатнинг белгисини ифодалайди. Ҳамза асарларида қуйидагича ҳолат равишлари учрайди: *тездан* (Ист. қ. 94), *ўртача* (Заҳ. ҳ. 2), *осонликча* (Заҳ. ҳ. 15), *асло* (БХ, 29), *ёлғуз* (Ян. с. 3), *европача* (Заҳ. ҳ. 2), *лоақал* (Ист. қ. 27), *ўхтун-ўхтун* (Ист. қ. 27), *пайваст* (Заҳ. ҳ. 19), *яшуриқча* (Ист. қ. 81), *шунчаки* (Ист. қ. 34), *ҳадемай* (Ист. қ. 53), *бирдан* (Ист. қ. 52), *тек* (Ист. қ. 9), *бехосдан* (Ист. қ. 79), *ёлғондан* (ЯГ, 6), *ўз-ўзича* (Қир. к.), *яхшиликча* (Заҳ. ҳ. 21), *бемалол* (Қир. к.), *зўрга* (Бур. с. 36), *бирдак* (Ист. қ. 9), *бир-бир* (Қир. к.), *тездан* (Ист. қ. 89), *тунун-кунун* (Ист. қ. 4).

Ўрин равишлари. Ўрин равишлари феълда ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатнинг маконда содир бўлиш ўрнини, томонини кўрсатади. Ўрин маъносини макон-замон келишикларини олган атоқли ва турдош отлар ҳам англатиши мумкин. Лекин буларда ифодаланган ўрин маъноси конкрет бўлади. Ўрин равишлари англатган маъно абстрактроқ (умумийроқ) бўлади, чунки равишлар бошқа сўз туркумларидан равишга секинлик билан силжиган сўзлар-

⁶² Фузайлов С. Ўзбек тилида равишлар. Тошкент, 1963; «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, 528—540-бетлар.

дир⁶³. Ҳамза асарлари тилида қуйидагича ўрин равишлари учрайди: *бу ёққа* (Ист. қ. 8), *мунда* (Ист. қ. 12), *бу ерда* (Заҳ. ҳ. 20), *ағдан-бағдан* (Заҳ. ҳ. 4).

Даража-миқдор равиши. Даража-миқдор равиши феълда ифодаланган ҳаракат ёки ҳолатнинг миқдорий белгисини, ортиқ-камлигини ёки белгининг белгисини кўрсатиш учун хизмат қилади. Ҳамза асарлари тилида қуйидагича даража-миқдор равишлари учрайди: *заб гафурасизда* (Ист. қ. 31), *секин-секин* (Бур. с. 40), *бир оз* (Ян. с. 28), *оз-оз яшасун* (Ист. қ. 59), *мунча кўргулик* (Ист. қ. 49), *мумкин қадар* (Бур. с. 3), *оҳиста* (Ист. қ. 97), *ниҳоятда* (Қир. к.).

БОҒЛОВЧИЛАР

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган боғловчилар ўзларининг тузилиши, ишлатилиши, граматик маъно ва функцияларига кўра ҳозирги ўзбек адабий тилидаги боғловчиларга яқинлиги билан характерланади⁶⁴. Адиб асарларидаги боғловчиларни функцияларига кўра энг аввало тенг ва эргаштирувчи боғловчиларга ажратиш мумкин. Тенг боғловчилар ўз навбатида бириктирувчи, айирувчи ва зидловчи боғловчидан иборат.

Бириктирувчи боғловчилар. 1. *ва* боғловчиси турли характердаги тенг ҳуқуқли бўлган гап бўлақларини боғлашга хизмат қилган: *Сабрлик кишини ишида ва касбида доим барака бўлур* (Қир. к.). *Кўришини ва фотиҳадан кейин...* (Бур. с. 32).

2. *ва* боғловчиси функциясини -да юклагани бажарган: *Менга шошилиб байроқни берди-да ўзи осмонга кўтарилди* (Ист. қ. 54).

3. Бир хил бўлақларни ва гапларни муносабатга киритиш учун қўлланган боғловчилардан *ҳам*, *ҳамда* бириктирувчи боғловчилари ҳам кенг истеъмолда бўлган: *Мош-гуруч ҳам тугарак соқол бир киши* (Бур. с. 14). *Фўлод крават ва столлар ҳамда деворда Николай картиналари қўюлган* (Ист. қ. 2).

4. *Яна* сўзи баъзан қадимги функциясини сақлаган ҳолда бириктирувчи боғловчи бўлиб келади: *Бу бир итни ўлиги учун мени вақтсиз мушайт беруб яна ҳурматсиз қараб турли гапларни гафуради* (Ист. қ. 12).

Зидловчи боғловчилар. Зидловчи боғловчилар боғланган қўшма гап таркибидаги гапларни бир-бирига зидлаб боғлаш учун хизмат қилади. Ҳамза асарлари тилида лекин (локин), бироқ, аммо, балки каби зидловчи боғловчилар қўлланган: *Хоинларни юзини ўлдирадими, лекин мун билан иш битмас* (Ист. қ. 44). *Ўзингизни саломат олиб чиқиб кетасиз, лекин мунги билан иш бутмайди* (Ист. қ. 50). *Улар обрзовани эди, аммо булар сабсим бошқача* (Ист. қ. 14). *Ҳар нарса бўлсам бўламан, бироқ... уларни кўчаларда*

⁶³ Шербак А. М. Грамматика строузбекского языка. М.—Л., 1962, с. 189.

⁶⁴ «Ўзбек тили грамматикаси». 1-том, 566—575-бетлар.

сарсон қилмайман (Бур. с. 37). Бўладурган ишга Ватан, хонумон, балки ширин жонидан ҳам кечар (Қир. к.). Ҳамза асарларининг персонажлари тилида зидловчи боғловчили функциясида *а* ёрдамчиси ҳам келган: *Кўмса билдурмай кўмдинг деб очуруб олуб* — келасиз, *а кўммасдан чақирса, ўлган, кўм деб фишава қиласиз* (Ист. қ. 11).

Айирувчи боғловчилар. Айирув боғловчилар уюшиқ бўлакларда ёки гапларда ифодаланган предмет, белги ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал содир бўлишини ажратиб кўрсатиш орқали бир-бирлари билан муносабатга киритадиган боғловчилардир. *Ҳ. Ҳ. Ниёзий асарлари тилида асосан ё, ёҳуд, ёки, ёким, гоҳ сингари айирув боғловчилари қўлланган: Ёки ўзумни ўлдураман, ё шу хотинни ўлдураман* (Ист. қ. 48). *Азим кўнчини ёким кўчадаги биронта девонани нимага сайламайдилар?* (Бур. с. 25). *Ишлаб топган нимарсасини хоҳ ош-нон, хоҳ либос, пул бўлсун, улашуб берур* (Қир. к.). Баъзан ҳали равиши ҳам гап ичида такрорланиб келиб, айирувчи боғловчи вазифасини ўтаган: *Ҳали унга аралашади, ҳали бунга...* (Бур. с. 33).

Ҳамза асарлари тили учун тенг боғловчиларга хос характерли хусусиятлардан бири — традицион адабий тилда кенг қўлланган *ваё, валекин, вале, вале* сингари боғловчиларнинг учрамаслигидир.

Эргаштирувчи боғловчилар

Ҳамза асарлари тилида энг кўп учрайдиган эргаштирувчи боғловчиларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) *-ки (ким)* аниқлов боғловчиси бош гапнинг кесимидан сўнг келиб, турли хил эргаш гапларни бош гап билан тобе боғланишини ифодалайди: *Ўзингиз биласизким, манга 7—8 жон қарайдир* (Бур. с. 36). *Бир ишни бошлаш керакки, бу юракдаги аламлар бир оз босилсун* (Ист. қ. 40).

б) *чунки, шунинг учун* сабаб боғловчилари эргаш гапларни бош гап билан муносабатга киритиб, сабаб маъносини ифодалайди: *Ўғлингизни қачон келиши маълум эмас, шунинг учун... сиз ҳовлини менга гаров қилиб берасиз* (Ист. қ. 36). *Лекин мен айблик эмас, чунки хатни мен энди олдим, жоним* (Ист. қ. 76).

в) *гарчанд, агар, гар* сингари шарт ва тўсиқсизлик боғловчилари ҳам шарт ва тўлиқсиз эргаш гапларни бош гап билан муносабатга киритиш учун хизмат қилган: *Ўқуган одамлар гарчанд ёш бўлсалар ҳам, мадрасаларда мударрис, расталарда дўкандор...* (Ян. с. 22). *Сўзлама ёлғонни гар келса қилич* (Ен. ад. 21).

Кўмакчилар

Ҳамза асарлари тилида қўлланган кўмакчилар ҳозирги адабий тилимиздаги кўмакчилар сингари сўзлар орасидаги турли-туман муносабатларни ифодалаб, соф ва функционал кўмакчиларга бўлинади.

Кўп қўлланган кўмакчиларга билан, учун, каби, сари, сайин каби асл кўмакчиларни кўрсатиш мумкин:

1. билан кўмакчиси била, билан, ила кўринишларида қўлла-
ниб, қуйидагича хусусиятга эга:

а) бир хил бўлаклар орасидаги муносабатни ифодалаб ва
боғловчиси бажарган функцияни бажаради: *Қўй б и л а н гуруч-
ни Холмат элтиб берадур* (Бур. с. 13).

б) биргалик маъносини ифодалайди: *Мен ҳам сен б и л а ҳаёт
этгани келганим йўқ.* (Заҳ. ҳ. 18).

в) восита маъносини билдириб ўрин-пайт келишигининг -да
аффикси англатган баъзи маъноларга синоним бўлиб келади:

Бир пиёла қўлинг б и л а сув берсанг! (Ист. қ. 21).

г) сабаб маъносини ифодалайди: *Мени пулум б и л а бўйиунг
маржон кўрди-ку!* (Заҳ. ҳ. 17).

д) мақсад маъносини ифодалайди: *Оҳ, сени қандай умидлар
б и л а н боққан эдим* (Ист. қ. 21).

3. Натижа маъносини ифодалайди: *Мингбошилиқ менга осон-
лиқ б и л а н тушган эмас* (Бур. с. 3).

2. учун кўмакчиси кенг истеъмолдаги кўмакчилардан бири бў-
либ, қуйидагича маъноларни англатган:

а) сабаб маъносини ифодалайди: *Маҳаллани ризолуғи у ч у н
работчи бўлиб кетди* (Ист. қ. 30). *Аям ўқуган у ч у н азоблар била
бизни ўқутяпти* (Ян. с. 22—23).

б) мақсад маъносини ифодалайди: *Меҳнаткашлар у ч у н жо-
нини қурбон қилган фидокорлар* (Ист. қ. 100).

в) деб равишдоши мақсад маъносини ифодалаб, *учун* кўмак-
чисига синоним бўлган: *Мени деб шу қора кунларга тушдинг*
(Ист. қ. 74).

3. *каби* кўмакчиси предмет, белги ёки ҳаракатни бошқаси би-
лан ўхшатиш, чоғиштириш маъноларини ифодалайди: *Кўз ол-
дингда эчкининг сақоли ка б и ликиллаб тургандек гап* (Бур.
с. 4).

Ҳамза асарларида қўлланган кўмакчиларнинг бир қисmini
кейин, ўхшаш, ташқари, яраша сингари от ва феъл кўмакчилари
ташқил қилади. Бу кўмакчилар чиқиш ва жўналиш келишигида
келган сўзлар билан муносабатга киришиб, пайт, ажратиб кўрса-
тиш, чоғиштириш каби маъноларни ифодалайди: *Учта қути қў-
йилгандан к е й и н соққада барака қоладими?* (Бур. с. 11). *Дом-
ламга ў х ш а ш... болаларга таълим бераман* (Бур. с. 34). *Ўзум-
га я р а ш а дин-диёнатни сендан яхши биламан!* (Ист. қ. 22). *Бу-
лардан ташқари пуч ёнғоққа қўйиунни тўлғузинг* (БХ, 39).

Кўмакчи отлар. Кўмакчи отлар мустақил маъноли сўзлар бў-
либ, маълум вақтларда макон, замон келишикларини олиб кў-
макчи сифатида қўлланади⁶⁵.

⁶⁵ Рустамов Т. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кўмакчилар. Тош-
кент, 1965, 14-бет; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш.
Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965, 106—107-бетлар.

Ҳамза асрларида қуйидагича кўмакчи отлар учрайди.

1. *Ўрта* ва *ора* кўмакчи отлари ўзаро синоним бўлиб, ҳаракат предметнинг марказий қисми ёки предметлар орасида бажарилишини ифодалайди: *Диёнатсиз, қора халқ орасида тирикчиликдан албатта ўлум яхши* (Заҳ. ҳ. 35). *Халқ ўртасида 2—3 дона наमत... кўрпача ва ёстуқлар солинадур* (Бур. с. 22).

2. *уст* кўмакчи оти ҳаракат ёки ҳолат предметнинг уст қисмида содир бўлишини билдиради: *Юринг, иккимиз ул тоғ устига чиқайлик* (Қир. к. 1). *Карават устида эски бир ётоқ* (Ист. қ. 39).

3. *ост* кўмакчи оти ҳаракат ёки ҳолат предметнинг қуйи қисмида содир бўлишини ифодалайди: *Тўтини тоғ остига олуб боруб, қўйуб юборди* (Қир. к.). *Кўзимиз била кўрсак эди, бу хонларни палид бошларини оёқлар остида паймол бўлганини* (Итс. қ. 76).

4. *Ўрин, уза, орқали, бош, ёқа, таг, олд, ич, ён, қош, қатор, қарши, орқа* сингари кўмакчи отлар турли хил маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган: *Отам ўрнига отам бўлинг* (Бур. с. 38). *Шариат узасидан ман қабул қилмасман* (Заҳ. ҳ. 18). *Сизнинг ҳаракатингиз орқали баним қўлима тушди* (Заҳ. ҳ. 18). *Кўпалак бошида учар* (Заҳ. ҳ. 18). *Маст ажал қошинда эканман...* (Ист. қ. 91). *Ҳоким тўранинг олдиға бориш керак* (Б. х. 2). *Ҳоким кансилари ичида фафирос чекиб...* (Б. х. 14). *Ошхонанинг ёнидаги қозноққа жимжит қилиб қулфлаб қўй қолсинлар* (Бур. с. 16). *Бу мустабид золимларнинг қошинда бир хашакчалик қадри йўқ* (Ист. қ. 6). *Насибаси тортган бўлса, эл қатори буям бориб келарди* (Ист. қ. 63).

ЮКЛАМАЛАР

XX аср бошларида яратилган адабий тил ёдгорликлари орасида юкламаларнинг кўп қўлланганлиги жиҳатидан Ҳамзанинг асарлари ажралиб туради. Бу ҳол адиб асарлари тилининг жанр хусусиятлари, аниқроғи, драматургия жанрининг юзага келиши, объектив ҳаётнинг акс эттирилиши, персонажлар характерларининг ўз нутқларида намоён бўлиши билан боғлиқдир.

1. *-ми* (баъзан *-му*) сўроқ юкламаси кўпинча от ва феълларга қўшилиб, сўроқ маъносини ифодалайди: *Шу гапларни гапургани худодан қўрқмайсанму?* (БХ, 11). *Ман холос, рост бўлди-қўйди, билдиларингизми?* (Ист. қ. 82).

-ми юкламаси I шахс тусланган феъллар билан келганда кўпинча таъкид маъносини ифодалайди: *Қиламан дедимми, қиламан, ҳам қилишим керак* (Бур. с. 24). Айрим ҳолларда *-му* юкламаси традицион адабий тилимиздаги сингари тусловчи аффикслардан олдин келади: *Сиз бизни хон демокчимусиз?* (Ист. қ. 96).

2. *-чи* юкламаси сўроқ маъносидан ташқари кучайтирув маъноларини ҳам ифодалайди: *Еш жонингга раҳминг келса-чи?*

(Заҳ. ҳ. 2). *Ҳаммангни қонингни ичаман, қани сўйламачи!* (Бур. с. 17).

3. -а (я) юкламаси таажжуб, сўроқ, ҳайратланиш маъноларини ифодалайди: *Мен эшон-а! Эшон! Мен босмачи эмас* (Заҳ. ҳ. 20). *Оббо, юрагим озиб кетди-я!* (Бур. с. 5).

4) -у, -ю, -ку юкламалари таъкид, маънони кучайтириш сингари маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади: *Манам одам-ку?* *Юҳо ё одам ё ввойи маску* (Заҳ. ҳ. 14). *Мени кафишларими кўзларига суркаб табаррук қилишди-ю* (Заҳ. ҳ. 16).

Баъзан -ю юкламаси бириктирувчи ва боғловчиси функциясида ҳам келиши мумкин: *Ким эканлар десам, Шокир аллофнинг хотунлари-ю, Мусо қаллобнинг қизлари экан* (Бур. с. 31—32).

5. -да юкламаси асосан таъкид маъносини ифодалайди: *Ҳазрат эшонлардан иш кеткан-да!* (Заҳ. ҳ. 6).

-да юкламаси бириктирувчи боғловчи вазифасида келиб, уюшиқ бўлақлар ҳамда гапларни боғлаш учун хизмат қилган: *Бўладиган ганди гафурушайлик-да кетайлик* (Ист. қ. 33).

-да юкламасининг Тошкент шеvasига хос -де варианты ҳам Ҳамзанинг баъзи асарларида учрайди: *Ман сани кўп яхши кўраман-де* (БХ, 22).

6. -гина юкламаси ажратиб кўрсатиш, чегаралаш маъноларини ифодалаган: *Мен фалон шаҳарни подшосини ёлғузгина ўғли эдим* (Қир. к.).

Юқоридаги юкламалардан ташқари, маънони кучайтириш учун *ахир, ҳатто*, аниқлаш маъносини ифодалаш учун *худди* сингари юкламалар ҳам Ҳамза асарлари тилида тез-тез учраб туради: *Ахир нима дейсиз! Нима қиласиз ўлукни?* (Ист. қ. 13). *Ҳатто бунга ҳам насиҳатгўй бўлуб қолаёзди* (Бур. с. 33). *Устозлигингиз йўлумни тўсаяпти, худди ўзумни ўлдураман* (Ист. қ. 51).

Ундов ва модал сўзлар

Ундов ва модал сўзлар ўртасида маълум яқинлик мавжуд. Ундовларда воқеликка нисбатан руҳий, эмоционал муносабат ифодаланса, модал сўзларда гапда ифодаланган воқеликка нисбатан фикрий муносабат ифодаланади.

Ҳамза асарлари тилида учрайдиган ундовлар жонли сўзлашув тилига хос ҳис-ҳаяжон, турли салбий ва ижобий туйғуларни ифодаловчи *ух, оҳ, вой, дод* сингари ундовлардир: *Уҳ, қалтис гафурдингиз!* (Ист. қ. 50). *Оҳ, бадбахт дунё!* (Ист. қ. 20). *Ай, оғзингдан ўргулай санинг* (Бур. с. 15). *Вой, нима хат, ўқинг* (Ист. қ. 81). *Дод, золимни дастидан* (Заҳ. ҳ. 18).

Юқоридаги ҳис-ҳаяжон ундовларидан ташқари *ҳай, ҳой* сингари чақирқ ундовлари ҳам Ҳамза асарлари тилида кўплаб учрайди: *Ҳай болам! Сизга нима бўлди?* (Ист. қ. 71). *Ҳой Ғофир, ўйнашмагин арбоб билан арбоб урар ҳар боб билан* (БХ, 9).

Персонажлар нутқида *хайр, раҳмат* ва *марҳамат* сингари ташаккур, илтифот, хайрлашув маъноларини ифодаловчи ундовлар ҳам учрайди: *Ахир чой ичмаган жойимизми, хайр!* (Заҳ. ҳ. 6). *Бой почча, келсунлар! Қани марҳамат* (жой кўрсатиб) *қани!* (Заҳ. ҳ. 3).

Модал сўзлар Ҳамза асарлари тилида миқдор жиҳатидан унчалик кўп бўлмаса-да, ҳар ҳолда сўзловчининг ўз фикрига турлича муносабатини ифодаловчи *ҳақиқатда, эҳтимол, албатта, демак, ҳуллас, шекиллик, хўш* сингари модал сўзлар қўлланган: *Ҳақиқатда, бу ишлар жаҳолатдан* (Заҳ. ҳ. 33). *Эҳтимол, бу кун келиб қолар* (Бур. с. 33). *Албатта, биздан кўради, шундаймасми?* (Ист. қ. 51). *Демак, бизни ҳам бир оз хотиржам қилинг* (Бур. с. 7). *Бу менинг сўнгги минутларим шекилик* (Ист. қ. 89).

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

БХ — «Бой или хизматчи», (7628, XVII).
 Бур. с. — «Бурунги сайловлар», 1926, (7628, III).
 Ен. ад. — «Енгил адабиёт», 1914, (7628, I).
 Заҳ. ҳ. — «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», 1916 (8130).
 Ист. қ. — «Истибод қурбонлари», 1922.
 ЯГ — «Яшил гул, 1916 (40667, VI).
 МА — «Миллий ашулалар», 1915 (4066, I).
 МИ — «Майсаранинг иши», 1926, (7628, V).
 ОГ — «Оқ гул», 1916 (4066, II).
 ОЗ — «Озиё», Тошкент, 1908 (газ).
 ПГ — «Пушти гул», 1916 (4046, IV).
 Сам — «Самарқанд» — 1913 (газ).
 СГ — «Сариқ гул», 1916 (4046, V).
 СТ — «Садон Туркистон», 1914.
 СФ — «Садон Фарғона», 1914.
 СФГ — «Сафсар гул», 1917, (4066, VII).
 Тар — «Тараққий», Тошкент, 1906 (газ.).
 ТВГ — «Туркистон вилоят газетаси», Тошкент, 1870—1917.
 ХУР — «Хуршид» (газ).
 ҚГ — «Қизил гул», 1916, (4066, III).
 Қир к. — «Қироат китоби», 1915 (7628, III).
 Ян. с. — «Янги саодат», 1915, (12675).

АВТ — «Мухторият ёки автономия», (Н, 1971).
 АКД — Автореферат кандидатской диссертации.
 АДД — Автореферат докторской диссертации.
 БИ — «Биз ишчимиз».
 БШТ — «Бир шарманда тилидан».
 БЭУ — «Бир эшон ўлкаси».
 БЭҚ — «Берма эркинни қўлдан».
 ЕИ — «Ер ислоҳоти».
 ИБ — «Ишчи бобо».
 ИУ — «Ишчилар уйғон».
 Пар. с. — «Паранжи сирларидан бир лавҳа».
 СА — «Салом айтинг».
 СО — «Сайлов олдидан».
 Туҳ. ж. — «Туҳматчилар жазоси»
 ТЧ — «Тошбақа билан чиён».
 У — «Уйғон».
 ФНХБ — «Фақирлик нимадан ҳосил бўлади».
 ШҚ — «Шундоқ қолурму?»
 ЯИД — «Яшангиз, ишчи деҳқонлар».
 Яш — «Яша, Шўро!»
 УХҚ — «Ўзбек хотин-қизларига».
 КБ — «Киморнинг боши».
 ҲИ — «Ҳой ишчилар».
 ХХ — «Хужум хонларга».
 ХҲО — «Ҳой, ҳой, отамиз!»
 I — Танланган асарлар. 1-том, 1969.
 II — Танланган асарлар. 2-том, 1971.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Ҳамза ижодининг ўрганилиш тарихидан	5
Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланишида Ҳамза асарларининг роли	6
I боб. XX аср бошларида ижтимоий-маиший ҳаёт, адабий тил проблемаси	13
Давр тилида ўғуз ва қипчоқ тилига хос формалар	18
Диалектизмлар	20
Ҳамза асарлари тилидаги русча-интернационал лексик қатлам ҳақида	25
Революцион ғояларга мос ифодалар	28
Жуфт ва такрорий сўзлар стилистик восита сифатида	33
II боб. Ҳамза асарлари тилининг морфологик хусусиятлари	42
Келишик формалари	42
Сифат	62
Сон	68
Олмош	71
Феъл	80
Равиш	97
Боғловчилар	98
Қўмакчилар	99
Юкламалар	101
Шартли қисқартмалар	104

Байкузи Турдиалиев

Ҳамза и узбекский литературный язык

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

*Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги Наманган Давлат педагогика институти
ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг илмий советлари томонидан
нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *Ф. Тошматова*
Рассом *П. Н. Халипин*
Техмуҳаррир *Р. Лушникова*
Корректор *О. Абдуллаева*

ИБ № 1519

Теришга берилди 23.09.81. Босишга рухсат этилди 13.10.81. P07828. Формати 60×90^{1/16}. Босма-хона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 6,5. Ҳисоб-нашриёт л. 5,8. Тиражи 2000. Заказ 191. Баҳоси 85 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.